

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНЫЙ АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	----------------------------------------------	---------------------------------------------

**2015
№3**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Сайдилла Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., доцент.

Исламходжаев Хасан Суратович – ю.ф.д., доцент.

Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Имомов Нурилло Файзуллаевич – ю.ф.д., доцент.

Эсанова Замира Нормуратовна – ю.ф.д., доцент.

Шодманов Фурқат Юсупович – ю.ф.д., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Шамухамедова Замира Шаисламовна – ю.ф.д., доцент.

Эргашев Восит Ёкубович – ю.ф.н., доцент.

Холмунинов Жуманазар Тоштемирович – ю.ф.д., профессор.

Файзиев Шухрат Хасанович – ю.ф.д., профессор.

Абдурасулова Кумринисо Раимқулловна – ю.ф.д., профессор.

Зуфаров Рустам Ахмедович – ю.ф.д., профессор.

Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – ю.ф.д., профессор.

Тошев Бобоқул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.

Рустамбеков Ислоббек Рустамбекович – ю.ф.н., доцент.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш суралади:

Гулямов Сайдилла Саидахарович,
Рустамбеков Ислоббек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи кафедраси, Ёш олимлар кенгаши
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36 (1073)

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сийсати ёки фикрини акс эттирмайди.
2015 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **М. Юсупов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 05.10.2015

Наشريёт ҳисоб табоғи – 6

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди

Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

3/2015

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

А.Янгибаев

Ҳуқуматни шакллантиришда сиёсий партиялар иштирокининг айрим ҳуқуқий ва ташкилий масалалари..... **5**

Б.Алимов

Ишончсизлик вотуми – президент, парламент ва ҳуқумат муносабатларининг предмети сифатида..... **8**

ҲУҚУҚОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

Д.Хабибуллаев

Ҳуқуқолик ишини кўзғатиш босқичида юритиладиган процессуал ҳужжатлар... **11**

Б.Топилдиев

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ва унинг асосий шартлари..... **15**

М.Усманова, А.Жумагулов

"Кексаларни эъзозлаш йили" ва пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари..... **18**

Ш.Туляганова

Ўзбекистон Республикасида туризми норматив-ҳуқуқий тартибга солиш..... **21**

Ш.Адилходжаев

Мамлакатимизнинг молия қонунчилигини такомиллаштириш ва тизимлашда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини роли ва аҳамияти..... **23**

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

О.Махкамов

Жиноят қончилиги таҳлили: амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг истиқболлари..... **26**

У.Тухташева

Жиноят ишларини юритишда апелляция тартибда суд хатоларини бартаараф этиш..... **30**

А.Зақурлаев

Замонавий криминалистикада суд экспертизасини ривожланиш тенденциялари..... **33**

Г.Тулаганова

Суд муҳокамасида исбот қилиш доирасини тўғри белгиланишининг концептуал масалалари..... **35**

Б.Хидоят

Ўзбекистон Республикаси ва айрим хорижий давлатлар суриштирув органларининг қиёсий таҳлили..... **38**

Д.Базарова

Гувоҳнинг адвокатга бўлган ҳуқуқни таъминланиши одил судловнинг кафолатларидан бири..... **41**

И.Астанов

Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишининг юридик тавсифи: таҳлил ва мулоҳазалар..... **44**

С.Рахмонова

Жиноят ишлари юритишда ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичининг типик шакллари..... **47**

Қ.Маткаримов

Жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш – жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликка кафолатини янада мустаҳкамлашнинг муҳим мезони..... **50**

Н.Хайриев

Мақсадга мувофиқлик – жиноят процессининг муҳим принципи..... **53**

Х.Очилов

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш жинояти объектив белгилари тушунчаси ва аҳамияти..... **56**

Ф.Рамазанова

Жиноят-процессуал қонунчилигида суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш шакли сифатида жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари..... **59**

С.Чурякова

Дастлабки тергов босқичида прокурор фаолиятининг процессуал жиҳатлари..... **62**

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

К.Рашидов

Чет эл давлати халқаро хусусий ҳуқуқи мазмунини аниқлашда доктринанинг аҳамияти..... **65**

И.Рустамбеков

Ўзбекистон Республикасида халқаро хусусий ҳуқуқ ривожланиши ва моҳиятининг айрим жиҳатлари..... **69**

Н.Раҳмонқуллова

Турли мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлили..... **72**

А.Эргашев

Трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари..... **76**

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

Дж.Сафаров

Хорижий мамлакатларда экология соҳасида бошқарув моделлари (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил)..... **79**

Х.Хайитов

Ўзбекистон Республикасида сув муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари..... **82**

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Saydilla – Professor, doctor of sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Mrs. Akhmedshaeva Mavlyuda – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Islamkhodjaev Khasan – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rakhimov Fakhri – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Okyulov Omonboy – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Imomov Nurillo – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Esanova Zamira – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Shodmanov Furqat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Samarkhodjaev Botir – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Shamukhamedova Zamira – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Ergashev Vosit – associate professor, candidate of sciences in law

Mr. Kholmuminov Jumanazar – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Fayziev Shukhrat – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Abdurasulova Qumriniso – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Zufarov Rustam – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Mukhitdinov Fakhridin – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Toshev Bobokul – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rustambekov Islambek – associate professor, candidate of sciences in Law.

For further information please contact:

**Mr. Gulyamov Saydilla,
Mr. Rustambekov Islambek**

35, Sayilgoh Street, TSIL, Department of "International Private Law", Tashkent,
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36 (1073)

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.lawreview.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.
Published in 2015.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**
Publishing editor: **N.Niyazova**
Technical editor: **M.Yusupov**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 05.10.2015

Bulk – 6

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

**SCIENTIFIC-ANALYTICAL
JOURNAL**

3/2015

CONTENTS

STATE LAW AND MANAGEMENT

A.Yangibayev

Some Legal and Organizational Issues of Participation of Political Parties in formation of Government..... **5**

B.Alimov

Vote of no Confidence – as the Subject of Interrelations of the President, Parliament and Government..... **8**

CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS

D.Khabibullayev

Procedural Acts on the Stage of Filing a Suit..... **11**

B.Topildiyev

The Basic Conditions of the Contract of Confidence Management of Property **15**

M.Usmanova, A.Jumagulov

«Year of Attention and Care for the Senior Generation» and the Improvement Issues of the Legislation in Pension Provision..... **18**

Sh.Tulyaganova

Legal Regulation of Tourism in the Republic of Uzbekistan..... **21**

Sh.Adilkhodjayev

The Role and Importance of the Budget Code of the Republic of Uzbekistan in the Improvement and Systematization of Financial Law of the Country..... **23**

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

O.Makhkamov

Review of Criminal Legislation: Implementation of Reforms and Perspectives **26**

U.Tukhtasheva

Correcting of Courts' Mistakes in Appeal Instance of Criminal Procedure **30**

A.Zakurlyayev

Court Expertise Development Trends in Modern Criminalistics..... **33**

G.Tulaganova

Conceptual Matters of Correct Determination of Proving Limits in the Court Session **35**

B.Khidoyatov

The Comparative Analysis of the Inquiry of the Republic of Uzbekistan and Some Foreign Countries **38**

D.Bazarova

The right of a Witness to Advocate as One of the Guarantees of Fair Justice **41**

I.Astanov

Judicial Characteristics of Special Knowledge Using in Criminal Cases..... **44**

S.Rakhmonova

Typological Forms of Stage of Appointing Criminal Case for Trial **47**

K.Matkarimov

Humanization of the Criminal Proceedings – an Important factor for the Further Development of the Rights and Freedoms of the Individual in Criminal Proceeding..... **50**

N.Khayriyev

The Expediency is the Important Principle of the Criminal Proceeding **53**

Kh.Ochilov

The Concept and Importance of Objective Evidences of Theft by Embezzlement of Another's Property with the use of Computer Technology **56**

F.Ramazanova

Problems of Strengthening of Public Control as a form of Legal Reforms Implementation in Criminal-Procedural Legislation **59**

S.Churyakova

Procedural Aspects of the Prosecutor's Activity on the pre-trial Stage..... **62**

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

K.Rashidov

Value of Doctrine in Establishing the Content of Private International Law of Foreign Country **65**

I.Rustambekov

Some aspects of Development and Essence of the International Private Law in the Republic of Uzbekistan **69**

N.Rakhmankulova

Analyze of the Legislation Acts of Several Countries on International Private Law **72**

A.Ergashev

The Methods of Legal regulation of Relations connected with Cross-border Bankruptcy..... **76**

ENVIRONMENTAL LAW

Dj.Safarov

Models of Management in Sphere of Ecology in Foreign Countries (comparative-legal analysis)..... **79**

Kh.Khayitov

Problems of Improvement of Legal Basis of Water Relations in the Republic of Uzbekistan **82**

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Сайдилла Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – д.ю.н., доцент.
 Исламходжаев Хасан Сураатович – д.ю.н., доцент.
 Рахимов Фахри Хайдарович – д.ю.н., профессор.
 Оқюлов Омонбой – д.ю.н., профессор.
 Имомов Нурилло Файзуллаевич – д.ю.н., доцент.
 Эсанова Замира Нормуратовна – д.ю.н., доцент.
 Шодманов Фурқат Юсупович – д.ю.н., профессор.
 Самарходжаев Ботир Билялович – д.ю.н., профессор.
 Шамухамедова Замира Шаисламовна – д.ю.н., доцент.
 Эргашев Восит Ёқубович – к.ю.н., доцент.
 Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – д.ю.н., профессор.
 Файзиев Шухрат Хасанович – д.ю.н., профессор.
 Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна – д.ю.н., профессор.
 Zufarov Ruzm Akmudovich – д.ю.н., профессор.
 Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – д.ю.н., профессор.
 Тошев Бобоқул Норқобилович – д.ю.н., профессор.
 Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович – к.ю.н., доцент.

Для получения информации просим обращаться:
Гулямов Сайдилла Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
 ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое (частное) право, Совет молодых ученых. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте: www.lawreview.uz

Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2015 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**
 Издательский редактор: **Н.Ниязова**
 Технический редактор: **М.Юсупов**
 Лицензия № 02-0074
 Подписано к печати – 05.10.2015
 Уч.- изд. лист. – 6
 Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»
 Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

3/2015

СОДЕРЖАНИЕ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ

А.Янгигаев
 Некоторые правовые и организационные вопросы участия политических партий в формировании правительства **5**

Б.Алимов
 Вотум недоверия – как предмет взаимоотношений президента, парламента и правительства **8**

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС

Д.Хабидуллаев
 Процессуальные акты на этапе возбуждения гражданских дел **11**

Б.Топилдиев
 Основные условия договора доверительного управления имуществом **15**

М.Усманова, А.Жумагулов
 «Год внимания и заботы о старшем поколении» и вопросы совершенствования законодательства в сфере пенсионного обеспечения **18**

Ш.Туляганова
 Нормативно-правовое регулирование туризма в Республике Узбекистан **21**

Ш.Адилходжаев
 Роль и значение Бюджетного кодекса Республики Узбекистан в совершенствовании и систематизации финансового законодательства страны **23**

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

О.Махкамов
 Обзор уголовного законодательства: осуществленные реформы и их перспективы **26**

У.Тухташева
 Исправление судебных ошибок в апелляцияном порядке уголовного судопроизводства **30**

А.Закурлаев
 Тенденции развития судебной экспертизы в современной криминалистике **33**

Г.Тулаганова
 Концептуальные вопросы правильного определения пределов доказывания в судебном заседании **35**

Б.Хидоятов
 Сравнительный анализ органов дознания Республики Узбекистан и некоторых зарубежных стран **38**

Д.Базарова
 Обеспечение права свидетеля на адвоката как одна из гарантий справедливого правосудия **41**

И.Астанов
 Юридическая характеристика использования специальных познаний по уголовным делам **44**

С.Рахмонова
 Типовые формы стадии назначения судебного заседания в уголовном судопроизводстве **47**

К.Маткаримов
 Гуманизация уголовного судопроизводства – важный фактор для дальнейшего развития обеспечения прав и свобод человека в уголовном процессе **50**

Н.Хайриев
 Целесообразность – важный принцип уголовного процесса **53**

Х.Очилов
 Понятие и значение объективных признаков хищения путем присвоения или растраты чужого имущества с использованием средств компьютерной техники **56**

Ф.Рамазанова
 Вопросы усиления общественного контроля как форма осуществления судебно-правовых реформ в уголовно-процессуальном законодательстве **59**

С.Чурякова
 Процессуальные аспекты деятельности прокурора на стадии предварительного расследования **62**

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

К.Рашидов
 Значение доктрины в установлении содержания международного частного права иностранного государства **65**

И.Рустамбеков
 Некоторые аспекты развития и сущности международного частного права в Республике Узбекистан **69**

Н.Рахманкулова
 Анализ законодательных актов разных государств о международном частном праве **72**

А.Эргашев
 Методы правового регулирования отношений, связанных с трансграничной банкротством **76**

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО

Дж.Сафаров
 Модели управления в сфере экологии в зарубежных странах (сравнительно-правовой анализ) **79**

Х.Хайитов
 Проблемы совершенствования правовых основ водных отношений в Республике Узбекистан **82**

А.К. Янгибаев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

ҲУКУМАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИНГ АЙРИМ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар кўрсатиб берилди. Шунингдек, парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатларида фракцияларнинг ўрни, ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг аҳамияти ва Республика ҳукуматини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштироки билан боғлиқ қонунчилик тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: конституция, конституциявий қонун, концепция, парламент, ҳукумат, фракция, депутатлар гуруҳи, парламент назорати, электорат, сиёсий партия.

Аннотация: в статье раскрывается содержание, проводимых в стране, реформ по демократизации государственной власти и управления. Также рассматривается место фракций во взаимоотношениях парламента и правительства, значение парламентского контроля за деятельностью правительства, разработан ряд предложений по совершенствованию законодательной системы, связанной с участием политических партий в формировании правительства республики.

Ключевые слова: конституция, конституционный закон, концепция, парламент, правительство, фракция, группа депутатов, парламентский контроль, электорат, политическая партия.

Annotation: the article deals with the content of reforms holding in the country on democratization of state authority and management. The author reveals the place of fractions in interrelations of parliament and government, significance of parliamentary control over the activity of the government and worked out some proposals on improvement of legal system connected with participation of political parties in formation of government of the republic.

Key words: constitution, constitutional law, conception, parliament, government, faction, group of deputies, parliamentary control, electorate, political party.

Парламент давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи бўлиб қонунчилик фаолиятини амалга оширади. Парламентда халқ ўз манфаатларини ифодалаш ҳуқуқи билан биргаликда, фуқароларимизнинг давлат ҳокимиятини бошқаришдаги иштирокини амалга ошириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятига ўз таъсирини кўрсатиш имкониятини таъминлайди. Фуқароларнинг ушбу жараёндаги иштироки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилаётган сайловлар орқали намоён бўлади.

Сайловларда сиёсий партияларнинг иштироки ўта серқирра жараёндир. Сиёсий партиялар ва уларнинг сайловдаги иштироки масаласини конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусияти демократия институтларининг ривожланишига бевосита таъсир

кўрсатади. Кўпчилик ривожланган хорижий мамлакатлар асосий қонунларида ҳам сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки масаласи конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Конституциясининг 98-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгиланди. [1, 12-бет.]

Илк бор мазкур норманинг қўлланилиши 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган сайловлар орқали намоён бўлди. Сайлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринга эга бўлди ҳамда амалда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини таклиф этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарини ва мамлакат ҳукуматини шакллантиришда етакчи роль ўйнайдилар, чунки айнан улар сайловда иштирок этувчи бирдан-бир ташкилий-жамоавий субъектлар ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчилик ривожидagi навбатдаги муҳим ислохотлардан бири бўлди. Мазкур қонунга мувофиқ, парламентнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида “парламент назорати” институти конституциявий норма этиб мустаҳкамланди. Шунингдек, ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини янада кучайтириш мақсадида қонунда Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида унинг номзоди кўриб чиқиляётган ва тасдиқланаётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиш ҳақидаги нормалар белгиланди. Бу эса, Бош вазир лавозимига номзоднинг келажақда мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги муҳим ўзгаришларни амалга ошириши, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижросини таъминланиши ва назорат қилишни ҳамда тасдиқланаётган истиқболли ҳаракат дастури асосида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги энг муҳим масалалар юзасидан маърузалар тақдим этиш каби муҳим масъулиятли вазифаларни юклайди.

Қонунчилик палатасининг янги сайланган депутатлари сиёсий партия манфаатларини парламентда ифодалаш мақсадида ўзларининг фракцияларини ва депутатлик гуруҳларини ташкил этади. Ушбу фракциялар ва депутатлик гуруҳларига

Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўзларининг фикрларини депутатлар ўртасида тарқатиши, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритиши, ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиши, палата мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши қонунчилик асосида мустақамланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг ўз ваколатларидан самарали фойдаланишини таъминлаш ва Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётганида Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури билан барча фракциялар ва депутатлар гуруҳларига танишиб чиқиш ва таклифлар киритиш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда, *“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни 25-моддасига иккинчи қисм сифатида тўлдириш таклиф этилади. ...“Барча фракциялар ўзларининг мажлисларида таклиф этилаётган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиши ва Бош вазир томондан тақдим қилинган Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури билан танишиб чиқиши, муҳокама қилиши ва таклифлар билдириши мумкин”.*

Таклиф этилаётган ушбу норма Қонунчилик палатаси фракциялари томонидан қонунийлик, демократизм, коллегиялик ва очиқлик каби принциплар асосида фикрлар билдирилишини англатади. Шунингдек, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини амалда таъминлайди.

Хорижий тажриба ўрнида, Германия, Англия ва бошқа ривожланган давлатлар парламентида энг кўп депутатлик ўринга эга бўлган сиёсий партия томонидан Бош вазир номзоди парламентга таклиф сифатида киритилади ва парламент фракциялар томонидан кўриб чиқилиб муҳокама қилинади.

Бизнинг фикримизча, давлат ва сиёсий партиялар ўртасидаги тўғридан-тўғри ўзаро алоқаларнинг асосий йўналишлари учта – электорал, парламент ва ҳукумат даражасидаги ўзаро алоқалар бўлиб, улар ҳокимият-партия муносабатлари тизимида айниқса муҳим ўрин эгаллайди.

Сўнгги йилларда ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш принципларида юз берган ўзгаришлар, хусусан Бош вазирни лавозимга тайинлашда, маҳаллий ижроия ҳокимияти бошлиқлари бўлган ҳокимларни Кенгашлардаги партиявий гуруҳлар билан бамаसाҳат тайинлаш тартиби давлат бошқаруви ислоҳотининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлди. Сиёсий партиялар давлатнинг вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари тизимида муҳим қарорларини қабул қилиш ва муҳокама қилиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига амалда эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва сайловлар билан боғлиқ қонунчиликка киритилган ўзгаришларга мувофиқ, 2009 ва 2014 йиллардаги Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур жараёнда иштирок этган сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари кенгайиши ҳисобига сайлов кампанияларида уларнинг янада фаолроқ иштирок этганликларини тасдиқлади. Сиёсий партияларнинг сайлов олди дастурлари ва ундаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўз электорати ишончини қозонишга ҳаракат қилганликлари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларининг жадаллик билан олиб борилганлиги кузатилди.

Жаҳон амалиётида сайловда ғолиб чиққан сиёсий партия томонидан шакллантирилган ҳукуматнинг самарали фаолиятига мисоллар кўп. Бу ерда парламент ва ижроия ҳокимияти ўз сайловчилари олдида биргаликда жавобгар бўладилар. [2] Ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига кўра вакиллари энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан Бош вазир номзоди таклиф этилиши белгиланди.

Эндиликда, сиёсий партияларнинг ҳукуматни шакллантиришдаги иштирокини такомиллаштириш мақсадида, *“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси яъни “Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби”га 8-банд сифатида қўшимча норма киритиш таклиф этилади. Жумладан, “Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир томонидан, сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган сиёсий партиялар билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказгандан кейин, Ўзбекистон Республикаси Президентига номзодларни тасдиқлаш учун тақдим этади”.*

Мазкур янги норманинг киритилиши орқали сиёсий партияларнинг ҳукумат фаолиятини шакллантиришдаги иштирокини таъминлашга ҳамда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш мақсадида, сайловда ғалабани кўлга киритган сиёсий партияларга нафақат Бош вазир номзодини балки, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини ҳам лавозимларга тайинлашда иштирокини таъминлаш назарга олинган. Шу орқали сиёсий партиялар ҳукумат томонидан амалга оширилаётган сиёсатга таъсирини ўтказиши ва ўз электорати олдида сайлов олди дастурларини амалда бажарилишини таъминлашга хизмат қилади. Бош вазирнинг эса, ҳукумат аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширишда масъулиятини оширади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўтказилаётган сайловларда сиёсий партияларнинг сайлов олди дастурларининг мукамал ишланишига, партияларнинг ўз электорати олдидаги масъулиятини янада ошишига ҳамда сайловларда кўппартиявийликни ва партиялар ўртасидаги ўзаро рақобатни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги шароитда Ҳукуматнинг парламент олдида ҳам, жамоатчилик олдида ҳам жавобгарлиги масаласи айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан муносабатлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида белгиланган. Мазкур нормага қўшимча сифатида билдириляётган таклифда, Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат фаолияти билан боғлиқ масалалари юзасидан ҳисоботларни ва ахборотларни эшитишларида, улар фаолиятига доир тавсиялар ва таклифларини кўриб чиқишда нафақат Олий Мажлис палаталари ёки унинг қўмиталари, балки Қонунчилик палатаси *фракциялари ва фракция йиғилишларида* ҳам ҳал қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур таклифнинг киритилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциялари ролини ошишига, уларнинг парламент назорати субъекти сифатидаги иштирокини таъминлаш, фракция йиғилишларида ҳукумат аъзоларининг ахборотини тинглаш, парламент назоратини амалга оширган фракция томонидан якуний хулосалар қилиш ва ҳукумат фаолияти бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ҳамда белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим қилишни таъминлайди. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракцияларининг ўз электоратига берган ваъдаларини амалда таъминлашга ва сайлов олди дастурларининг ўз вақтида бажарилишига олиб келади.

Яна бир муҳим масалалардан бири бу – ижро ҳокимияти устидан парламент назоратининг амалга оширилишидир. Парламент назорати ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида масъулиятсизликка, улар ўз ваколатлари чегарасидан четга чиқишларига йўл қўймасликнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Унинг объекти сифатида барча давлат органлари, жумладан Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти амал қилади. Парламент назоратининг моҳияти ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқлигини қонунчилик ҳокимияти органлари томонидан кузатишнинг амалга оширилиши, шунингдек, аниқланган қонуннинг бузилиши ҳолларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чоралари кўрилиши билан белгиланади [3, 95-бет.]

Бизнинг назаримизда, парламент назоратининг бош мақсади камчиликлар ва қонуннинг бузилишини қайд этишда эмас, балки уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш воситаларини амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан қўллашда, шунингдек, аниқланган қонунийликни бузиш ҳолатларини нейтраллаштириш воситаларини ишлаб чиқишда намоён бўлади (парламент тингловлари ва тафтишлари, Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, ҳокимлар ва ижро этувчи ҳокимият органлари бошқа мансабдор шахсларининг ҳисоботлари; сўровлар ва мурожаатлар; парламент аъзоларининг саволларига Ҳукумат аъзоларининг жавобларини тинглаш).

Албатта, ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш ва уларни назорат қилишда партиялар ва уларнинг тузилмалари иштироки барча камчиликларни бартараф этиш воситаси ҳисобланмайди. Россиялик тадқиқотчи Е.В.Коврякова айрим ҳолларда парламент ўзига қарашли бўлмаган

ҳокимиятни эгаллаб олиши, ҳукуматни ўз ваколатларини тезкорлик билан амалга оширишга қодир бўлмаган самарасиз органга айлантириши мумкинлиги ҳақида (ўта таъсирчан парламент назоратининг салбий жиҳати ҳам шунда) огоҳлантиради. Айни пайтда парламент назоратининг йўқлиги ижро этувчи ҳокимият коррупция домига илинишига, давлатни бошқариш самарали амалга оширилмаслигига олиб келиши мумкин [4, 23-бет.] Биз бу омил ҳам эътиборга олиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг ўрнатилиши мамлакатда амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар билан узвий боғлиқдир. Мамлакат парламенти ва ҳукуматини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштироки амалга ошириляётган ислохотларнинг зарурий бўғини, давлат сиёсатининг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакат тараққиёти ва ривожланиши йўлида давлатнинг вакиллик ва ижро ҳокимияти тизимида ўзаро муносабатларининг самарали ва тартибли ташкил этилиши, қабул қилинаётган қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижроси таъминланишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б.12.
2. Исмоилов Б.И. Реализация права законодательной инициативы в правоприменительной практике зарубежных стран и Республике Узбекистан. Информационно-образовательный юридический портал: <http://Allpravo.ru>.
3. Юдин Ю. Политические партии и право в современном государстве. – М., 1998. – С. 95.
4. Коврякова Е.В. Парламентский контроль в зарубежных странах: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 23.

Б.Алимов,
ТДЮУ “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви”
кафедраси ўқитувчиси

ИШОНЧСИЗЛИК ВОТУМИ – ПРЕЗИДЕНТ, ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ишончсизлик вотуми институтининг моҳияти, ҳуқуқий табиати, ўзига хос хусусиятлари ва амалга оширилиш механизми хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти қисий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида ўрганилган ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: конституция, қонун, ишончсизлик вотуми, президент, парламент, ҳукумат, бош вазир, депутат, ҳокимиятлар бўлиниши, истеъфо, жавобгарлик.

Аннотация: в данной статье изучена сущность, правовая природа, особенности и механизмы реализации института вотума недоверия в Республике Узбекистан на основании сравнительно-правового анализа законодательства и практики зарубежных стран, с разработанными предложениями и рекомендациями по её совершенствованию.

Ключевые слова: конституция, закон; вотум недоверия, президент, правительство, премьер-министр, депутат, разделение властей, отставка, ответственность.

Annotation: in the given article is researched the essence, legal nature, features and mechanisms of realization of the institute of the vote of no confidence in the Republic of Uzbekistan on the basis of the comparative legal analysis of the legislation and practice of foreign countries with the developed proposals and recommendations for its improvement.

Key words: constitution, law, vote of no confidence, president, parliament, government, prime minister, separation of powers, resignation; amenability.

Бугунги кунда ишончсизлик вотуми жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган конституциявий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, деярли барча парламентар ва яримпрезидентлик республикаларининг ҳуқуқий тизимларида мустақам ўрин олган. Жаҳон давлатчилигида парламентаризм ривожланишининг амалий ифодаси, ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлигининг ёрқин мисоли сифатида ушбу институт ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг муҳим элементи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида Ишончсизлик вотуми институти 2011 йилда Конституция ва қонунчиликда ўз аксини топди [3]. Унга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик

вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади” [1, 53-бет]. Ушбу норманинг мазмунига эътибор берадиган бўлсак:

Биринчидан, мамлакатимизда ишончсизлик вотуми жараёни қўзғатилиши учун маълум сабаб, яъни Бош вазири ва Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар мавжуд бўлиши керак. Айрим хорижий мамлакатларда ҳам ушбу институтнинг амалга оширилиш сабаблари қонунчиликда назарда тутилган. Жумладан, Қозоғистонда давлат бюджетининг ижроси юзасидан ҳукумат ҳисоботининг парламент томонидан қабул қилинмаслиги унга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилганлигини англатади [9], Португалияда эса ҳукумат дастурининг бажарилиши ёки миллий манфаатларни акс эттирувчи муҳим масалалар юзасидан амалга оширилиши мумкин [10]. Ишончсизлик вотумининг аниқ сабаблари Конституция ва қонунчиликда мустақамланиши, ҳукумат фаолиятининг барқарорлигини ва у томонидан амалга оширилаётган давлат сиёсатининг давомийлигини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ишончсизлик вотумининг ташаббускори Қонунчилик палатаси депутатларининг камида 1/3 қисми (Олий Мажлис умумий таркибининг 1/5 қисми) бўлиши мумкин. Ушбу кўрсаткич турли мамлакатларда турлича белгиланган. Жумладан, Венгрия, Қозоғистон, Албания ва Эстонияда вакиллик органи аъзоларининг 1/5 қисми, Франция, Италия ва Словенияда 1/10 қисми, Молдова ва Руминияда (парламентнинг ҳар икки палатаси аъзоларининг) 1/4 қисми, Македонияда 20 нафар, Польшада 46 нафар, Чехияда 50 нафар депутат, Украинада эса депутатларнинг 1/3 қисми ёки Президент таклифига биноан ишончсизлик вотуми билдирилиши мумкин. Ишончсизлик вотуми ташаббускорлари ва уларнинг сонини белгиланиши, ушбу институтнинг тез-тез қўлланилишини олдини олади, негаки бу жараёни бошлашдан аввал унинг муҳокама қилиниши ва халқ вакилларининг бир қисми томонидан қўллаб - қувватланиши лозимлиги нуқтаи назаридан ушбу норма киритилган.

Учинчидан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман таклиф киритилади. Жаҳон амалиётида бу ўзига хос тартиб ҳисобланиб, мамлакатимиз раҳбарининг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Тўртинчидан, ишончсизлик вотуми Бош вазирга билдирилади. Аксарият мамлакатларда (Австрия, Франция, Арманистон, Белоруссия, Греция, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон, Македония, Молдова, Польша, Португалия, Россия, Грузия, Руминия, Словения, Украина, Чехия) ишончсизлик вотуми ҳукуматга нисбатан, бир қатор мамлакатларда (Германия, Албания, Венгрия) ҳукумат раҳбарига нисбатан, айрим мамлакатларда (Хорватия, Эстония) эса ҳам ҳукумат, ҳам унинг раҳбарига нисбатан билдирилиши мумкин. Ушбу қоида давлат ҳокимияти тизимида ҳукумат раҳбари ўрнининг юқори эканлигидан далолат бериб, ҳукуматнинг парламент олдидаги коллегиял жавобгарлигининг амалий ифодаси ҳисобланади. Зеро А.Шеяннинг фикрича,

“аксарият ҳолларда ҳукумат истеъфосининг сабаби ҳукумат раисининг шахси ва фаолиятида яширинган” [5, 66-бет]. Бундан ташқари ишончсизлик вотуми ҳукуматнинг аъзосига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлигига оид қоидалар бир қатор давлатларнинг (Австрия, Греция, Польша, Латвия, Хорватия, Эстония) қонунчилигида ўз аксини топган бўлиб, бу ҳукумат аъзоларнинг “парламент олдидаги индивидуал жавобгарлигининг самарали воситаси ҳисобланади” [6, 85-бет].

Бешинчидан, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш масаласи Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида овозга қўйилади. Вакиллик органи икки палатадан иборат бўлган давлатларнинг кўпчилигида (Германия, Франция, Австрия, Белоруссия, Россия, Хорватия, Чехия, Польша) ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми унинг қуйи палатаси томонидан билдирилади, айрим мамлакатларда (Италия, Грузия, Қозоғистон, Руминия ва шу жумладан Ўзбекистонда ҳам) эса ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми масаласини ҳал этиш парламентнинг ҳар икки палатаси ваколати доирасига киради. Бизнинг назаримизда ҳукуматга нисбатан жавобгарлик масаласини вакиллик органининг ҳар икки палатаси томонидан амалга оширилиши, ҳукуматнинг шу жумладан ҳудудий вакиллик органи олдида масъул эканлигидан далолат бериб, ишончсизлик вотумини қўллаш механизмини биров мураккаблаштиради ва шу билан бирга ушбу воситанинг қуйи палата томонидан тез-тез ва асоссиз равишда қўлланилишини олдини олади.

Давом этадиган бўлсак, ишончсизлик вотуми натижасида Бош вазир лавозимидан озод этилганидан сўнг, “Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади” [1, 54-бет]. Ушбу норманинг моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, қуйидаги хулосага келиш мумкин, яъни, фақатгина ишончсизлик вотуми натижасида Бош вазир лавозимидан озод этиладиган бўлса, янги Бош вазир номзоди давлат бошлиғи томонидан қуйи палатадаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг парламент палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақлиф этилади, бошқа барча ҳолатларда эса Бош вазир лавозимига номзод одатдагидек, яъни Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларни эгаллаб турган сиёсий партия томонидан давлат бошлиғига тақдим этилади.

Юқоридагилардан фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ишончсизлик вотуми институтини қуйидаги чора-тадбирлар асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси 9-қисмини, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 11-моддаси 1-қисмини “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала

кўриб чиқиладиганда” деган жумла билан бойитиш лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 12-қисмида [1], “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 4-моддаси 6-қисмида [2] ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси 8-қисмида [4] Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш масаласи Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига киритилиши белгилаб қўйилган. Бу қонунчилик нормаларининг унификацияланишига хизмат қилади.

Иккинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси 7-қисмини, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси 4-қисмини ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси 8-қисмини “*Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми бундай масала киритилган кундан эътиборан уч кундан кейин кўриб чиқилади ва овозга қўйилади*” деган қоида билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай муддатнинг қонунчиликда белгиланиши хорижий мамлакатларда кенг тарқалган (Венгрияда 3-8 кун ичида, Албания, Италия, Эстония, Молдова, Руминияда 3 кун, Франция, Германия, Португалия, Словенияда 48 соат, Грецияда 2 кун, Польшада 7 кун) амалиёт бўлиб, ҳукумат ва унинг раҳбарига ишончсизлик вотуми масаласи муҳокама қилинаётган пайтда муҳокамада иштирок этиш, ишончсизлик вотуми масаласини киритилишига сабаб бўлган аниқ ҳуқуқий муносабатлар юзасидан халқ вакилларига ўзининг тушунтиришларини беришга тайёргарлик кўриш имкониятини яратади.

Учинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси 8-қисмини, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси 5-қисмини ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси 9-қисмини “*Агарда Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми қабул қилинмаса, такроран бундай масала олти ойдан сўнг киритилиши мумкин*” деган норма билан бойитиш лозим. Аналогик қоида хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, Грецияда бу муддат олти ой деб белгиланган. Фақатгина бир ҳолатда, агарда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми масаласи парламент депутатларининг мутлақ кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланса олти ойлик муддат тугамасдан аввал ҳам киритилиши мумкин. Қирғизистонда ишончсизлик вотуми президент сайловларига 6 ой қолганда кўриб чиқилмайди. Португалия, Руминия, Украинада (шунингдек, ҳукумат дастури парламент томонидан маъқуллангандан сўнг бир йил давомида) ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми парламент сессияси давомида бир мартадан ортиқ киритилиши мумкин эмас, Македонияда бундай муддат 90 кун, Польшада эса 3 ой сифатида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ушбу муддатнинг киритилиши мамлакатимизда ҳокимиятлар бўлиниши тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, негаки бундай чора-тадбир Олий

Мажлис қуйи палатаси депутатлари томонидан ҳукумат ёки унинг раҳбарига таъсир этиш имкониятини биров чеклайди, яъни халқ вакиллари томонидан ишончсизлик вотумини суиистеъмом қилинишини олдини олади.

Тўртинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати раҳбарига нибатан ишончсизлик вотумига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи амалдаги ва биз томонимиздан таклиф этилаётган қоидаларни “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш масаласини кўриб чиқиш” деб номланган алоҳида прим-моддаларда мустақамлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабабини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, булар алоҳида ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидир; иккинчидан, ушбу нормалар юқорида санаб ўтилган қонунларнинг ҳукумат таркибини шакллантириш, Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлашга оид нормаларни ўз ичига олган модданинг таркибига киритилган; учинчидан, ушбу нормаларнинг мазмун жиҳатдан ўзи жойлашган моддадаги нормалардан фарқ қилади.

Бешинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси 3-қисмида ҳам ҳукумат аъзосига нисбатан Олий Мажлис палаталари томонидан жавобгарлик қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бу қонунчиликда “ҳукумат аъзосига нисбатан ишончсизлик вотуми” номини олмаган бўлса ҳам, унинг барча аломатларини ўзида мужассамлаштиради. Жумладан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси муайян аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитишлари ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритишлари мумкин” [4]. Бироқ, бизнинг назаримизда ушбу норманинг мазмуни бир қатор саволлар туғдирмоқда: биринчидан, Сенат аъзолари ҳам Президентга бундай таклиф киритиши мумкинми; иккинчидан, Вазирлар Маҳкамаси муайян аъзосининг истеъфога чиқариш тўғрисида таклиф қанча депутат (ёки сенатор) томонидан қўллаб қувватланиши керак; учинчидан, бундай таклиф Президентга киритилишидан аввал овозга қўйиладими. Шу сабабли ҳам юқоридаги сингари саволларга ойдинлик киритиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларда юқоридаги норманинг механизмини белгилаш тавсия этилади.

Олтинчидан, бизнинг назаримизда юқорида батафсил таҳлил этилган ҳуқуқий муносабатларда яна бир жузъий ноаниқлик мавжуд, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган ҳолларда (ушбу модданинг “б” банди бундан мустасно) лавозимдан озод этилса, у янги Бош вазир тасдиқланиб, янги

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби шакллантирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 5-қисми қайдасига амал қилган ҳолда ўз фаолиятини мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ давом эттириб турадими ёки Бош вазир ўринбосарларидан бири вақтинчалик Бош вазир вазифасини бажариб турадими? Мазкур масала юзасидан хорижий мамлакатларнинг амалиётига назар соладиган бўлсак, аксарият мамлакатларда амалдаги ҳукумат ўз ваколатини зиммасидан соқит қилган ҳолдагина давлат бошлиғининг топшириғига кўра янги ҳукумат шакллантирилгунга қадар ўз вазифасини бажариб туради. Бошқа ҳолларда ҳукумат раҳбари вазифасини унинг ўринбосарларидан бири ёки ҳукумат аъзоларидан бири бажариб туради (Австрия, Греция, Литва). Шу сабабли ҳам, ушбу ноаниқликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасини охириги қисмини қуйидаги таҳрирдаги қоида билан тўлдирish мақсадга мувофиқ бўлади: “*Бош вазир лавозимидан озод этилган тақдирда Бош вазир ўринбосарларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ унинг вазифасини бажариб туради*”.

Хулоса қиладиган бўлсак, ишончсизлик вотуми ижро ҳоқимияти олий органига (ёки унинг раҳбари ёхуд аъзоси) нисбатан парламент қўлидаги таъсир этиш воситаси ҳисобланиб, ушбу институт ўзида ҳукумат жавобгарлигини акс эттиради. Негаки, вакиллик органи томонидан ушбу восита одатда парламент ва ҳукумат ўртасида доимий низо келиб чиққанда, ҳукуматнинг парламент томонидан олиб борилаётган давлат сиёсати йўналишларидан мустақил равишда ўз фаолиятини олиб борганда ва шу сингари бошқа бир қатор ҳолатларда ҳукуматга таъсир этиш мақсадида қўлланилади. Шу сабабли ҳам, биз С.Авакьяннинг “ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми санкция эмас, балки тегишли давлат органлари муносабатларнинг сиёсий масалаларидир” [8, 191-бет] деган фикрига қўшилмаган ҳолда, ишончсизлик вотуми бир органининг иккинчиси томонидан тийиб турувчи жавобгарлик воситаси ҳисобланиши лозим деган хулосага келдик.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон” 2014.
2. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ЎРҚ-88-сонли Конституциявий Қонун. 2007 йил 11 апрель. // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2007 й., 15-сон, 151-модда.
3. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги ЎРҚ-284-сонли Қонун. 2011 йил 18 апрель. // *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси*, 2011 йил, 4-сон, 100-модда.
4. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги 524-II-сонли Қонун (янги таҳрир). 2003 йил 29 август. // *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси*, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда.

5. Шеян А.Н. Институт правительственной ответственности в России. Дисс. ...канд. юрид. наук. - К., Институт международного права, экономики, гуманитарных наук и управления им. К.В.Россинского. 2007. - С.66.

6. Кильдина Г.С. Институт отставки в постсоветском праве: Вопросы теории и практики. Дисс. ...канд. юрид. наук. -К., Башкирский государственный университет. 2003. – С.85.

7. Конституции государств – участников СНГ. – М.: Изд. Норма-Инфра М, 1999. – С. 475.

8. Авакьян С.А. Конституция России: природа, эволюция, современность: 2-е изд: – М., 2000. – С. 191.

9. Конституция Республики Казахстан [Электронный ресурс]. Статья 53. // <http://www.kazakhstan.orexca.com>.

10. Конституция Республики Португалия [Электронный ресурс]. Статья 194. // <http://worldconstitutions.ru>.

11. Конституционный Закон от 18 июня 2012 года № 85 «О Правительстве Кыргызской Республики» [Электронный ресурс]. Статья 12. // <http://minjust.gov.kg>.

12. Конституционный Закон от 18 декабря 1995 года № 2688 «О Правительстве Республики Казахстан» [Электронный ресурс]. Статья 5. // <http://online.zakon.kz>.

Д.Ю.Хабибуллаев,
ТДЮУ “Фуқаролик-процессуал ва
хўжалик-процессуал ҳуқуқи”
кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

ФУҚАРОЛИК ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ БОСҚИЧИДА ЮРИТИЛАДИГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР

Аннотация: мазкур мақолада муаллиф фуқаролик ишени қўзғатиш босқичида юритиладиган процессуал ҳужжатлар, уларнинг турлари, мазмуни ва расмийлаштириш тартибини таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан ўтказилган таҳлиллар асосида амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ариза, даъво ариза, шикоят, илтимоснома, аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим.

Аннотация: в данной статье автор анализирует виды, сущность и порядок оформления процессуальных актов на стадии возбуждения гражданских дел. На основе анализа, проведенного автором, выдвинуто предложение о внесении изменений и дополнений в действующее законодательство Республики Узбекистан.

Ключевые слова: заявление, исковое заявление, жалоба, ходатайство, определение об отказе в принятии заявления, определения об оставлении заявления без движения.

Annotation: In this article author analyzed types, nature and order processing of procedural acts on the stage of excitation civil proceedings. Based on the analyses conducted by the author, proposed on amendments and additions to the current legislation of the Republic of Uzbekistan.

Key words: statement, writ, complaint, petition, decision about the refusal to accept the application, decision about the leaving application without consideration, decision about the refusal to accept claim.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқук ислохотларининг муҳим бир йўналиши, ўз навбатида юқори малакали, рақобатбардош, замонавий халқаро стандартларга жавоб бера оладиган юридик кадрларни тайёрлаш, талабаларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустақамлаш, талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш, процессуал ҳужжатларни тўғри ва сифатли расмийлаштиришни ўргатишдан иборатдир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ–1990-сон қарорида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, мазкур мақолада фуқаролик ишени қўзғатиш босқичида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатларнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилади.

Юридик адабиётларда ҳам процессуал ҳужжатлар ҳақида бир қатор фикрлар илгари сурилган. Масалан, ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов фикрича, фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда суд бир-бири билан мантқан боғлиқ бўлган қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Бундай ҳаракатлар қонунда белгиланган талаблар асосида, яъни ариза, даъво аризаси, шикоят, эътироз

(протест), суднинг ҳал қилув қарорлари, қарорлари ва ажримлари шаклида ўз ифодасини топади. [1, 3-бет] С.А.Марипова фикрича, суд фуқаролик ишини кўзғатишда фуқаролик ишини кўзғатиш тўғрисида ажрим ва фуқаролик ишини иш юритувга олиш тўғрисидаги ажрим чиқаради. [2, 32-бет]

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлардан кўриниб турибдики, фуқаролик ишини кўзғатишда бир неча процессуал ҳужжатлар юритилади. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида (*кейинги ўринларда ФПК деб юритилади*) белгиланган нормалардан келиб чиқиб, фуқаролик ишини кўзғатиш босқичида юритиладиган процессуал ҳужжатларни процесс иштирокчиларига қараб куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ишда иштирок этувчи шахслар (ФПКнинг 33-моддасига кўра, *тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади*) томонидан тузиладиган ва судга тақдим этиладиган процессуал ҳужжатлар (*масалан, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари томонидан судга тақдим этиладиган ариза, даъво аризаси (ФПКнинг 149-моддаси), қарши даъво аризаси (ФПКнинг 246-моддаси), биринчи инстанция судига суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза (ФПКнинг 238³-моддаси), судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби ва (ёки) таржимонни рад қилиш ҳақидаги ариза (ФПКнинг 28-моддаси), даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ариза (ФПКнинг 40-моддаси), далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза (ФПКнинг 62-моддаси), ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза (ФПКнинг 309⁵-моддаси), ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза (ФПКнинг 309¹⁰-моддаси), қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза (ФПКнинг 364-моддаси), назорат тартибда протест келтириш тўғрисидаги ариза (ФПКнинг 350-моддаси), прокурор аризаси (ФПКнинг 5, 46-моддалари), давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг аризаси (ФПКнинг 48-моддаси) ва бошқалар).*

2. Суд (судья) томонидан қабул қилинадиган ва расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар (*масалан, аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим (ФПКнинг 152-моддаси); аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим (ФПКнинг 154-моддаси); аризани қайтариш тўғрисида ажрим (ФПКнинг 154-моддаси); аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзғатиш ҳақидаги ажрим (ФПКнинг 151-моддаси) ва бошқалар*).

Судда фуқаролик ишини кўзғатиш. Суд фуқаролик ишини куйидаги ҳолларда кўзғатади:

- 1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича;
- 2) прокурорнинг аризаси бўйича;
- 3) агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа

шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича (ФПКнинг 5-моддаси).

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг судга берган даъво аризаси, аризаси ёки шикоят бўйича судда фуқаролик иши кўзғатилади.

Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади. Фуқаролик иши кўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради. Суд даъво аризаси (ариза, шикоят) Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-моддаси талабларига жавоб берса, шунингдек аризани қабул қилишни рад қилиш учун асослар бўлмаса аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзғатиш ҳақида ажрим чиқаради. Мазкур ажрим ФПКнинг 237-238-моддалари талаблари асосида расмийлаштирилади.

Даъво аризаси (ариза). Судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан кўзғатилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига 2015 йил 9 июндаги УРҚ-388-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартишга асосан, судда фуқаролик ишлари ахборот тизими орқали электрон шаклда ариза бериш йўли билан ҳам кўзғатилиши мумкин.

Даъво аризасининг мазмуни ФПКнинг 149-моддасида кўрсатилган талаблар асосида расмийлаштирилади. Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг баюлатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, шу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

Аризада даъвогарнинг ёки унинг вакилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Аризада электрон манзил кўрсатилганлиги аризагининг суд чақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигини билдиради.

Суд амалиётида асосий даъво аризасига қўшимча даъво аризаси бериш ҳолатлари ҳам учрайди. Фақат ушбу қўшимча даъво аризаси дастлабки даъво аризасини тўлдириши, қонунга зид бўлмаслиги, дастлабки талаб билан бирга кўриш мумкин бўлгандагина суд томонидан қабул қилинади. Қўшимча даъво аризаси ҳам ФПКнинг 149-моддаси талаблари асосида расмийлаштирилиши, агар давлат божи тўлашдан озода этилмаган бўлса, давлат божи тўланган ҳолда тақдим этилиши керак.

Даъвогар бир аризада ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни бирлаштиришга ҳақли (ФПКнинг 155-моддаси).

Агар аризани қабул қилаётган судья талабларни алоҳида кўришни мақсадга мувофиқ деб топса,

бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

Бир неча даъвогар томонидан ёки бир неча жавобгарга нисбатан талаблар тақдим этилса, аризани қабул қилаётган судья, агар талабларни алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топса, улардан бири ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли (ФПКнинг 157-моддаси).

Шу ўринда айтиш жоизки, ФПКнинг 156-моддасига кўра, судья шу судда айнан бир тарафлар иштирок этаётган бир турдаги бир неча иш юритилаётганлигини ёхуд бир шахснинг турли жавобгарларга ёки бир неча даъвогарнинг айнан битта жавобгарга нисбатан аризалари бўйича бир неча иш юритилаётганлигини аниқласа, агар бу ишларни бирлаштириш ишнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса, уларни биргаликда кўриш учун битта ишга бирлаштиришга ҳақли. Демак, ушбу модда даъво талабларини бирлаштиришни тартибга солмайди, аксинча фуқаролик ишларини бирлаштиришни тартибга солади.

Аризани қабул қилишни рад этиш асослари ва бу тўғрисидаги ажрим. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 152-моддасига кўра суд аризани қабул қилишни рад этади. Шу ўринда айтиш жоизки, Олий суд Пленуми қарорларида аризани қабул қилишни рад қилишнинг юқорида кўрсатилган асосларидан ташқари бошқа асослари ҳам кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни кўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида кўрсатилишича, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ, эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмаётган вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни тугатади [4]. Демак, мазкур ҳолатда суд даъво аризани қабул қилишни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги қарорида кўрсатилишича, Оила кодексининг 72-моддасига кўра, никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-онадан бола туғилган ҳолда улар ўн олти ёшга тўлганларидан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақлидирлар. Шу муносабат билан суд уларнинг оталикни белгилаш тўғрисидаги аризасини қабул қилишни ФПК 152-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан рад қилишга ҳақли эмас [5].

Судья ФПКнинг 152-моддасида кўрсатилган асосларга кўра аризани қабул қилишни рад этар экан, бу ҳақда ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида асослантилган ажрим чиқаради (ФПКнинг 153-моддаси).

Аризани қабул қилиш рад қилинганда ФПКнинг 108-моддасига кўра, тўланган давлат божи қайтариб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида”ги 2012 йил 25 майдаги 7-сонли қарорига кўра, аризани ҳаракатсиз қолдириш (ФПКнинг 154-моддаси), аризани қабул қилишни рад этиш (ФПКнинг 153-моддаси), аризани қабул қилиш ва иш кўзғатиш (ФПКнинг 151-моддаси) алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилиши шарт бўлган ажримлар тоифасига киради. Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлар, одатда, кириш, асослантурувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак [6].

Даъво аризасини қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги ажрим ҳам кириш, асослантурувчи, хулоса қисмларидан иборат бўлиб, ФПКнинг 237-238-моддалари талабларидан келиб чиқиб расмийлаштирилади. Ушбу ажрим фуқаролик ишини кўзғатиш босқичида чиқарилгани, суд мажлиси бўлмаганлиги сабабли ажримнинг кириш қисмида суд мажлисининг котиби ёзилмайди.

Даъво аризасини қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги ажримнинг кириш қисмида ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи, суднинг номи, судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми, ишда иштирок этувчи шахслар, низо предмети кўрсатилади. Асослантурувчи қисмида суднинг аризани қабул қилишни рад қилишга олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар кўрсатилади. Хулоса қисмида даъво аризасини қабул қилишни рад этилгани, ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати, агар иш судга тааллуқли бўлмаса, аризачи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини ёки иш кўзғатишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни қандай бартараф этишни кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида” ги 2012 йил 25 майдаги 7-сонли қарорига кўра, аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят ва протест келтирилади.

Аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги ажрим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 154-моддасида кўрсатилган асослар бўйича суд аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Мазкур ажримнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида”ги 2012 йил 25 майдаги 7-сонли қарорига кўра, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят ва протест берилмайди. Демак, аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақидаги ажримнинг хулоса қисмида шикоят ва протест келтириш муддати ва тартиби ёзилмайди. Шунингдек, ушбу ажримнинг хулоса қисмида суд томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш муддати, мазкур муддатда бартараф этилмаса аризани қайтариш ҳақидаги қоидалар ёзилади.

Аризани қайтариш ҳақида ажрим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 154-моддасига кўра, агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ ФПКнинг 149 ва 150-моддаларидаги талабларни бажарса ва давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган

куни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилди ва бу ҳақида ажрим чиқарилади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги ажримда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирдагина суд аризани қайтариш ҳақида ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида” ги 2012 йил 25 майдаги 7-сонли қарорида кўрсатилишича, ҳаракатсиз қолдирилган аризани аризачига қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят ва протест келтирилади.

Фуқаролик судларида иш юритиш тартиби. Фуқаролик судларида иш юритишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2014 йил 31 мартдаги “Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” ги РС-22-14-сонли Қарори муҳим амалий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу йўриқномада суд ҳужжатларини тўғри тайёрлаш, тузиш ва расмийлаштириш тўғрисидаги қоидалар баён этилган.

Ишларни қайд этиш учун қуйидаги шартли намунавий индекслар рўйхати жорий этилган:

“1”-фуқаролик ишлари (Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида)

Масалан:

1-360-2015.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2014 йил 31 мартдаги “Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судларида иш юритиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” ги РС-20-14-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур йўриқномага кўра, ушбу судларда кирим ва чиқим хат (ҳужжат)ларни қайд этишда қуйидаги индекслар белгиланган:

“1” – Девонхона;

“2” – Биринчи инстанция (Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судларида);

“3” – Апелляция инстанцияси;

“4” – Кассация инстанцияси;

“5” – Раёсат;

“6” – Суд амалиёти ва статистика таҳлили бўлими;

“7” – Судьяларнинг малака ҳайъати.

Ушбу индекслар зарурат туғилганда давом эттирилиши мумкин.

Суд ишларининг сони қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда белгиланади:

а) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судларида биринчи инстанция ишларининг тартиб сони тегишли судлов ҳайъатининг индексини, ҳисобга олиш варақаси бўйича тартиб сонини, иш келган йилни белгиловчи рақамлардан ташкил топади.

Масалан:

2-67-2014

б) апелляция ёки кассация инстанциясида туманлараро, туман (шаҳар) судларидан келиб тушган фуқаролик ишларининг сони тегишли инстанция ҳайъатининг индексини, ҳисобга олиш варақаси бўйича тартиб сонини, иш келган йилни белгиловчи рақамлардан ташкил топади.

Масалан:

3-165-2014 – апелляция инстанцияси

4-165-2014 – кассация инстанцияси

в) вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг ишлари апелляция ёки кассация тартибида кўриш учун келиб тушса, уларнинг сони биринчи инстанциянинг индекси, тегишли инстанция ҳайъатининг индексини, ҳисобга олиш варақаси бўйича бўйича тартиб сонини, иш келган йилни белгиловчи рақамлардан ташкил топади.

Масалан:

23-165-2014 – апелляция инстанцияси

24-165-2014 – кассация инстанцияси

г) назорат инстанциясида туманлараро, туман (шаҳар) судларидан келиб тушган фуқаролик ишларининг сони назорат инстанциясининг индексини, ҳисобга олиш варақаси бўйича тартиб сонини, иш келган йилни белгиловчи рақамлардан ташкил топади.

Масалан:

5-165-2014

Суд қарорлари бекор қилингандан сўнг судда қайта кўриш учун юборилган фуқаролик ишлари (юқори суд томонидан) ҳайъат котиблари томонидан янги келиб тушган ишлар қаторида, худди ўша тартибда ҳисоб ва алфавит варақаларда қайд этилиб, тартиб сони берилди. Алфавит кўрсаткичда қайтадан келган ишга янги ёзув киритилади.

Йил тамом бўлиб, янги йил бошланишигача кўрилмай қолган фуқаролик ишларини ҳисобга олиш варақасига янги рақам қўйилиб, янги йил ҳисобига ўтказилади. Бундай ишларнинг ҳар бири учун юритилган ишларнинг ҳисобга олиш варақасида иккита тартиб рақам, ишнинг ўтган йилдаги ва янги йилдаги рақамлари кўрсатилади.

Масалан:

3-165-2013 бўлса,

3-01/165-2014 бўлади.

Бундай ҳолда янги йилда келиб тушган ишларнинг сони биринчи сондан эмас, балки эски йилдан қолиб қўчилган ишларнинг қайта қайд қилинган тартиб сонидан кейинги сон кўрсатилади.

Фуқаролик иши бўйича бир неча талаблар алоҳида иш юритиш учун ажратилган тақдирда ажратилган иш дастлаб тушган иш каби рўйхатдан ўтказилиб, тартиб рақами берилди. Бу ҳолда ишни судга келиб тушган кун санаси судьянинг фуқаролик ишини алоҳида иш юритиш учун ажратиш ҳақидаги ажрим санаси ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу Йўриқномада ҳужжатларни электрон шаклда ёзиш бўйича ҳам бир қанча талаблар белгиланган. Ҳужжатлар Times New Roman, 14, MS Word .doc, .docx. форматида, Давлат ҳокимияти идораларига юбориладиган хат-хабарлар эса Times New Roman, 15 форматда ёзилиши белгиланган. Компьютерда ёзилиб расмийлаштиришга тайёрланган ҳужжатлар стандарт оқ қоғозларда қора рангда чапдан 30 мм., ўнгдан 20 мм., тепа ва пастдан 20 мм.гача саҳн қолдирилиши ва хат боши (абзац) 6 ҳарфдан иборат ўрин қолдирилиб бошланиши белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик ишлари бўйича судда иш кўзғатиш босқичида ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ва суд (судья) томонидан чиқариладиган процессуал ҳужжатларни ФПКда белгиланган талаблар ҳамда қонунчилик техникаси қоидалари асосида тартибли, тўғри, тушунарли қилиб ёзилиши ҳамда текширилган ва таҳлил қилинган ҳолда расмийлаштирилиши келгусида

турли хил тушунмовчиликларни олдини олишга, шунингдек фуқаролик ишини мазмунан тўғри ҳал этиш, қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқаришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. – Т.: ТДҶОИ. 2005. -Б.3.
2. Марипова С.А. Процессуальные акты по гражданским делам. –Т.: ТГҶОИ. 2011. -Б.32.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Фуқаролик ишларини апелляция тартибда кўриш амалиёти ҳақида”ги қарорининг 22-банди.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 6-банди.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорининг 4-банди.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 4-банди.

Б.Топилдиев,

ТДҶОУ “Фуқаролик ҳуқуқи”кафедраси доценти, ю.ф.н.

МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг асосий шартлари сифатида шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати, фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма, ишончли бошқарувчининг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари, ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс, агар ҳақ тўлаш шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли таҳлил этилади. Муаллиф ушбу шартларни амалда қўлланилиш ҳолатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини такомиллаштиришга оид тақлиф ва тавсияларни илгари суради.

Калит сўзлар: мол-мулкни ишончли бошқариш, мол-мулк муассиси, ишончли бошқарувчи, фойда олувчи, мол-мулк рўйхати.

Аннотация: в данной статье анализируются вопросы договора доверительного управления имуществом, перечень имущества, передаваемого в доверительное управление по договору; указание о выгодоприобретателе; сроки представления отчетов доверительным управляющим; лицо, получающее имущество в случае прекращения доверительного управления; размер и форму вознаграждения доверительного управляющего и др. Автор исходя из применения данных условий выдвигает предложения по совершенствованию Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: доверительное управление имуществом; учредитель управления; доверительные управляющий; выгодоприобретатель; перечень имущества.

Annotation: the article analyzes issues of trust management contract, list of property transferred to trust management according to contract, designation of beneficiary; terms for submitting reports by trustee; person that receives property in case of termination of trust management, size and form of reward trust manager and others. By applying these circumstances author makes proposals on improving the Civil Code of the Republic of Uzbekistan.

Key words: trust management, founder of management; trust manager, beneficiary, list of property.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабат иштирокчиларига кенг имкониятлар берилмоқда. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишда тарафларнинг шартнома шартларига, шартнома интизомига оғишмай риоя қилишлари лозим бўлади. Шу боисдан шартнома шартларини белгилашда тарафлар қонун ҳужжатлари талабларига, эрк-иродасига қай даражада мос келишига алоҳида эътибор қаратадилар.

Маълумки, шартнома мазмуни деганда, тарафлар келишуви билан шартномага киритилган шартлар тушунилади [1] Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, шартномада тарафларнинг келишилган ва мустаҳкамланган шартларининг йиғиндиси шартноманинг мазмуни деб эътироф этилади.

Шартнома мазмунини ташкил этадиган унинг шартлари шартнома тарафларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидир, деган тушунчани англамайди [2]. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича эса шартноманинг мазмунини унинг бандлари (шартлари, реквизитлари) ташкил этади. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади [3].

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, шартноманинг мазмунини унда ифодаланиши лозим бўлган ёки ифодаланадиган (ўз аксини топадиган) барча бандлар, ҳолатлар ва ёзувлар ташкил этади. Улар жумласига тарафлар амал қилиши лозим бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланган шартлар, тарафларнинг юридик манзиллини, банк ҳисобрақамларини ва муҳр ўрнини белгиловчи ёзувлар кириши мумкин. Лекин барча ҳолатларда ҳам шартнома мазмуни ҳақида фикр юритилганда шартномада ифодаланадиган ва тарафлар амал қилиши лозим бўлган шартлар “шартнома мазмуни” тушунчасининг асосини ташкил этишини таъкидлаш лозим.

Фуқаролик ҳуқуқида шартнома мазмунида ифодаланадиган барча шартлар асосий, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлиниши қабул қилинган.

Фуқаролик ҳуқуқидаги барча шартномаларда бўлгани каби мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам шартнома мазмунини унда ифодаланадиган шартлар (бандлар) ташкил этади ва бу шартлар ҳам умумий қоидага асосан асосий, одатдаги ва тасодифий шартлар ташкил этади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг асосий (муҳим) шартларини ФКнинг 354-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар ташкил этади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида шаклланган одатга кўра ҳар қандай шартнома учун муҳим саналадиган куйидаги шартлар ажратилади:

1. Шартнома тарафлари;
2. Шартнома предмети;
3. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
4. Шартнома юзасидан жавобгарлик;
5. Форс-мажор ҳолатлари.

Тарафларнинг реквизитлари, уларнинг шартнома тузилганлигини тасдиқлаб қўядиган имзо ва муҳрлари шартнома шартлари ҳисобланмайди ва одатда шартнома тузилганлигини расмийлаштириш ва унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш воситалари ҳисобланади.

Шу билан бирга, мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, мазкур шартноманинг асосий шартлари сифатида ФКнинг 354-моддасига қўшимча равишда ФКнинг 853-моддасида бир қатор ҳолатлар белгиланган. Мазкур моддада белгиланган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг асосий шартларидан дастлабкиси, бу – шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати ҳисобланади.

Мол-мулк рўйхати аъъанавий тусдаги инвентаризация далолатномаси ва унга қўшимча равишда кўчмас мулк объектларининг рўйхатидан

иборат бўлади. Маълумки, инвентаризация далолатномаси бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда ҳам тузилади ва у кейинчалик мол-мулкни қайта топширишда ёки шартнома бўйича низо келиб чиққанда топширилган мол-мулкларнинг миқдорини белгилаб берадиган асосий ҳужжат саналади. Масалан, ФКнинг 491-моддаси 1-қисмига кўра, сотиладиган корхона таркиби ва унинг қиймати корхонани сотиш шартномасида инвентаризация-лашнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ ўтказиладиган корхонани тўлиқ инвентаризациялаш асосида аниқланади.

Ишончли бошқаришга топширилаётган мол-мулклар рўйхати мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси матнининг бевосита ўзида ёки шартномага қўшимча равишда баённома билан ҳам белгиланиши мумкин. Бу ҳолатга мол-мулк рўйхати, унга оид муайян ҳужжатлар ва фойдаланиш йўриқномалари шартнома матнини сунъий равишда кўпайишига олиб келганда йўл қўйилади. Шартнома матнига киритилган ёки шартнома билан тасдиқланган ишончли бошқаришга берилётган мол-мулклар рўйхати шартнома бекор бўлгач мол-мулк қайтарилишида топшириш далолатномасини тузиш учун асос бўлади ва айнан мазкур жиҳат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг ижара шартномасига хос бўлган конструкцияга асосланишини кўрсатади. Ижара муносабатларида ҳам мол-мулк ижарага олувчига топширилаётганда бир қатор ҳужжатлар тузилиши ва имзоланиши хусусидаги қоида амалдаги қонунчиликда мустаҳкамланган. Жумладан, ФКнинг 541-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топширмоғи лозим. ФКнинг 554-моддаси 1-қисмига биноан, эса мулк ижараси шартномаси бекор бўлганидан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозим.

Фикримизча, мазкур қонунда бевосита мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Зеро, ФКнинг 861-моддаси 2-қисмига кўра, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор қилинганда ишончли бошқаришда бўлган мол-мулк, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқарув муассисига топширилади.

Умумий қоидага кўра ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк рўйхатини тайёрлаш ва уни шартнома матнига киритиш вазифасини бевосита бошқарув муассиси амалга оширади. Бинобарин, бошқарув муассиси мол-мулкнинг мулкдори сифатида қайси турдаги мол-мулк ишончли бошқаришга берилётганлигини, ушбу мол-мулкларга оид бўлган мансуб ашё ва ҳужжатларни (зарур бўлган ҳолларда эса мол-мулкдан фойдаланишга доир ишончномани) белгилайди ва шартномага киритади. Ишончли бошқарувчи эса шартномада келтирилган рўйхат асосида мол-мулкларни кўздан кечиради ва уларни ишончли бошқаришга қабул қилиб олади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг асосий шarti сифатида ФКнинг 853-моддасида белгиланган навбатдаги шарт – фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма ҳисобланади. қоидага кўра, фойда олувчи бошқарув муассис кўрсатган исталган шахс бўлиши мумкин. Бироқ бу қоида бошқарув муассиси васийлик ва ҳомийлик органи бўлиб, мазкур

орган вояга етмаган болаларга тегишли мол-мулкни ишончли бошқаришга берганда амал қилмайди ва мазкур вазиятда фойда олувчи бўлиб айнан ушбу вояга етмаган бола бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида фойда олувчи сифатида нафақат фуқаролар, балки юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда бошқарув муассиси фойда олувчининг розилигини олиш талаб этилади, холос. Агар фойда олувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича фойда олишни хоҳламаса, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор бўлади (ФКнинг 861-моддаси). Албатта, мазкур қоида мутлақ тусга эга эмас ва шартномада фойда олувчи фойда олишдан бош тортган ҳолларда фойда бошқарув муассисига ўтказилиши хусусидаги шартни киритиб қўйиш орқали шартноманинг амал қилиши давом эттирилиши мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда “фойда олувчи” шартноманинг мустақил тарафи сифатида эътироф этилмайди. Бироқ, фойда олувчи шартнома асосида олинган ҳақ ва фойданинг эгаси ҳисобланади ва унга тегишли ёки келишилган сумманинг берилмаслиги иккинчи томоннинг жавобгарлигини юзага келтиради. Шу сабабли фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатманинг шартномада бўлиш ҳолати турлича тақдир этилиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тушунчаси ва ФКда мазкур шартномага берилган таъриф ва шартноманинг бекор қилинишига оид нормаларни таҳлил қилиш асосида “фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма” мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учун муҳим шарт сифатида белгиланиши, ҳуқуқий жиҳатдан тўғри эмас, деган хулосага келиш мумкин. Зеро, шартноманинг муҳим шартни унга киритилмаса, бу шартнома ҳақиқий эмас, деб топилиши зарур. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси эса фойда олувчининг манфаатини кўзлаб эмас, тўғридан-тўғри бошқарув муассисининг манфаатини кўзлаб тузилиши мумкин ва бундай ҳолларда фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма ўз-ўзидан шартномага киритилмайди. Агар мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бошқарув муассисининг эмас, фойда олувчининг манфаатларини кўзлаб тузилган бўлса, бундай ҳолларда фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учун муҳим шарт ҳисобланарди. Шу боис ФКнинг 853-моддаси 1-қисми 2-бандига қўшимча киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда ифодалаш лозим: *агар шартнома фойда олувчининг манфаатларини кўзлаб тузилган бўлса*, фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма;

ФКнинг 853-моддаси 1-қисмида белгиланган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учун муҳим бўлган навбатдаги шарт – ишончли бошқарувчининг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари ҳисобланади. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида муддатлар деб аниқ белгиланган вақтга айтилади ва муддатлар ким томонидан тайинланишига қараб: қонуний, шартномали ва суд томонидан тайинланадиган муддатларга бўлинади [4]. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳисоботларни тақдим этиш муддатларининг белгиланиши қоидага кўра пудрат муносабатларига ҳам хосдир. Зеро, пудрат шартномасида ҳам пудратчининг буюртмачига ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари белгиланиши мумкин. Пудрат шартномаларида ҳисоботлар

бажарилган иш натижаларини топшириш орқали амалга оширилади ва уни топшириш муддатларига оид қоидалар ФКнинг 635-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошланғич ва охири муддатлари кўрсатилади. Тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлар) ҳам назарда тутилиши мумкин.

Пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ишни бажаришнинг бошланғич ва охири, шунингдек оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасида кўрсатилган ишни бажаришнинг бошланғич, охири ва оралиқ муддатлари шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам ишончли бошқарувчининг ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим. Зеро, айнан шу муддатлар орқали ишончли бошқарувчи ҳисоботларни тақдим этиш бўйича тегишли чораларни кўради ва ҳисобот даврига қадар бошқарув муассиси ёки фойда олувчининг манфаатларини кўзлаб муайян ишларни амалга оширади. Ҳисобот ўз ичига қилинган харажатлар ва олинган фойдани, бухгалтерия ҳужжатлари ва зарур ҳолларда аудиторлик ҳисоботларини, тузилган шартномалар ва уларнинг бажарилиши хусусидаги маълумотларни, шунинг бошқарув муассисининг талаби билан бошқа ҳужжатлар ёки ахборотларни олиши мумкин.

Мол-мулкни мулкдор томонидан вақтинча эгаллик қилиш, фойдаланиш ёки бошқариш учун топшириш муносабатларини бирлаштириб турувчи муҳим жиҳатдан мазкур муносабатлар бекор бўлгач мол-мулкнинг қайта топширилиши ҳисобланади. Бундай ҳолат ижара муносабатларида, топшириқ ва воситачилик шартномаларида ҳамда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаларида яққол ўз ифодасини топади. Масалан, ижара шартномасида ижара шартномаси бекор бўлгач мол-мулк нормал эскиришини ҳисобга олиб қайтарилиши назарда тутади. Топшириқ шартномасида ҳам вакил топшириқни бажариш бўйича топшириқ берувчидан олинган барча нарсани қайтариб бериши лозимлиги назарда тутилган. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор қилинганда мол-мулк айнан кимга бошқарув муассисигами ёки фойда олувчигами, қайтарилиши белгиланиши зарур. Бинобарин, бу қоида ишончли бошқарувчи учун муҳим бўлмаса-да, муассис ёки фойда олувчи учун муҳим саналади. Бироқ мол-мулкнинг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқи бевосита бошқарув муассисига тегишли эканлигидан келиб чиқадиган бўлса, шартнома бекор бўлгач мол-мулк кимга тегишли бўлишини ҳал қилиш ҳуқуқи ҳам бошқарув муассисга тегишли эканлиги англашилади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида “ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс”нинг муҳим шарт сифатида кўрсатилиш ҳолатига келадиган бўлса, мазкур шартнинг муҳимлиги назаримизда у қадар яққол сезилмайди. Қолаверса, ФКнинг 861-моддаси 2-қисмига кўра, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор қилинганда ишончли бошқаришда бўлган мол-мулк, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқарув муассисига топширилади. Кўриниб турибдики, шартнома бекор

бўлгач ишончли бошқаришда бўлган мол-мулкнинг кимга қайтарилиши кўрсатилмаган ҳолларда ҳам қонунчилик бундай мол-мулкнинг бошқарув муассисига қайтарилишини белгилайди. Шу сабабли ФКнинг 853-моддаси 1-қисми 4-бандини чиқариб ташлаш зарур. Зеро, бу ҳолатсиз ҳам мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор бўлгач мол-мулк кимга қайтарилиши аниқ ва унинг шартномада кўрсатилмаслиги, ишончли бошқариш шартномасининг бекор бўлишига олиб келмайди.

Маълумки, ҳақ тўлаш мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳар доим белгиланмаслиги мумкин. Бироқ, ҳақ тўлаш назарда тутилган ҳолларда ишончли бошқарувчига тўланиши лозим бўлган ҳақнинг миқдори ва шакли албатта, шартномага киритилиши лозим. Ҳақ тўлаш миқдори ва шакли тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Ҳақ тўлаш шакли фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда турлича белгиланиши мумкинлигини кўриш мумкин. Масалан, ижара шартномаларида ҳақ тўлашнинг бир неча шакллари ажратиб кўрсатилади. Жумладан, ФКнинг 544-моддаси 3-қисмига кўра, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида-алоҳида ҳолда қуйидаги кўринишларда белгиланади:

- вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммада белгиланган тўловлар тариқасида;
- ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, мевалар ёки даромадларнинг белгиланган улуши тариқасида;
- ижарага олувчи томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлар тариқасида;
- ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада келишилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тариқасида;
- ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада келишилган харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш тариқасида.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам ҳақ тўлаш шакллари бир неча бўлиши мумкин. Қоида тариқасида ишончли бошқарувчига олинган даромаддан муайян улуш олиш, аниқ бир суммани бериш ёки олинган ҳосил ва даромаддан муайян қисмини ушлаб қолиш ёки унга муайян турдаги хизматни кўрсатиш орқали ҳақ тўлаш шартномада белгиланиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартларидан бирортасининг шартномага киритилмай қолиши шартноманинг тузилмаган деб ҳисобланишига олиб келади. Демак, қонун ҳужжатларида шартнома учун муҳим деб белгиланган шартларнинг мавжуд бўлишига шартнома тарафлари алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндошишлари лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Гражданское право. Ч.1 / Под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 2005. –С.588.
2. Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Т.:ТДҮОИ, 2005. –Б.237.
3. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм. –Т.:ТДҮОИ, 2006.
4. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. –Тошкент: ТДҮОИ, 2005. – Б.35.

М.А.Усманова,

юридик фанлар доктори, профессор

А.Э.Жумагулов

ТДҮОУ “Меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи”

кафедраси ўқитувчиси

“КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ” ВА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ушбу мақола мустақиллик йилларида мамлакатимизда пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилган ислохотлар, пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчилик таҳлили масалаларига бағишланади ҳамда пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам, пенсия таъминоти, пенсия тизими, ёшга доир пенсия, қарилик нафақаси.

Аннотация: данная статья посвящается реформам в сфере пенсионного обеспечения в годах независимости, правовым анализам законодательства пенсионного обеспечения и вопросам права социального обеспечения самым в необходимых международных документах, а также продвигаются предложения и рекомендации касающиеся совершенствования законодательства в сфере пенсионного обеспечения.

Ключевые слова: социальная защита, социальная помощь, пенсионное обеспечение, пенсионная система, пенсия по старости, пособие по старости.

Annotation: this article is about carried out reforms on pension provision in years of independence, legal analyze of sphere legislation and issues which appointed in the international documents about social protection, also the offers and recommendations have been given for improvement pension legislation.

Key words: social protection, social assistance, pension provision, pension system, retirement pension, old-age benefit.

Мамлакатимиз миқёсидаги улкан бунёдкорлик ишлари ва уларнинг фуқароларимиз кундалик ҳаёти мазмунига самарали таъсири биз барпо этаётган янги демократик жамиятнинг инсонпарварлик мақсадларига тўла мос келади.

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ёши улғу инсонларни ижтимоий ҳимоялаш, пенсия таъминоти, тиббий ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида 2015 йилни – “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши, шу ном билан давлат дастури қабул қилингани, шунингдек дастурни амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишларида кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти

ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2014 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек: “Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, ўзининг беқиёс ҳиссасини кўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлаймиз.” [1, 32-бет]

Инсон капитали ҳақида ғамхўрлик инсон ҳақида ғамхўрлик демакдир ва жамият инсон капитали ва унинг ижобий параметрларини юксалтириш ҳақида қайғурур экан, айти пайтда ўз тараққиёти ва келажаги ҳақида ҳам қайғураётган бўлади.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг изчил рўёбга чиқарилиши натижасида биринчи навбатда қариялар моддий турмуш аҳволини яхшилаш соҳасида сезиларли ишлар қилинмоқда.

Кексалар ижтимоий ҳимоясига оид қонунчилик тизимини такомиллаштириш, уларда мазкур тоифа шахсларга кўрсатиладиган моддий ижтимоий ёрдам олишга бўлган кафолатларни яна ҳам кучайтирилиши, халқаро стандартларга мос келувчи янги ҳуқуқий механизмларни жорий қилиниши, ижтимоий хизмат кўрсатишни шаклан ва мазмунан такомиллаштирилиши бу соҳада амалга оширилган энг муҳим ютуқларимиздан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ 4161-сонли “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилиниши билан пенсия таъминоти соҳасидаги ислохотларимизда туб бурилиш содир бўлди ва пенсия таъминотининг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш, бу соҳадаги қонунчилик тизимини тежамлилиқ, оқилоналик, ижтимоий адолат тамойилларини яна ҳам кучайтириш томон мукамаллаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуи рўёбга чиқарила бошланди. Шунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига, бошқа кўпгина қонун ҳужжатларига жиддий қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, улар мазмунан замон талабларига, ислохотларимиз моҳиятига мослаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 22-сонли “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибинини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан Давлат пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланганлиги бу соҳадаги изчилликни таъмин этилишида, турли сунъий қийинчиликлар юзага келишининг олди олинишида муҳим ўрин тутди.

Меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларни ижтимоий таъминлаш мақсадида нафақалар тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 апрелдаги 107-сонли “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорда назарда тутилган. Мазкур қарор билан тасдиқланган пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом қарилиқ, ногиронлик ва боқувчисиз қолганлик нафақаларини тайинлашни тартиблари аниқ ва равшан белгилаб қўйилди.

Мазкур давр оралиғида 2008 йил 10 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига [5] мувофиқ, Жиноят кодекси 44-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа **ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда**, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки **озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги** жазо билан алмаштиради.

2010 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонунга [6] мувофиқ, айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганда жазо тайинлаш қоидаларини ўзида ифодалаган 57¹-модда киритилди. Унга кўра Жиноят кодекси 55-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак.

2012 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик

учун жиноий жавобгарлик ЖК 206¹-моддасига криминализация қилинди.

2014 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига [7] биноан ЖК 62-моддаси (Дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш қоидалари) куйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди, яъни суд қамоқда сақланган шахсга жарима тайинлашда қамоқда сақланган ҳар бир кунини энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблайдиган бўлди.

Тўртинчи босқич – 2015 йилдан кейинги даврни ўз ичига олиб, у 2015 йил 10 ҳамда 20 августларда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши билан бошланди.

2015 йил 10 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг [8] қабул қилиниши натижасида Жиноят кодекси жазолар тизимига янги (48¹-модда) **озодликни чеклаш** жазоси пенализация қилинди. Мазкур нормага мувофиқ озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мос, шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб, уни ахлоқини тузатувчи, жиноятларни олдини олишга хизмат қилувчи жазоларнинг самарадорлиги ошириш ҳукуматимиз диққат-эътибори марказида бўлаётганлиги бежиз эмас.

Қабул қилинган қонунга мувофиқ Жиноят кодекси Умумий қисмининг 20 га яқин, Махсус қисмининг 100 дан зиёд моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, 2015 йил 15 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида 2015 йил 20 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитни яхшилаш, пировардда, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилди.

Жумладан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи мартаба содир этиб, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Шунингдек, Жиноят кодексига айбдор томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали оёқчилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслигини назарда тутувчи рағбатлантирувчи норма ўзгартирилди.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча ёки кўп миқдорда бузганлик учун жавобгарлик жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилди.

Жиноят кодекси Махсус қисми Саккизинчи бўлими Атамаларнинг ҳуқуқий маъносидан “масъул мансабдор шахс” атамаси батамом чиқариб ташланди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларида маъмурий-тақсимот ва маъмурий-ҳўжалик ваколатларини амалга оширувчи мансабдор шахслар жавобгарлигини юмшатиш ва тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар учун жавобгарлик белгиланди. Жумладан, Жиноят кодексига хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ва бошқа қилмишлар учун жавобгарлик белгиланди. Шу муносабат билан Жиноят кодекси 205-214-моддалари янги таҳрирда баён этилди.

Юқоридаги ретроспектив таҳлилдан келиб чиқиб, кейинги даврда бизнингча жиноят қонунчилигини либераллаштиришни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадаги мувофиқ ҳисобланади:

Биринчидан, мамлакатимизда глобаллашув жараёнининг таъсири ва мавжуд ижтимоий муносабатлар ривожланаётганини ҳисобга олиб ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар давом эттирган ҳолда айрим қилмишларни Жиноят кодексига **криминализация** қилиш мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, “144¹-модда. Юридик ва жисмоний шахсларга маълумотларни тақдим этишни рад этиш”, “156¹-модда. Оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ёки тарқатиш”, “169¹-модда. Компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-торож қилиш”, “173¹-модда. Эҳтиётсизлик орқасидан мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш”, “192¹³-модда. Нодавлат тижорат ташкилотиде ёки бошқа нодавлат ташкилотиде мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатларидан четга чиқиш”, “192¹³-модда. Нодавлат тижорат ташкилотиде ёки бошқа нодавлат ташкилотиде мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатларига совуққонлик билан қараш”, “277¹-модда.

Террористик ҳаракатлар ҳақида ёлғон маълумот бериш” ва бошқалар;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим нормаларини **декриминализация** қилиш. Жумладан, “179-модда. Сохта тадбиркорлик”, “180-модда. Сохта банкротлик”, “181-модда. Банкротликни яшириш”, “189-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш”, “190-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш” ва бошқалар;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимига янги жазоларни **пенализация** қилиш ва жазолар либераллаштириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, мажбурий жамоат ишлари жазосини жазо тизимига киритиш, жарима жазосини кунлик ва ойлик муддатларга бўлиш, вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чора турларини кенгайтириш лозим;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимидан қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш жазоларни **депенализация** қилиш;

Бешинчидан, Жиноят кодекси Махсус қисмида **рағбатлантирувчи нормани** ўзида акс этган нормаларни кенгайтириш, жумладан, шахс етказилган зарарни қоплаган тақдирда, унга нафақат қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазоларини қўлламаслик, балки жазодан ёки жавобгарликдан озод қилишни кенгроқ қўллаш. Жумладан, ЖК 132- ва 175 моддаларида назарда тутилган рағбатлантирувчи нормаларда “уч карра миқдориде” сўзларини чиқариш, 171-, 182-, 188-190-моддаларини биринчи марта содир этган шахслар учун ҳам “етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазолар қўлланилмайди” деган рағбатлантирувчи нормани белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда қонунга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини юксалтириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, ҳуқуқий шарт-шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган бўлиб, пировардда судланганлик ҳолатларини камайишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 229-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 532-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 94-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 20-сон, 147-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 425-модда.

У.Тухташева,
заведующая кафедрой «Уголовно-процессуальное
право» ТГЮУ, к.ю.н., доцент

ИСПРАВЛЕНИЕ СУДЕБНЫХ ОШИБОК В АПЕЛЛЯЦИОННОМ ПОРЯДКЕ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

Аннотация: в статье раскрыты роль и место апелляционного производства в исправлении судебных ошибок. Выдвигаются предложения по научному обоснованию и совершенствованию правовой регламентации апелляционного порядка рассмотрения уголовных дел; осуществлен анализ судебной практики апелляционного обжалования и опротестования судебных решений и производства в суде апелляционной инстанции; а также сформированы предложения и рекомендация, направленные на совершенствование законодательства в области апелляционного производства.

Ключевые слова: апелляция, приговор, основания отмены, изменение приговора.

Аннотация: мақолада суд хатоларини бартараф этишда апелляция тартибиди иш юристилинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Унда жиноят ишларини апелляция тартибиди кўрилишини илмий асослаш ва ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилмоқда; суд қарорлари устидан апелляция тартибиди шикоят ёки протест келтириш ҳамда апелляция инстанцияси судида иш юристи бўйича суд амалиёти таҳлил этилган; апелляция тартибиди иш юристи соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: апелляция, ҳукм, ҳукми бекор қилиш, ўзгартириш асослари.

Annotation: the article reveals the role and place of the appeal in correction of courts' mistakes. This article suggests scientific basis and perfection of legal regulation of grievance procedure of appeal trial of criminal cases; analyze of judicial practice of statutory appeal of judicial decisions and proceedings at the court of appeal instance; the forming on scientific basis suggestions and recommendations for perfection of legislation in the sphere of appeal proceedings.

Key words: appeal, sentence, grounds for cancellation and modification of the sentence.

На сегодняшний день судебно-правовая реформа в Республике Узбекистан является чрезвычайно важной частью общего процесса либерализации, демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны [1, 82-стр.]. Судебно-правовая реформа, в первую очередь, направлена на создание жизнеспособной правовой системы, способной обеспечить надежную защиту основных прав и законных интересов человека.

Анализ судебной практики показывает, что рассмотрение дела в одной судебной инстанции, несмотря на все старания, не исключает возможность допущения ошибок при вынесении приговора. Следовательно, в каждом правовом государстве существует потребность в функционировании средств, с помощью которых в необходимых случаях должна осуществляться проверка и исправление судебных ошибок. Такими средствами призваны служить способы обжа-

вания и пересмотра приговоров в вышестоящих судебных инстанциях, которые дают дополнительную гарантию для вынесения справедливого, законного и обоснованного судебного решения.

Одним из институтов, призванных служить дополнительной гарантией защиты основных прав человека в уголовном процессе, является апелляционное производство. В свою очередь, закон предусматривает систему обобщенных оснований (статья 484 УПК), которая позволяет избежать излишнюю формализацию в решении, вправе ли суд апелляционной инстанции отменить приговор (или его изменить), и вместе с тем — охватить все те нарушения, которые могут быть допущены при производстве по делу и должны повлечь отмену приговора или его изменение.

В УПК предусмотрены два вида оснований отмены или изменения судебного решения: материальные и процессуальные, так как к отмене судебного решения может вести нарушение либо процессуальных норм, либо норм материальных. В 2013 году из-за нарушений требований материальных и процессуальных норм органами предварительного следствия и судами первой инстанции из числа, отмененных приговоров в апелляционном порядке, в отношении 11,7% лиц направлено на дополнительное расследование, а в отношении 80,7% лиц было направлено на новое судебное рассмотрение. Из числа общего количества измененных приговоров в апелляционном порядке приговоры изменены: в отношении 15,3% лиц с изменением квалификации преступления без снижения меры наказания; в отношении 25,3 % лиц с изменением квалификации преступления со снижением меры наказания; в отношении 43,6 % лиц со снижением меры наказания без изменения квалификации преступления; в отношении 4,1 % лиц приговоры изменены по основаниям части 5 статьи 490 УПК (по данным текущего архива Верховного суда за 2013 год: признание осужденного особо опасным рецидивистом; определение осужденному более строгого вида колонии по исполнению наказания; увеличение размера возмещения вреда, причиненного преступлением).

Основаниями к отмене или изменению приговора в апелляционном порядке являются следующие:

1. Неполнота или односторонность судебного следствия. Данное основание может иметь место, когда в результате проведения судебного следствия остались невыясненными такие обстоятельства, установление которых могло иметь существенное значение при постановлении приговора. При установлении данного основания, проверяется, все ли обстоятельства, входящие в предмет доказывания по данному делу, исследованы, установлены; было ли соблюдено при этом требование всестороннего, полного, объективного исследования обстоятельств дела.

На наш взгляд, неполнота или односторонность предварительного следствия является условным основанием для отмены приговора с направлением дела на дополнительное расследование. Так как уголовное дело может быть направлено на дополнительное расследование как судом первой инстанции, так и судом апелляционной инстанции только при наличии невосполнимых пробелов предварительного следствия. Вопрос о восполняемости или невосполняемости пробелов предварительного следствия достаточно сложный и он носит оценочный характер.

Применительно к уголовно-процессуальному праву Узбекистана, по нашему мнению, критериями воспол-

нимости или невосполнимости пробелов предварительного следствия в судебном заседании должны являться следующие: 1) пробелы предварительного следствия нельзя восполнить в судебном заседании вследствие ограниченных процессуальных возможностей суда, если для их восполнения требуется поиск новых доказательств, для собирания которых требуется проведение следственных и оперативно-розыскных действий, которые невозможно провести в судебном заседании; 2) пробелы предварительного следствия нельзя восполнить в судебном заседании, если их восполнение повлечет ухудшение положения обвиняемого, влекущее предъявление обвиняемому обвинения в совершении более тяжкого преступления. Иначе суд превратится в полном смысле в орган уголовного преследования.

Следовательно, суды должны осторожно относиться к решению вопроса о возвращении дела на дополнительное следствие с учетом того, что многие пробелы предварительного следствия могут быть восполнены судом.

На наш взгляд, от института отмены приговора с направлением дела на новое судебное рассмотрение вследствие неполноты или односторонности судебного следствия необходимо отказаться, так как пробелы судебного следствия всегда возможно восполнить в суде апелляционной инстанции путем проведения судебного следствия. Поскольку дело рассматривается судом апелляционной инстанции по правилам производства суда первой инстанции, то те действия, которые могут быть совершены судом первой инстанции, могут быть осуществлены и судом апелляционной инстанции. При этом необходимо иметь в виду, что в судах апелляционной инстанции, как правило, осуществляют свою деятельность судьи более высокой квалификации, чем в судах первой инстанции.

2. Несоответствие выводов суда, изложенных в приговоре, фактическим обстоятельствам. Вышеуказанное основание имеет место там, где: а) выводы суда не подтверждаются доказательствами, рассмотренными в судебном заседании; б) суд не учел обстоятельств, которые могли повлиять на его выводы; в) при наличии противоречивых доказательств в отношении обстоятельств, имеющих существенное значение для дела, в приговоре не указано, по каким мотивам суд счел достоверными один из этих доказательств и отверг другие; г) выводы суда, изложенные в приговоре, содержат существенные противоречия, которые повлияли или могли повлиять на решение вопроса о виновности подсудимого, на правильность применения норм УК или на определение меры наказания, и у вышестоящего суда нет возможности устранения этих противоречий (статья 486 УПК). Суд апелляционной инстанции должен убедиться, что выводы суда о виновности осужденного основаны на исследованных в суде доказательствах, достоверность которых не вызывают сомнений, и эти выводы суда исключают возможность принятия иного решения по этому делу. При этом доказательства, указывающие на иные обстоятельства, исследованы и отвергнуты с приведением мотивов этого в приговоре и приговор внутренне согласован, и по форме и по содержанию соответствует установленным законом требованиям [2, 28-стр.].

Данное основание, как и ряд других, раскрывает необоснованность приговора. Его наличие свидетельствует, что суд в приговоре не установил истину, не доказал установление истины. Приговор признается несоответствующим фактическим обстоятельствам дела, когда

выводы суда о преступности деяния и виновности лица не подтверждаются доказательствами, рассмотренными в судебном заседании [3, 21-стр.]. По указанному основанию приговор подлежит как отмене, так и изменению. Следует отметить, что в тех случаях, когда несоответствие выводов суда фактическим обстоятельствам дела может повлиять на разрешение вопроса о виновности осужденного или невиновности оправданного, а также на правильность применения уголовного закона и на определение меры наказания, приговор подлежит отмене. В иных случаях возможно изменение приговора.

На наш взгляд, отмена приговора с направлением дела на новое судебное рассмотрение из-за несоответствия выводов суда фактическим обстоятельствам дела является неверным. Суд апелляционной инстанции при установлении указанного основания должен произвести переоценку доказательств, собранных судом первой инстанции, а также непосредственно исследованных в ходе апелляционного разбирательства. Установив несоответствие выводов суда первой инстанции, изложенных в приговоре, фактическим обстоятельствам уголовного дела, суд апелляционной инстанции по результатам проведенного судебного следствия должен отменить приговор с постановлением нового приговора. При этом необходимо иметь в виду, что суд апелляционной инстанции на основании ранее собранных доказательств и доказательств непосредственно исследованных в суде апелляционной инстанции, вправе признать доказанными и те факты, которые не были установлены судом первой инстанции или им не было принято во внимание при постановлении приговора. При решении данного вопроса можно принять во внимание опыт России и Армении, в УПК которых не предусмотрена отмена приговора с направлением дела на новое судебное рассмотрение по указанному основанию. Суд апелляционной инстанции вправе приговор суда первой инстанции отменить полностью или в части и в соответствии с результатами судебного следствия выносить новый приговор. При этом апелляционный суд, оценивая доказательства, исследованные им в ходе судебного следствия, вправе признать доказанными факты, которые не были установлены или не были учтены в приговоре суда первой инстанции. Предусмотрение такого положения позволило бы существенно расширить пределы полномочий суда апелляционной инстанции и обеспечить оперативное окончательное разрешение дела.

3. Существенные нарушения норм уголовно-процессуального закона.

Согласно статье 487 УПК подсущественными нарушениями понимаются такие нарушения процессуального закона, которые путем лишения или стеснения гарантированных законом прав участников процесса при рассмотрении дела или иным путем помешали суду всесторонне разобрать дело и повлияли или могли повлиять на постановление законного или обоснованного приговора. На наш взгляд, В.Бородин верно отметил следующее: «необходимо иметь в виду, что нарушения норм уголовно-процессуального права, которые влекут отмену или изменение приговора суда по уголовному делу, по своей сущности есть не что иное, как уголовно-процессуальное правонарушение, которое выражается в неисполнении уголовно-процессуальной обязанности» [4, 31-стр.].

В соответствии со статьей 487 УПК к существенным нарушениям относятся следующие: а) приговор постановлен незаконным составом суда; б) нарушен порядок постановления приговора судьей единолично

или тайна совещания судей при постановлении приговора; в) дело рассмотрено в отсутствие подсудимого, когда по закону его присутствие обязательно; г) по окончании предварительного следствия обвиняемый не ознакомлен со всеми материалами дела и это нарушение не устранено судом, постановившим приговор; д) подсудимому, не имеющему защитника, не предоставлено слово для защитительной речи; е) подсудимому не предоставлено последнее слово; ж) нарушено право подсудимого пользоваться родным языком и услугами переводчика; з) дело расследовано или рассмотрено без участия защитника, когда по закону его участие обязательно; и) предварительное следствие и судебное разбирательство производились при наличии обстоятельств, исключающих производство по делу; к) в деле отсутствует протокол судебного заседания, либо он не подписан.

На наш взгляд, такие нарушения как незнакомление обвиняемого по окончании предварительного следствия со всеми материалами дела и не устранение этого нарушения судом, постановившим приговор; непредоставление подсудимому, не имеющему защитника, слова для защитительной речи; а также не предоставление подсудимому последнего слова; могут быть устранены в результате проведения судебного разбирательства в суде апелляционной инстанции. В тех случаях, когда протокол судебного заседания не подписан, апелляционная инстанция должна возвратить дело в суд первой инстанции для подписания протокола, когда это возможно [5]. В случае проведения предварительного следствия и судебного разбирательства при наличии обстоятельств, исключающих производство по делу, суд апелляционной инстанции вправе принять решение об отмене приговора и прекращении дела производством. Соответственно, указанные нарушения не должны являться основанием для отмены приговора с направлением дела на дополнительное расследование или новое судебное рассмотрение.

4. Неправильное применение норм уголовного закона. Данное основание имеет место в случае: а) нарушения требований статей Общей части Уголовного кодекса; б) квалификации преступления не по той статье (части, пункту статьи) Уголовного кодекса, которая подлежала применению; в) назначении осужденному наказания, вид и размер которого не предусмотрен данной статьей Уголовного кодекса.

Нарушение требований статьи Общей части Уголовного кодекса в судебной практике встречается в различных проявлениях как ошибки при определении оснований уголовной ответственности, разграничение длящихся и повторно совершенных преступлений, определении правовых последствий добровольного отказа от совершения преступления, при разграничении покушения на совершение преступления и наличие необходимых условий и предпосылок для наступления ответственности за оконченные преступления, при назначении наказания по совокупности преступлений или приговоров и другие. Эти нарушения, как правило, являясь основанием для изменения приговора.

Одним из примеров рассматриваемого основания является наличие ошибки в уголовно-правовой квалификации действий обвиняемого (осужденного).

Неправильная уголовно-правовая квалификация преступления не всегда является основанием для отмены приговора. В тех случаях, когда действия осужденного должны были бы квалифицированы по статье Уголовного кодекса, предусматривающей уголовную ответственность за менее тяжкие преступления, суд первой инстанции квалифицировал данные действия по статье, предусматривающей ответственность за более тяжкое преступление, то приговор должен быть изменен судом апелляционной инстанции с переквалификацией действий осужденного на статью Уголовного кодекса, предусматривающей ответственность за менее тяжкое пре-

ступление. Подобные ошибки в практике судов встречаются часто. В 2013 году из общего числа измененных приговоров в апелляционном порядке 40,6 % приговоров изменены с переквалификацией действий осужденного (см. об этом текущий архив Верховного суда Республики за 2013 год).

В тех случаях, когда принесены апелляционная жалоба потерпевшим или протест об отмене приговора в связи с необходимостью применения нормы Уголовного кодекса, предусматривающей ответственность за более тяжкое преступление судами апелляционной инстанции, при наличии необходимых оснований приговор отменяется во всех случаях с направлением дела на дополнительное расследование или новое судебное рассмотрение. На наш взгляд, необходимо предоставить право суду апелляционной инстанции применить закон о более тяжком преступлении в пределах предъявленного обвинения органами следствия без направления дела на новое судебное рассмотрение путем вынесения нового приговора, когда по этим основаниям принесены апелляционная жалоба потерпевшим или протест прокурором. Это позволит без излишней судебной волокиты разрешить дело по существу.

5. Несправедливость наказания. Содержанием данного основания охватываются те случаи, когда преступлению дана правильная квалификация и наказание определено в пределах санкции правильно примененного закона, но вид и размер данного наказания с точки зрения уголовного права явно не соответствуют тяжести совершенного преступления и личности осужденного.

Если при рассмотрении дела в апелляционном порядке будет установлено, что судом первой инстанции назначено наказание, несоответствующее тяжести преступления и личности осужденного, суд вправе, не передавая дело на новое рассмотрение, внести необходимые изменения в приговор. При этом необходимо иметь в виду, что суд апелляционной инстанции вправе только снизить наказание, он не обладает полномочиями усилить наказание. Полагаем, что полномочия суда апелляционной инстанции должны быть пересмотрены в сторону наделения правом усиления наказания в пределах санкции статьи Уголовного кодекса, по которому назначено наказание осужденному, при наличии принесенных по этим основаниям апелляционной жалобы потерпевшим и протеста прокурора.

Правильное понимание и применение вышеназванных апелляционных оснований является гарантией обеспечения неуклонного соблюдения норм Уголовно-процессуального кодекса органами предварительного следствия и судами. Вместе с этим, данные основания обеспечивают соблюдение прав обвиняемого и потерпевшего.

Список литературы:

1. Каримова И.А. Наша главная цель – демократизация и обновление общества, реформирование и модернизация страны. 28 января 2005 г. // Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть. Т. 13. – Т.: Узбекистон, 2005. – С. 82-126.
2. Айтмухамбетов Т. Несоответствие выводов суда, изложенных в приговоре (постановлении), фактическим обстоятельствам дела (ст.414 УПК) // Ж. Тураби. 2004. – №1. – С. 28.
3. Айтмухамбетов Т. Несоответствие выводов суда, изложенных в приговоре (постановлении), фактическим обстоятельствам дела (ст.414 УПК) // Ж. Тураби. 2004. – №1. – С. 21.
4. Бородинов В. Уголовно-процессуальные правонарушения как основания отмены или изменения приговора // Ж. Российская юстиция. 2003. – № 4. – С. 31.
5. Уголовно-процессуальный кодекс Украины. www.zakon.rada.gov.ua.

А.Закурлаев,

Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза
маркази директори ўринбосари,
ТДЮУ мустақил изланувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЗАМОНАВИЙ КРИМИНАЛИСТИКАДА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар мисолида замонавий суд экспертизаси ривожланиш тенденциялар таҳлил қилинмоқда. Бу борада тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар илгари сурилмоқда.

Калит сўзлар: криминалистика, суд экспертиза, эксперт техникаси ва услубиётлари, геном бўйича рўйхатга олиш.

Аннотация: в настоящей статье автором на примере Республики Узбекистан и других стран анализируются тенденции развития современной судебной экспертизы. В этом направлении исследователь выдвигает научно обоснованные предложения по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики Республики Узбекистан.

Калит сўзлар: криминалистика, суд экспертиза, эксперт техникаси ва услубиётлари, геном бўйича рўйхатга олиш.

Аннотация: in this article, the author analyzed development trends of modern forensics on the example of the Republic of Uzbekistan and other countries. Researcher puts science-based proposals for improving the legislation and practice of the Republic of Uzbekistan in this sphere.

Key words: criminalistics, court expertise, forensic technics and methods, DNA databases.

Маълумки, криминалистиканинг асосий вазифаси жиноятчиликка қарши курашиш ва уни изи совимасдан, криминалистиканинг умумий ҳамда хусусий усуллардан фойдаланган ҳолда жиноятни очишга қаратилган ҳаракатлардан иборатдир.

Шунинг учун жиноий процессуал қонунчиликда тергов олди ҳаракатлари сифатида ходиса жойини кўздан кечириб, изларни аниқлаш ҳамда аниқланган изларни экспертиза қилишдан иборат.

Дастлабки тергов жараёнида эса, босқичма босқич тергов ҳаракатларини ўтказиб, далилларни йиғиш, далиллар назарияси асосида уларни исботлаш натижада содир этилган жиноят учун жавобгарлик муқарраллигини таъминлашга қаратилган.

Криминалистика фани жиноятларнинг турлари ва содир этиш усулларини ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, жиноятларни тергов қилиш жараёнида далилларни йиғиш, исботлаш жараёнини ташкил этиувчи экспертиза турлари ва йўналишлари ҳам кенгайиб боради.

Шу боис, криминалистикани ривожланиш тенденцияларини ўрганганида албатта экспертиза турларининг ҳам ривожланиш масалларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 6 майдаги (2010 йил 1-июндан кучга кирган) «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни Фуқаролик, ҳўжалик, жиноят, маъмурий ишларни юритиш жараёнида суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартибини белгилайди. Процессуал қонунлар суд-экспертлик фаолиятни алоҳида турдаги судлов жараёнида бошқарувчи қонун ҳужжатларини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам суд экспертизасининг асосий вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг юқори сифатли эксперт тадқиқотларига бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат экани қайд этилади. Экспертиза хизмати бу билан албатта чекланиб қолмай, тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, эксперт кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби йўналишларда ҳам самарали фаолият олиб боради.

Ҳукуматимизнинг 2011 йил 5 январдаги «Давлат суд экспертизаси муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Адлия вазирлигининг 2011 йил 2 мартдаги буйруғи билан Адлия вазирлигининг суд экспертизаси муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди.

Бугунги кунда Ҳ.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси маркази ва унинг 8 та минтақавий бўлинмаси малакали эксперт кадрлар билан таъминланган бўлиб, уларнинг профессионал тайёргарлиги ҳар хил турдаги экспертизаларни юқори савияда ўтказиш ва жиноятларни очишда суд-тергов органларига кўмаклашишга имкон беради. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин: марказда 1995 йили 3913 та экспертиза хулосаси берилган бўлса, 2014 йил якунига кўра 29603 тани ташкил этди. 1991 йилда 37 та эксперт мутахассислиги бўйича экспертиза тадқиқотлари ўтказилган бўлса, бугун уларнинг сони 54 тага етди ва 60дан ортиқ йўналишда экспертиза тадқиқотлари олиб борилмоқда.

Хозирда порахўрлик, коррупция, рэкет каби жиноятларни очишда муҳим роль ўйнаётган суд-фонографик экспертизасини ўтказиш йўлга қўйилди. 1995 йилдан Суд-бухгалтерия экспертизаси бўлими Суд-иқтисодий экспертизаси бўлимига айлантирилиб, унинг фаолият доираси анча кенгайтирилди. 2000 йилда Марказий Осиёда илк бор одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ўтказилиши йўлга қўйилиб, унинг аҳамияти, айниқса, одам ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳамда жинсир эркинлигига қаратилган жиноятларни очишда, шунингдек, биологик оталик ва қариндошликни исботлашда бекиёсдир. Охириги йилларда қимматбаҳо қоғозлар ва махсус ҳимоя воситаларига эга ҳужжатлар, таркиби ўзгартирилган синтетик наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар, портловчи моддаларни текшириш имкониятлари янада кенгайтирилди. Шунингдек, суд қурилиш-техникавий, суд-автотехника, товаршунослик, суд-ер, йўл-транспорт, озиқ-овқат маҳсулотлари экология экспертизаси бўйича қатор янгиликлар жорий этилди.

Марказнинг минтақавий тузилмаларида ўтказилаётган экспертизалар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Экспертиза хизматини замонавий криминалистик техника ва аналитик ускуналар билан

таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хатшунослик, трасологик ва металлшунослик экспертизаларида криминалистик ва сезгирлиги жуда юқори бўлган аналитик ускуналардан фойдаланилиши натижасида нафақат амалий, балки назарий масалалар ҳам ҳал этилмоқда.

Илмий тадқиқотларни замонавий тарзда ўтказиш мақсадида Суд экспертизаси хизмати инфратузилмаси ва жиҳозланишини модернизация қилиш дастури ишлаб чиқилди. Бу эса экспертиза хулосаларининг қатъийлигини оширишда, инструментал, математик ва компьютер услубларини ишлаб чиқишга ва эксперт хулосасига субъектив томонлар таъсирининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз томонидан соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги 321-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу қарор билан 2012 – 2015-йилларда марказни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Унга мувофиқ суд экспертизаси хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

2013–2014-йилларда марказда рақамли технологиялар, шунингдек, электроакустик монтаж белгилари асосида аудио ва видеоманбаларни комплекс тадқиқ қилиш; ер участкаларига бўлган эгаллик ҳуқуқлари қийматини баҳолаш; ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси; суд-экологик экспертизаси; суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси; суд-филологик экспертизаси каби тадқиқотларнинг янги турларини жорий этиш режалаштирилиб 2015 йилдан улар амалиётга тадқиқ қилинди.

Суд экспертизасининг ривожлантирилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эҳтиёжларига асосланади. Шу боис, умумназарий, услубий, ҳуқуқий ва таълим бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, амалий тадқиқотларни кенгайтириш учун идоралараро умумэътироф этилган криминалистик экспертиза турларини ўтказишда ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Бунинг учун эса Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгашнинг ролини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Янги турдаги тадқиқотларни татбиқ этиш учун марказ мутахассислари ривожланган давлатларда малака оширишлари кераклигини ҳисобга олиб, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Хитой, Корея, Германия, Франция, Италия, Испания Англия ва Америкадаги экспертиза хизматлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Чунки ушбу мамлакатларда суд-фонография ва одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тадқиқотлари ривожланган.

Бундан ташқари, қарорда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда айрим оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этгани учун ҳукм қилинган шахслар, жиноятчилар қолдирган излар, шахси аниқланмаган мурдалар, шунингдек, бедарак йўқолган шахслар бўйича ДНК маълумотлари миллий базаси (геном маълумотлар)ни яратиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун эса аввало «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш керак. Ушбу қонун билан ДНК маълумотлари миллий базасини яратиш учун биологик материалларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш, шунингдек, улардан фойдаланиш

билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати туғилмоқда.

Мазкур масалларни ривожлантириш учун албатта суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд ва тергов идоралари, ИИБ Академияси ва Тошкент давлат юридик университети олим ва амалиётчилари билан ҳамкорликда янги тур экспертизаларни, хусусида илмий-назарий конференция, семинар ва давра суҳбатларида кўпчилик мутахассислар томонидан суд экспертизаси имкониятларини кенгайтириш ҳамда улардан фойдаланишда суриштирув ва тергов органлари ходимлари, судьяларнинг экспертиза имкониятларидан фойдаланишнинг янада самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашиш катта аҳамиятни касб этади.

Ўз навбатида соҳа учун етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, хизматнинг моддий-техник базасини дунё андозаларига жавоб берадиган даражага кўтариш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадга мувофиқ экани алоҳида эътиборда бўлоғи лозим бўлади.

Г.З.Тулаганова,
ТДЮУ «Криминалистика» кафедраси мудири,
ю.ф.д., доцент

СУД МУҲОКАМАСИДА ИСБОТ ҚИЛИШ ДОИРАСИНИ ТЎҒРИ БЕЛГИЛАНИШИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада исботлаш жараёнини жиноят-процессуал йўл орқали тартибга солиш тартиби ва унинг вазифаларини бажаришга йўналтирилган фаолиятни, унинг процессуал шакли иш бўйича ҳақиқатга эришиш масалалари ўрганилган. Исбот қилиш жараёни иштирокчилари ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини таъминлаш юзасидан илмий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: далил, исботлаш субъектлари, тергов органлари, исботлаш доираси, исбот қилиш, далилларга баҳо бериш, кўздан кечириш, тинтув ўтказиш.

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы доказывания, порядок, процессуальные формы его производства уголовно-процессуальными способами в целях достижения истины по делу. Разработаны научные предложения по защите прав участников уголовного производства в процессе доказывания.

Ключевые слова: доказательство, субъекты доказывания, органы следствия, пределы доказывания, доказывание, оценка доказательств, осмотр, проведение обыска.

Аннотация: this article analysis the matters of proving process, its order, procedural forms of realization in order to get the truth, by criminal procedural ways. Some practical suggestions are made for protection of participators in proving process.

Key words: evidence, subject of proof, investigating agency, proving limits, proving, evidence valuation.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислохотлар амалга оширилиб, жиноят-процессуал муносабатларда ниҳоятда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Барча ислохотларнинг негизини инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг: «...бошланган ислохотларнинг энг долзарб мақсади – иқтисодиёт, одил судлов, давлат тузилмалари йўлида ғов бўлиб турган, ҳар бир инсонга унинг муносиб турмуш кечириши, ўз имкониятларини тўлиқ намоеън этиши учун шарт-шароит яратишга ҳамда фуқароларимиз фаровонлигининг ошишига ҳалал бераётган барча тўсиқларни бартараф этишдан иборат», деган фикрлари бевосита жиноят судлов ишларини юритишга ҳам тааллуқлидир [1, 19-20-бетлар].

Жиноятчиликка қарши кураш ва жиноятларни очиш кўрсаткичларининг даражаси кўп жиҳатдан ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилаётган илмий тавсияларга боғлиқ. Ҳозирги вақтда жамият тараққиёти шу қадар жадаллик билан ривожланмоқдаки, қонунлар замон талабларига жавоб берадиган даражада доимо такомиллашиб боришни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида исбот қилишнинг асослари, умумий шартлари, далилларнинг турлари, уларни

тўплаш, текшириш ва баҳолаш тартиби қатъий белгиланган. Лекин назаримизда баъзи жиноят-процессуал нормаларни янада такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд. Исбот қилиш мураккаб жараён бўлиб, жиноят тпроцессининг негизи ҳисобланади. Жиноят процессининг асосий вазифаси жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашдир, бунинг учун эса иш бўйича аниқланган ҳар бир далил, маълумот, факт исботланиши лозим [2, 28-бет].

Бошқача айтганда, исбот қилиш – жиноят процессуал фаолиятни тартибга солувчи, шунингдек, судлов фаолиятидаги жиноят иши бўйича ҳақиқатга эришишни таъминловчи жараёндир. Бу жараённинг моҳияти унинг элементларида, яъни далилларни тўплаш, текшириш, мустаҳкамлаш ва баҳолашда акс этади.

Бинобарин, ЖПКнинг 85-моддасидаги исбот қилишнинг барча таркибий қисмлари жиноят ишини кўзғатиш босқичидаги ариза ва хабарларни текшириш вақтида ҳам мавжуд. Фикримизча, жиноят процессининг дастлабки босқичидаги исбот қилиш – суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарларни текшириш даврида жиноят ишини кўзғатиш ёки уни рад этиш ҳақида қонуний, асосланган ва адолатли қарор қабул қилиш мақсадида амалга ошириладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолиятидир. Жиноятни тергов қилиш – қонунда кўзда тутилган тартибда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини ташкил этади, бунда ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уни содир этган шахс айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳисобланган бошқа ҳолатлар белгилаб олинади. Буларни исбот қилиш учун криминалистика воситалари, усуллари ва методлари ёрдамида процессуал қонунда кўрсатилган манбалар қўлга киритилади. Жиноят ишларни тергов қилишнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Шулардан бири, жиноятни аниқлаш билвосита далилларни тўплаш тарзда амалга оширилади. Терговчининг ўзи жиноят ҳодисасини кўрмайди, балки унинг одамлар хотирасидаги ифодасини ва жиноят изларини ўрганади. Далилларни топиш (излаш) – тергов органлари фаолиятида муҳим ва айни вақтда мураккаб ҳамда қийин вазифа ҳисобланади, чунки жиноятчи кўп ҳолларда жиноят содир этган изни йўқотиш ёхуд яширишга ҳаракат қилади ва шунингдек, ўзининг жисмоний табиатига кўра излар кўпинча яққол кўринмайди. Далиллар ҳодиса жойини кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, намуналар олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва бошқа тергов ҳаракатлари воситасида олинади. Уларни излашда криминалистик техника воситаларини моҳирона қўллаш, тергов тактикаси усуллари ва методик тавсияларига риоя қилиш талаб этилади. Шундай далиллар йиғиндисини тўплаш, текшириш ва баҳо бериш керакки, у исбот қилиш предметининг ҳар қайси элементини аниқлашга етарли бўлиши зарур. Бундай далиллар мажмуини назарияда исбот қилишнинг чегараси – доираси деб аталади. Бошқача айтганда, исбот қилиш доираси – бу иш бўйича тўпланган, зарур ва етарли далиллар йиғиндисидирки, исботланиши лозим бўлган изланган ҳодисалар мажмуини аниқлаш йўли билан исбот қилиш предметини тўғри ҳал этилишини таъминлайди.

Предмет тушунчаси ва исбот қилиш доиралари ўзаро боғлиқ ва бири-бирига дахлдордир, биринчиси мақсадни ифодалайди, иккинчиси эса унга эришиш

воситаси ҳисобланади. Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклигини, айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлигини талаб қилади. Далиллар доираси, исботловчи материални тадқиқ этиш чегарасини исботлаш чегарасини белгилайди. Исботлаш доираси – исботлаш предметининг далиллари бўлиб хизмат қиладиган фактларни аниқлаш ва тадқиқ этиш чегарасидир.

Агар исботлаш предмети жиноят ишини тўғри ҳал қилиш имконини берадиган, қидириладиган ҳолатлар мажмуи бўлса, исботлаш доираси – бундай ҳолатларни аниқлаш учун зарур бўлган далиллар йиғиндасидир. Исботлаш доираси – фактлар ва ҳолатлар мажмуининг шундай етарлилигини таъминлашдирки, у қонун, ҳуқуқий онг ва амалиёт асосида терговчи ва судьяларга исботлаш предметининг барча элементлари амалда мавжудлигига ички ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Жиноят-процессуал қонуни жиноят иши бўйича исбот қилиш предметини аниқ белгилайди. Исбот қилиш чегарасига келганда, улар қонунда умумий асосларда белгиланган. У ёки бу ҳолатларнинг аниқланганлигини тан олиш учун далиллар етарлилиги масаласи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд (судья) томонидан ички ишончларига биноан ҳал этилади.

Мазкур фаолиятдан суд – ҳуқуқ тизими эҳтиёжлари учун ҳам самарали фойдаланилаётганлигини кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус билимлардан фойдаланишни тартибга солувчи бир қатор қонунлар мавжуд бўлиб, ушбу қонунлар жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш жараёнини тартибга солиб, унинг шакллари, ушбу билимлардан фойдаланиш ўрни ва унинг баҳолашни тартибини акс эттиради.

Мазкур қонунлар жумласига, Ўзбекистон Республикаси Жиноят- процессуал кодекси ва Суд экспертизаси тўғрисидаги қонунларни киритиш мумкин. Махсус билимлардан фойдаланиш тушунчаси ЖПКнинг 67- моддасида эксперт тушунчасини изоҳлашда “Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида қақрилиши мумкин” ва “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида суд экспертини “суд эксперти - хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс”, бундан ташқари суд экспертизаси тушунчасини “суд экспертизаси -

фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат” изоҳлашда фойдаланилган.

Демак, махсус билимлардан фойдаланиш тегишли ҳуқуқий нормаларда мавжуд экан, ушбу тушунча қандай маънони англатишини изоҳлаш муҳим жараён ҳисобланади.

Миллий адабиётлар ва энциклопедияларда махсус билимлардан фойдаланиш, махсус билим тушунчалари жуда ҳам кам ёритилган аммо изоҳланмаган бўлиб, ушбу ҳолат амалиёт вакиллари учун махсус билим тушунчасини англашда, унинг чегарасини аниқлашда айрим қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки эксперт ва экспертиза тушунчаларининг асосини махсус билим тушунчаси ташкил этади, аммо шу билан бир қаторда ушбу тушунчанинг қонунчилик доирасида ҳам маълум лўғатлар тарзида ҳам шарҳи баёни берилмаганлиги аянчлидир.

Махсус билим тушунчаси ҳозирги кунда маълум бир соҳани чуқур тушунишни ва ушбу йўналишда фаолият юритиш имкониятини берадиган билим ҳисобланади.

Махсус билим умумий билимдан фарқланиб, маълум бир йўналишда фақатгина чекланган инсонлар эга бўлган билим доираси ҳисобланади.

Махсус билимлар кўлами, тузилиши, характери экспертиза турларини белгилашда ва уларнинг имкониятларини яхши билишни, экспертларнинг фаолияти чегараларини аниқлаш имкониятини бергани боис, ушбу тушунчани тўлиқроқ, кенгроқ баён этиш лозим ҳисобланади.

Махсус билим эксперт, унинг фаолияти ва экспертиза тергов ҳаракати, мутахассиснинг фикри каби тушунчаларнинг умумлашмасини ташкил қилади. Ушбу тушунча аввало жиноят процессуал ҳуқуқи ва қонуни доирасида кенг қўлланилиб, сўнгра бошқа процессуал соҳаларда ҳам татбиқ этила бошланган. Ушбу ҳолатни Жиноят процессуал кодексидagi экспертиза далилларни тўплаш усулига бағишланган моддаларнинг кўплиги ва сифати билан ҳам қиёсласак бўлади. Чунки давлат фан - техника ютуқлари янги экспертизанинг барча имкониятларидан аввало инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳимояси шакли ва кафолати сифатида жиноятларни очишда фойдаланади.

Шу сабабдан жиноят процессуал ҳуқуқи олимлари орасида биринчилардан бўлиб махсус билим тушунчасини изоҳлашга урунишлар бўлганлиги боис, ушбу фикр - мулоҳазаларга тўхталиб ўтсак.

Махсус билим тушунчасига биринчилардан бўлиб таъриф берган шахслардан бири А.А. Эйсман бўлиб [1, 91-бет], у “махсус билим – умумий муомалада бўлмаган, оммавий тарзда қўлланилмайдиган, фақатгина чекланган доирадаги шахслар фойдаланадиган билимдир”, дейди.

Е.П. Ишенко эса, махсус билим – далилларни топиш, олиш, ишга қўшиб қўйишга хизмат қилувчи ҳар қандай профессионал билимдир, дейди [2, 8-бет].

Б.М. Бишмановнинг фикрича эса, назарияда махсус билимлар тушунчаси мавжуд эмас, улар фақат махсус ҳуқуқий соҳалар учун хосдир [3, 17-бет].

Айрим олимларнинг фикрича, махсус билимлар аввало умумижтимоий тушунча ҳам, иккинчидан, ҳуқуқий тушунча ҳам эмас [4, 5-6-бет]. Яъни ҳуқуқий соҳадаги билимлар юзасидан экспертиза тайинланмайди.

Демакки, махсус билим оммавий шаклда қўлланилмайдиган, тор доирадаги шахслар билим доираси ҳисобланади ва уларни ҳуқуқий соҳада (суд-тергов органлари мақсадлари учун) фойдаланиш тақиқланади, яъни судья, терговчи ҳуқуқий саволларни (квалификация билан боғлиқ саволларни) бериши мумкин эмас. Ушбу ҳолат бир қатор МДХ давлатлари қонунчилигида мавжуд бўлиб, бизнинг Жиноят - процессуал кодексимизга ҳам ушбу элементни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

В.Д.Арсеньев ва В.Т.Заболоцкийлар фикрича, “махсус билим деганда, илмий ва амалий фаолият натижаси бўлган маълумотлар тизими тушунилади” [5, 4-бет].

Ю.К.Орлов “махсус билим – жамият ёки унинг бир қисми эга бўлган маълумотдир” [6, 12-13-бет], деб эътироф этса, Т.В.Сахнова “эксперт махсус билимларга таянган ҳолда янги маълумотларни қўлга киритишдир” [7, 10-бет], деб ёзади.

А.М.Зинин, Г.Г.Омельянюк, А.В.Пахомов томонидан “махсус билимлар умумтаълим тайёргарлигидан ташқарида бўлиб, оддий ҳаёт фаолиятида эришилмайдиган ҳамда профессионал фаолият давомида эга бўлинадиган билимлардир” [8, 60-бет.] деган фикр билдирилган.

В.Н.Махов эса, махсус билимларнинг ўзига хос белгиси сифатида унинг маълум бир меҳнат фаолиятига боғлиқлигини ҳамда мазкур билим унинг ушбу фаолият билан шуғулланиш давомида олинган билимлар жамланмасини ташкил этишини кўрсатади [9, 46-бет]. З.М.Соколовский [10, 202-бет.] ва Е.Р.Россинскаялар [11, 34-бет] ҳам шундай фикрни қўллаб-қувватлаганлар.

И.С.Андреев, Г.И. Грамович, Н.И. Порубовлар махсус билим деганда, аниқ бир тергов ва суд муҳокамаси олдида турган масалаларни ҳал қилиш қўлланиладиган фан, техника, санъат ва касб ҳунар соҳасидаги профессионал билимлардир дейишади [12, 165-бет].

И.Н. Сорокотягиннинг фикрича, махсус билим – профессионал тажриба ва махсус тайёргарлик натижасида шакланган экспертиза ўтказиш, тезкор қидирув ҳаракатларини амалга ошириш ва жиноятни тергов қилиш жараёнини мақсадлари учун хизмат қилувчи фан, техника, санъат ва касб ҳунар соҳасида замонавий билимлардир [13, 42-бет].

С.Ф. Бычкова махсус билимга таъриф бериб, “жиноят процессуал тартибга оид билимлар учун хос бўлмаган, маълум бир мутахассислик бўйича фаолият юритиш ёки касбий тайёргарлик натижасида эгалланган ва одил судлов мақсадлари учун хизмат қилувчи билимдир” [14, 97-бет] дейди.

Махсус билимларни тушунишда унинг ички тузилиши масаласини алоҳида ўрганиш талаб қилинади. Тузилиш бу тизимни ташкил қилишнинг ички шакли ва элементлар бир бири билан боғловчи тизимдир. Махсус билимларни тузилиши эса ўзаро қарама-қаршиликлар эмас балки ўзаро боғлиқ элементларни ягона тизим комплекс сифатида ишлатишни назарда тутаяди. Ушбу тузилишнинг асосий элементларидан бири билимдир. Дастлаб инсон билими оламни оддий тушуниш шаклида пайдо бўлса,

унинг ҳаёт фаолияти мураккаблашиб турли соҳаларни ўрганиб боргани сари билим доираси ҳам кенгайиб боради. Унинг асосий фаолияти амалий фаолиятни ташкил қилиш ва бошқаришни ташкил этади. Билим ва фаолият ўзаро боғлиқ тушунчалар ҳисобланади. Инсон фаолиятининг мураккаблиги унинг билими чуқурлигига асосланади.

Билим ва маълумот турли тушунчалар ҳисобланади. Маълумот ҳали таҳлилдан ўтмаган текширилмаган информациялардан ташкил топган бўлса, билим, нафақат текширилган балки таҳлилдан синовдан ўтган маълумотлар ҳисобланади.

Махсус деганда – фақатгина маълум бир йўналиш, тор соҳа доирасидаги, чуқур билим ва узоқ йиллик тажриба, тор мутахассисликдаги маълумотни кенг англаш тушунилади. Яъни махсус билим эгаси оламни ўзининг махсус мутахассислик йўналиши, билими ва тажрибаси орқали филтрдан ўтказиши. Яъни, умумийликдан махсусга эмас балки махсусдан умумийга қараб тадқиқот ўтказиши.

Эксперт шу аснода жиноят содир этилган жойдаги айрим элементлар, излар орқали ҳодисани, жиноят ҳолати ҳақида тўлиқ тасаввурга, маълумотга эга бўлади. Махсус билимларнинг ушбу имкониятларини англаган олимлар ушбу йўналишда ўз фикр - мулоҳазаларини турлича билдиришади.

Т.В. Аверянова ушбу икки элемент яъни назария ва амалиётнинг махсус билимларини шакллантиришда ўрни бир хилдир, дейди [15, 182-бет].

Ҳақиқатдан экспертнинг ёки мутахассиснинг махсус билимларини шакллантиришда ва кучайтиришда, кенгайтиришда таълим жараёнида ва иш жараёнида, малака оширганда олинган назарий билимлар ва амалиётда ишлаганлик натижасида шаклланган амалий кўникмаларнинг ўрни беқиёсдир. Уларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир элемент ўзига хос билимлар тизимини шакллантириб бир-бирини тўлдириб боради.

З.М. Соколовский фикрига кўра, билим ва кўникма бир инсонда бўлиши мумкин бўлсада, махсус билим ва махсус кўникма (малака) бир инсонда бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди [16, 200-бет].

Аммо фикримизча, ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки махсус билим эгаси ўз фаолияти давомида махсус кўникмага эга бўлади. Агарда махсус билим ва кўникма бир инсон фаолиятида мужассамлансагина, шундагина ҳақиқий тажрибали эксперт ёки мутахассис ҳисобланади. Чунки билим таълим олиш натижасида, кўникма эса йиллар давомида иш фаолияти билан шуғулланиш натижасида шаклланади.

Фикримизча, юқоридагилардан келиб чиқиб “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун экспертиза институтига оид асосий тушунчалар мазмунини ёритишга бағишланган 3-моддага эга бўлганлиги боис, мазкур моддага “Махсус билим - бу жиноят ишини кўзгатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси мақсадлари учун қўлланиладиган ва жиноятга алоқадор далилларни замонавий тадқиқот усуллари орқали топиш, тўплаш, баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган фан, техника, касб-хунар соҳасидаги профессионал билимдир” тарзида қўшимча киритиш лозим деб ҳисоблаймиз, чунки бу ҳолат орқали махсус билим тушунчасига оид барча институтларни моҳияти очиб берилади ва ушбу тизимни ягона тушуниш таъминланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Эйсман А.А. Заключение эксперта (структура и научная обоснование). – М., 1967. – С. 91.
2. Ищенко Е.П. Специалист в следственных действиях (уголовно-процессуальные и криминалистические аспекты). М., 1990. – С. 8.
3. Бишманов Б.М. Эксперт и специалист в уголовном судопроизводстве. – М.: Моск. психолого-социальный институт, 2003. – С. 17.
4. Орлов Ю.К. Производство экспертизы в уголовном процессе. Учебное пособие. – М.: ВЮЗИ, 1982. – С.5-6.
5. Арсеньев В.Д., Заболоцкий В.Т. Использование специальных знаний при установлении фактических обстоятельства уголовного дела. – Красноярск: Изд-во Красноярского университета, 1986. – С.4.
6. Орлов Ю.К. Судебная экспертиза как средство доказывания в уголовном судопроизводстве. – М: Институт повышения квалификации российского Федерального центра судебной экспертизы, 2005. – С. 12-13.
7. Сахнова Т.В. Судебная экспертиза. – М.: Городец, 2000. – С. 10.
8. Зинин А.М., Омельянюк Г.Г., Пахомов А.В. Введение в судебную экспертизу. – М.: МПСИ, 2002. – С. 60.
9. Махов В.Н. Использование знаний сведущих лиц при расследовании преступлений. – М.: Изд-во Рос. Ун-та Дружбы народов, 2000. – С. 46.
10. Соколовский З.М. Понятие специальных знаний // Криминалистика и судебная экспертиза. – Киев, 1969. – № 6. – С. 202.
11. Россинская Е. Р. Специальные познания и современные проблемы их использования в судопроизводстве // Журнал российского права. – 2001. – № 5. – С. 34.
12. Андреев И.С., Грамович Г.И., Порубов Н.И. Криминалистика: учебное пособие. – Минск, 1997. – С. 165.
13. Сорокотягин И.Н. Криминалистические проблемы использования специальных познаний в расследовании преступлений: дис. ...док. юрид. наук. Екатеринбург, 1992. – С. 42.
14. Бычкова С.Ф. Теория и практика судебной экспертизы: учеб. пособие. – Алматы, 1999. Т. 1. – С. 97.
15. Аверянова Т.В. Судебная экспертиза. Курс общей теории. – М., 2006. – С. 182.
16. Соколовский З.М. Понятие специальных знаний: К вопросу об основаниях назначения экспертизы // Криминалистика и судебная экспертиза. – Киев, 1969. Вып. 6. – С. 200.

С.Рахмонова,

старший научный сотрудник-соискатель ТГЮУ,
кандидат юридических наук, доцент

ТИПОВЫЕ ФОРМЫ СТАДИИ НАЗНАЧЕНИЯ СУДЕБНОГО ЗАСЕДАНИЯ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

Аннотация: в данной статье проведен историко-правовой анализ типовых форм стадии назначения дела к судебному разбирательству; исследованы и классифицированы подходы к типологизации форм производства; рассмотрены основные модели исторических форм стадии назначения судебного заседания.

Ключевые слова: уголовный процесс, суд, судья, исторические модели, стадии назначения дела, судебное разбирательство, типовые формы, судебное заседание.

Аннотация: мазкур мақолада ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичининг типик шаклларининг тарихий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилиб, иш юритуви шаклларининг типологизациясига нисбатан ёндашувлар тадқиқ этилган ва таснифланган. Шунингдек, ишни судда кўриш учун тайинлаш тарихий шаклларининг асосий моделлари ўрганилган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, суд, судья, судда кўриш учун тайинлаш тарихий шакллари, судда кўриш учун тайинлаш босқичининг типик шакллари.

Annotation: in this article based on law-historical analysis of typological forms of appointing criminal case for trial; research and classification typological form of appointing criminal case for trial; main models of historical forms of judicial activities in criminal proceedings.

Key words: criminal procedure, court, judge, typological form of appointing criminal case for trial, models of historical forms, judicial activities of criminal proceedings.

На данном этапе развития государства, его судебной и правовой системы как никогда становится актуальным вопрос о создании оптимальных форм уголовного судопроизводства, позволяющих в максимальной степени защищать интересы лиц, вовлеченных в орбиту уголовного процесса. Укрепление роли суда как органа, разрешающего дела по существу, освобождение его от несвойственных функций обвинительного характера, развитие принципа состязательности, расширение прав обвиняемого, защитника, усиление и развитие института судебного контроля за деятельностью органов предварительного расследования и осуществление иных элементов судебно-правовой реформы вызвало необходимость исследования проблем назначения уголовных дел к судебному разбирательству, особенностей принятия решений о дальнейшей судьбе уголовного дела на данной стадии уголовного судопроизводства.

Перед уголовно-процессуальной наукой стоит задача разработки теоретических вопросов, связанных с реализацией судьей своих полномочий по назначению дела к судебному разбирательству, с практикой применения процессуального закона и научных рекомендаций в расследовании и при осуществлении судебного контроля за материалами расследования в стадии назначения судебного заседания.

Вместе с тем в исследовании порядка назначения уголовных дел к судебному разбирательству немало

положений, развитых недостаточно. Необходимо выявление факторов, негативно влияющих на эффективность деятельности судьи при проверке материалов предварительного следствия. Требуется научно-практически обоснованная разработка вопросов внедрения института предварительного слушания как альтернативной формы предания суду на данном этапе судопроизводства. Необходимо определение уголовно-процессуального порядка допуска сторон на стадию назначения судебного заседания и определения их полномочий. Необходимо развить теоретические основы состязательности в условиях стадии назначения судебного заседания.

Нуждается в дальнейшем исследовании и вопрос о характере допускаемых органами предварительного расследования нарушений уголовно-процессуального закона и признании их существенными или несущественными, препятствующими либо не препятствующими дальнейшему движению уголовного дела, о способах и формах исследования доказательств на стадии назначения дела к судебному разбирательству, о праве и обязанности судьи участвовать в доказывании. Практически не исследован порядок принятия решения о недопустимости доказательств на стадии назначения судебного заседания.

Все эти вопросы возможно оптимально решить внедрением альтернативной формы назначения уголовного дела к судебному разбирательству – предварительным слушанием дела.

Стадия назначения дела к судебному заседанию (предания суду) всегда занимала особое место в системе уголовного судопроизводства, с одной стороны, выполняя контрольные задачи по отношению к досудебному этапу производства по делу; с другой - реализуя комплекс задач по подготовке оптимальной системы условий для рассмотрения и разрешения дела, по существу. Соответственно этим задачам законом регламентирована процессуальная форма предания обвиняемого суду, предмет и пределы проверки суда на этом этапе, круг участников стадии, их процессуальные права и обязанности, виды возможных, в том числе итоговых, решений суда [1,4-стр.].

По мнению О.В. Волколуп, именно на стадии назначения судебного заседания проверяется не только законность и обоснованность осуществления следственных действий, но и законность возбуждения уголовного дела, устанавливается наличие или отсутствие препятствий к дальнейшему судебному рассмотрению дела, соблюдение прав и законных интересов заинтересованных лиц, проверяется исполнение органами расследования требований уголовно-процессуального закона в отношении порядка собирания, исследования и оценки доказательств и т.п. [2, 18-стр.].

Изучение исторического прошлого стадии назначения судебного заседания имеет большое значение для ее научного исследования. Анализ исторических форм этой стадии позволяет выявить закономерности в развитии процессуального законодательства, изменение взглядов на сущность и задачи стадии, позволяющее определить пути совершенствования законодательства, регулирующего порядок судопроизводства.

Важным этапом научного исследования истории стадии является типологизация ее исторических форм. Типологизация представляет собой разделение всего многообразия исторических форм этой стадии (как в законодательстве одного государства, так и це-

лого ряда государств) на группы, обладающими общими признаками. Основание классификации, таким образом, является определяющим для выделения тех или иных исторических форм стадии назначения судебного заседания.

На стадии назначения судебного заседания используются два подхода к типологизации форм производства.

Первый подход условно можно назвать морфологическим или **национальным**. Он представляет собой выделение национальных форм стадии назначения судебного заседания: английской, французской и т.д. В качестве первой формы стадии предания суду рассматривается английская модель, причем как в форме назначения судебного заседания большим жюри, так и в единоличной форме.

Морфологический метод типологизации форм судопроизводства в рассматриваемой стадии позволяет выявить национальные особенности производства, увидеть конкретные различия между процессуальными нормами государств романо-германской, англосаксонской правовых систем.

Вместе с тем, такой подход имеет и определенные недостатки.

Во-первых, он не позволяет с точностью обозначить признаки конкретной исторической модели стадии назначения судебного заседания. Выше уже указывалось, что рассматривая, например, форму назначения судебного заседания в Великобритании, автор анализирует существенно различающиеся в разные исторические периоды формы производства на этой стадии. Во-вторых, такой подход является описательным и не позволяет выявить какой-либо закономерности развития стадии назначения судебного заседания и ее процессуальных институтов. В-третьих, он создает сложности в поиске способов (путем исторической аналогии) разрешения проблемных ситуаций, возникающих в современном производстве на стадии назначения судебного заседания. Поэтому нам представляется, что современный подход к типологизации форм производства на рассматриваемой стадии уголовного процесса должен учитывать лишь отдельные аспекты морфологического метода.

Другим, наиболее распространенным, подходом к типологизации форм производства на стадии назначения судебного заседания является **идеальный подход**, основанный на выделении идеальных моделей судопроизводства, представляющих собой сочетание признаков различных конкретно исторических форм производства на стадии назначения судебного заседания. Основоположниками этого подхода к типологизации форм производства явились представители русской школы дореволюционного уголовного процесса. Так, Н.Н.Розин пишет о существовании «трех господствующих порядков» стадии назначения судебного заседания [3,649-стр.].

Первым порядком, характерным для обвинительного типа процесса, является предание суду «самим обвинителем». Вторая форма – предание суду «особым составом суда присяжных». В качестве третьего порядка назначения судебного заседания автор рассматривает «предание суду по постановлению судебного места в случае признания таковым существования в результатах произведенного следственного производства достаточных данных для предания обвиняемого суду», т.е. «порядок, ставящий деятельность прокурора под контроль судебного установления».

Здесь рассматривается соотношение между этими порядками назначения судебного заседания, подчеркивается их достоинства и недостатки. К достоинствам, например, первой формы назначения судебного заседания Н.Н.Розин относит ускорение хода производства и «экономия сил органов судебной власти». Недостатками такой формы, по мнению автора, является опасность этой процедуры «для публичных и в особенности личных интересов, затронутых процессом». Вторая форма стадии назначения судебного заседания «предоставляя разрешение вопроса о предании суду представителям общественной совести в состоянии в большей мере обеспечить интересы обвиняемого и предупредить безосновательное предание его суду». К недостаткам этой формы назначения судебного заседания относится «поспешность с которой он действует на практике... Поверхностность и односторонность его суждений». По мнению Н.Н.Розина, третья форма предания суду представляет наибольшие гарантии для интересов подсудимого. Основной причиной такого вывода является то, что «не орган обвинительной власти, а суд, не заинтересованный в исходе дела и по самой организации своей являющийся органом, приспособленным законом к беспристрастности суждения, решает вопрос о том, существуют ли достаточные данные для предания суду» [3, 650-стр.].

Практически аналогичный подход к типологизации форм производства на рассматриваемой стадии придерживал и И.Я. Фойницкий [4, 408-стр.], который выделял две формы стадии: обвинительную и судебную.

Позитивными сторонами рассмотренной типологии форм стадии назначения судебного заседания являются следующие моменты: во-первых, эта типологизация – первая попытка системного анализа норм процессуального права, регулирующих производство на рассматриваемой стадии. Это позволило выявить некоторые тенденции развития данного института, сопоставить формы стадии в одном государстве, но в различные исторические периоды. Во-вторых, сторонники приведенной типологии выделяют действительно важный признак, являющийся классификационным основанием - орган, который осуществляет предание суду. Можно полностью согласиться с позицией, состоящей в том, что судебская деятельность привносит в данную стадию процесса больше самостоятельности, гласности и непосредственности, что, в конечном итоге, служит защите прав обвиняемого.

Эта концепция выявляет объективную историческую закономерность, состоящую в том, что умаление демократических начал в уголовном судопроизводстве сопровождается преобразованием судебного-ревизионного порядка предания суду в обвинительный. Достоинством приведенной типологизации является также и возможность сопоставления национального законодательства, регулирующего производство на стадии назначения судебного заседания (в том числе и современного), с аналогичными нормами зарубежных стран, причем в рамках каждой из трех обозначенных моделей.

Вместе с тем, приведенная типологизация имеет и определенные недостатки, часть которых проявилась именно в современный период развития уголовно-процессуального права. Так, например, в настоящее время является неактуальным выделение обвинительной формы назначения судебного заседания, поскольку в законодательствах тех государств, которое

ранее предусматривало эту форму предания суду (Шотландия, Норвегия), были внесены соответствующие изменения, исключившие указанную процедуру и передавшие решение вопроса о назначении судебного заседания в компетенцию суда. В других государствах, где обвинительная форма предания суду была обусловлена возникновением тоталитарного государственного строя (фашистская Германия, Италия), она была ликвидирована одновременно с законодательством этих государств. Таким образом, можно сделать вывод, что в настоящий момент указанная типологизация не является в полной мере актуальной.

Другой недостаток приведенной типологизации состоит в том, что обозначение в качестве классифицирующего признака - субъекта, принимающего решение о предании обвиняемого суду, позволяло объединить в рамках одной формы стадии назначения судебного заседания радикально различающиеся между собой процедуры стадии. В рамках судебно-ревизионной формы предания суду объединялись назначение судебного заседания большим жюри (Великобритания), характеризующееся действием принципа состязательности, общих условий гласности и непосредственности, а также процедура предания суду по итальянскому фашистскому УПК 1930 г., который исключал все названные гарантии. Поэтому, указанный классифицирующий признак не является в достаточной степени конкретным, чтобы обеспечить единообразие процедуры всех исторических разновидностей стадии назначения судебного заседания в рамках каждой из трех названных форм.

Кроме того, приведенная типологизация не отражала в полной мере динамики развития уголовно-процессуального права и не объясняла с исчерпывающей полнотой причины трансформации форм рассматриваемой стадии.

Таким образом, в науке уголовно-процессуального права возникла необходимость в выработке типологии форм стадии назначения судебного заседания, с одной стороны, отвечающая современным реалиям уголовного процесса, а с другой стороны, содержащая указания на такой классифицирующий признак, который позволяет разделить разнообразные процедуры этой стадии на однородные группы.

Значение такой типологизации состоит не только в обновлении научных взглядов на стадию предание суду, но и в том, что она обеспечит выполнение наукой уголовно-процессуального права прогностической функции в области развития уголовно-процессуального законодательства. Она позволит выявить глубинные причины проблемных ситуаций, возникающих в практике современного российского уголовного судопроизводства, и предложить пути их эффективного решения.

Представляется, что классифицирующим признаком для типологизации форм стадии назначения судебного заседания является сочетание трех признаков данной стадии:

- уровень реализации состязательных начал;
- пределы полномочий органа, назначающего судебное заседание;
- приоритетные задачи стадии.

Между указанными признаками стадии наблюдается определенная взаимосвязь. В том случае, если приоритетными задачами стадии выступают защита прав обвиняемого и исключение возможности необос-

нованного предания его суду, форма стадии характеризуется состязательной процедурой рассмотрения вопросов и достаточно широкими полномочиями судьи. Указанные полномочия должны быть достаточными для гарантии прав обвиняемого и включать в себя право судьи прекращать уголовное преследование, в том числе по реабилитирующим основаниям.

В том случае, если задачей стадии выступает исключительно судебный контроль за качеством предварительного расследования, и проверка возможности рассмотрения дела в суде - это не вызывает с необходимостью обязательность состязательной процедуры стадии, а также широкий круг полномочий судьи.

Указанный классифицирующий признак позволяет выделить три модели стадии назначения судебного заседания:

- **Состязательно-обеспечительная модель**, характеризующаяся следующими признаками: рассмотрение всех вопросов стадии в форме судебного заседания; состязательность процедуры; обязательное участие обвиняемого и защитника; широкий круг полномочий судьи, включающий право на прекращение уголовного дела.

В такой модели предания суду проявляются основные начала обеспечительного типа судопроизводства в сочетании с состязательным построением процедуры, что предопределяет ее наименование.

Общими характеристиками состязательно-обеспечительной модели судебного заседания, проявляющимися в ее конкретно исторических формах, являются:

1. Наличие процедуры состязательного (пусть даже с ограничениями) исследования доказательств обвинения для решения вопроса об их достаточности, а в отдельных случаях и достоверности для передачи уголовного дела в суд на рассмотрение по существу.

2. Чрезвычайно широкие полномочия судьи либо большого жюри, которое вправе отклонить обвинительный акт и прекратить производство по делу, в том числе по основанию неподтвержденности обвинения доказательствами.

3. Наличие у обвиняемого права участвовать в указанных судебных процедурах с правами, практически аналогичными его правам в судебном заседании при рассмотрении дела по существу.

4. «Автоматическое» прекращение уголовного дела в случае неутверждения обвинительного акта.

- **Ревизионно-розыскная модель**, признаками которой являются: назначение заседания судьей вне рамок судебного заседания; несостязательная процедура; сокращенный набор полномочий судьи, как правило, не включающих в себя право судьи прекращать производство по уголовному делу.

Особенностями данной модели предания суду является существенное ограничение состязательных начал при рассмотрении вопросов в этой стадии, необходимость (чаще всего отсутствие) четко регламентированной процедуры разрешения этих вопросов.

Рассматриваемая модель стадии назначения судебного заседания характеризуется, с одной стороны, ревизионным характером, с другой стороны, розыскным типом процедуры.

- **Смешанная модель** предполагает либо существование альтернативы между вышеуказанными моделями в законодательстве одного государства, либо проведение стадии назначения судебного заседания в

комбинированной форме, состоящей одновременно из процедур первой и второй модели.

Данная модель стадии назначения судебного заседания предполагает закрепление в законодательстве как минимум двух форм производства, одна из которых соответствует признакам состязательно-обеспечительной модели предания суду, другая – ревизионно-розыскной.

Как правило, в качестве основной модели предусматривается ревизионно-розыскная, а состязательно-обеспечительная модель имеет субсидиарный (дополнительный) характер. Данной позиции придерживаются также ряд авторов, исследовавших вопросы типологии стадии назначения дела к судебному разбирательству [5, 1106-стр; 6, 51-55-стр].

В заключении следует отметить, что анализ исторических моделей стадии назначения судебного заседания свидетельствует о наличии определенной тенденции в ее развитии, которая просматривается в общеисторическом масштабе и состоит в усилении состязательных начал и одновременном ограничении розыскных элементов ее процедуры. Как было показано выше в настоящее время, лишь небольшое число уголовно-процессуальных систем содержит розыскную модель стадии. В остальных – эта модель является либо альтернативой состязательной модели, либо ликвидирована вовсе. Данная тенденция, обусловлена, как это уже отмечалось выше, постепенным распространением международно-правовых стандартов (в том числе Европейских) практически на все стадии уголовного судопроизводства. Доктрина справедливо судебного разбирательства заставляет законодателя обеспечивать состязательную процедуру стадии назначения судебного заседания, даже если традиционно данная стадия соответствовала розыскной модели.

Список литературы:

1. Лупанова С.В. Предварительные слушания как форма подготовки дела к судебному разбирательству в российском уголовном процессе: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук, 2006. – С. 4.
2. Волкалуп О.В. Подготовка уголовных дел к судебному разбирательству в Российском уголовном процессе: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Кубанский государственный университет. –Краснодар, 1997. – С. 18.
3. Розин Н.Н. Уголовное судопроизводство. –Санкт-Петербург, 1914. – С. 649.
4. Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. – Санкт-Петербург, 1996. –С. 408.
5. Кобылинская С.В., Баранников А.А. Стадия подготовки дела к судебному заседанию в современном российском уголовном судопроизводстве. Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. 2014. № 95. – С. 1106.
6. Мартыняхин Л.Ф. Сущность судебных правомочий по подготовке судебного разбирательства уголовного дела. Вестник Томского государственного университета. Право. 2012. –№ 4. –С. 51-55.

Қ.Маткаримов,

ТДЮУ катта илмий ходим – изланувчиси

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ ГУМАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ – ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Аннотация: мазкур мақолада жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш масаласига жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини янада мустаҳкамлашнинг муҳим мезони сифатида баҳо берилган. Ишда жиноят-процессуал фаолият, жиноят-процессуал муносабатлар ва жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш каби тушунчалар атрофлича таҳлил қилинган, уларнинг жиноят-процессуал аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мақолада бугунги кунда жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштиришнинг долзарб жиҳатларига урғу берилган.

Калит сўзлар: гуманизм, жиноят-процессуал фаолият, жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш, суд-ҳуқуқ ислохотлари, жиноят процессининг инсонийлиги, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазибалари, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш.

Аннотация: в данной статье дана оценка вопросам гуманизации уголовного судопроизводства в качестве важного критерия для оценки укрепления гарантий прав и свобод человека. Проанализированы понятия, такие как уголовное судопроизводство, уголовно-процессуальные отношения и гуманизация уголовного судопроизводства. Кроме того, в статье освещаются важные аспекты гуманизации уголовного судопроизводства.

Ключевые слова: гуманизм, уголовно-процессуальная деятельность, гуманизация уголовного судопроизводства, судебно-правовая реформа, гуманность уголовного процесса, задачи уголовного законодательства, предупреждение преступности.

Annotation: in this paper were analyzed issues of the humanization of criminal justice as an important criterion to assess the strengthening of guarantees of rights and freedoms. It analyzes the concept such as criminal justice, criminal procedure relationships and humanization of the criminal proceedings. In addition, the article highlights the important aspects of the humanization of the criminal proceedings.

Keywords: humanism, criminal procedure, the humanization of the criminal proceeding, judicial and legal reform, humanity of criminal proceeding, the task of the criminal proceeding, crime prevention.

Тарихан қисқа давр мобайнида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида туб ислохотлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “уч субъект – давлат, жамият ва инсон манфаатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-бобларимиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади” [1, 26-27-бет]., деб ижтимоий муносабатларни тартибга солишга янги

ёндашувларни жорий этиш лозимлигини таъкидлади. Жумладан, мамлакатимизда “давлат-жамият-шахс” тизимидаги муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари “шахс-жамият-давлат” тизими асосида қайта шакллантирилди ва барча жабҳаларда мазкур мувозанатга асосланган ҳолда инсон манфаатлари биринчи даражага кўтарилди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислохотлар негизида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассамдир [2, 2-бет].

Изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар натижасида 1994 йилда янгича ёндашувларни ўзида акс эттирган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди, 2001 йилдан умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилди [3], жиноят процессига апелляция тартибида иш юритиш, ярашув институтлари жорий қилинди, кассация ва назорат тартибида иш юритиш институтлари ислохот этилди [4], 2008 йилдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди [5], адвокатура институти такомиллаштирилиб, жиноят ишларини юритишда тарафларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлашда самарали чоралар кўрилди [6], 2012 йилдан шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш судларнинг ваколатига ўтказилди [7], 2014 йилдан жиноят-процессуал қонунчиликка қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чорасига муқобил эҳтиёт чораси – уй қамоғи киритилди [8] ва ҳоказо [9].

Шу билан бирга, бугунги кунда жиноят ишлари юритувини янада гуманизациялаштириш долзарб ҳисобланади.

Жиноят ишларини юритишни гуманизациялаштириш масаласи юзасидан назарий-олимплар томонидан турли нуқтаи назарлар мавжуд. Хусусан, Ю.А.Ляхов фикрига кўра, жиноят процессининг гуманизми деганда, фуқароларни жиноий тажовулардан ҳимоя қилишни ва жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш мумкинлигига бўлган ишончни тушуниш лозим деган [10, 25-бет]. Баъзи бир олимплар инсон шахсининг қимматини эътироф этиш, унинг шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни [11, 143-бет]; Қайд этиш лозимки, юридик фанда “жиноят процесси” ва “жиноят ишларини юритиш” бир хил тушунчалар, деб қаралади [12, 7-бет]. “Жиноят процесси” ва “жиноят ишларини юритиш” деганда, процесс барча иштирокчиларининг жиноят ишларини кўзгатиш, тергов қилиш, судда кўриш ва ҳал этишга қаратилган, суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва суднинг ҳал қилувчи ролига асосланган фаолияти тушунилади.

Бизнинг назаримизда, жиноят ишларини юритишда гуманизмнинг моҳияти ва мазмунини аниқлаш учун қуйидагиларни тадқиқ этиш лозим: 1) жиноят-процессуал муносабатлар замирида қандай асослар берилиши; 2) жиноят ишларини юритишда гуманистик муносабатларнинг қайси турлари ўз ифодасини топишини, шунингдек умуман жиноят процессида инсонийлик принципи қўлланилиши.

Жиноят ишларини юритишда ўз ифодасини топган барча маънавий қадриятларни мазкур тадқиқот иши доирасида кўриб чиқишнинг иложи йўқ, шу сабабли, биз уларнинг инсон фаолиятининг мазкур соҳаси учун муҳим аҳамият касб этадиган жиҳатларигагина тўхталиб ўтаемиз.

Жиноят-процессуал муносабатлар – бу процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида жиноят процесси иштирокчиларининг жиноят ишини кўзгатиш, тергов қилиш, кўриб чиқиш ва ҳукм қилиш бўйича жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларидир [13, 19-бет]. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноят ишларини юритишнинг мақсад ва вазифалари ЖПКнинг 2-моддасида баён этилган. Жиноят-процессуал муносабатларнинг хусусияти шундан иборатки, ҳар доим мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида давлат унинг ҳокимият ваколатлари берилган давлат органлари ва мансабдор шахслари сиймосида, бошқа томонида эса – жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, яъни ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўлган фуқаролар ёки юридик шахслар туради. Шу туфайли ҳам, энг аввало, жиноят ишларини юритишнинг мақсадлари, вазифалари ва воситалари умуминсоний қадриятлар билан мос келадими, деган саволга жавоб топиш ўринли бўлади.

Жиноят процессининг мақсади тўғрисида турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, Ғ.Абдумажидов жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ягона вазифаси қонунни тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан, ишнинг барча ҳолатларини аниқлаш эса, юз берган воқеани, ҳақиқатни аниқлашдан иборатдир [14, 13-бет], деб таъкидлайди. Бизнингча, бу борада Ўзбекистон Республикаси ЖПК 2-моддасида қайд этилганидек ҳамда С.Саҳаддинов тўғри таъкидлаганидек [15, 7-бет], жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартиби уч мақсадга хизмат қилади: 1) қонунийликни мустаҳкамлаш; 2) жиноятларнинг олдини олиш; 3) шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя этишдир.

Ҳеч шубҳасиз, жиноят процессининг мақсади гуманистик хусусият касб этади, чунки унга эришиш учун у ёки бу даражада гуманистик вазифаларни ҳал этиш, чунончи: фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек жамият манфаатларини муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш, фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш руҳида тарбиялашни амалга ошириш, жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдор шахсларни фош этиш, қонун тўғри қўлланишини таъминлаш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддасида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш тушунчасига қуйидагича муаллифлик таъриф бериш мақсадга мувофиқдир:

“Жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш – бу жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда жиноят ишини кўзгатиш, тергов қилиш, судда кўриб чиқиш, ҳукм қилиш, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг асослиги ва адолатлилигини текширишда гуманистик муносабатларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш соҳаларини миқдор жиҳатидан жамлаш ва сифат жиҳатидан ўзгартиришдан иборат бўлган ривожланиш жараёнидир”.

Қайд этиш жоизки, жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштиришни тадқиқ қилиш қуйидаги мезонлар туйғайли ҳам долзарб аҳамият касб этади:

Биринчидан, жиноят ишларини юритишда гуманистик қадриятлар қуйидаги ҳолатлар мавжудлиги сабабли ҳам муҳим аҳамият касб этади:

1) умуминсоний қадриятлар жиноят процесси вазибаларини ҳал этиш учун имконият яратади – жиноятларни тез ва тўла очишга, адолатли ҳукм чиқаришга ёрдам беради. Айни пайтда, жиноятни тергов қилишнинг сифати яхшиланади, унинг ҳолисоналиги, тўлиқлиги ва ҳар томонламалиги таъминланади. Хусусан, айбланувчи ўз айбига иқроор бўлиши иш бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларни тез аниқлашга, адолатли ҳукм чиқариш учун керакли далилларни тўплашга, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга ёрдам беради;

2) жиноят процесси иштирокчиларига инсонпарварликка асосланиб муносабатда бўлиш уларда маънавий фазилатлар ва ҳис-туйғулар – ота-оналик ва фуқаролик бурчи, ўз шаъни ва кадр-қимматини англаш, ўз қилмишлари учун масъулият, виждон, шу каби фазилатларни тарбиялашга кўмаклашади;

3) жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш ва уларни амалга ошириш учун шарт-шароитларни амалда яратиш давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустақкамлайди, жамият манфаатларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлайди, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиши органларига бўлган ишончини кучайтиради;

4) гуманистик қадриятлар жиноят ишларини юритиш вазибаларини инсонга жамиятнинг энг олий қадрияти сифатида ёндашишдан иборат ҳозирги замон талаблари билан мос келадиган маърифатли воситалар ёрдамида ҳал этишни таъминлайди;

5) жиноят процессининг гуманистик асослари мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришга ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ва халқаро ҳамжамиятда гуманизациялаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашади;

Иккинчидан, ўрганилган суд амалиёти материаллари (ҳукмлар) таҳлили жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашда, жиноят ишлари юритувида гуманистик мезонларга амал қилишда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, биргина 2014 йилнинг ўзида 20 та жиноят иши кўшимча терговга қайтарилиб, 3 та оқлов ҳукми чиқарилган [16, 1-бет]. Бу эса, ҳанузгача суд-тергов амалиёти ходимларининг айримлари соҳадаги билимларнинг етарли эмаслиги, умуман олганда, қонунни нотўғри тушуниш ва қўллаш, жиноят процессида инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, жиноят процессуал қонун ҳужжатларини, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасига оид нормаларни қўллаш амалиётини янада яхшилаш зарурати юзага келган.

Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, соҳа мутахассислари ва олимлар ўртасида ўтказилган сўровда, “Сизнингча, жиноят ишларини юритиш жараёнида йўл қўйиладиган ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби нимада?” деган саволга респондентларнинг 20 фоизи жиноят-процессуал нормаларнинг зиддиятчилиги ва мукамал

эмаслигини, 25 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигининг етарли даражада эмаслиги, яна 25 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маънавий маданияти етарли даражада эмаслиги, 15 фоизи жиноят ишларини юритиш жараёнида юзага келадиган турли тазйиқлар, сиртдан кўрсатиладиган босим, яна 15 фоизи эса, иш ҳажмининг кўплиги асосий сабаб бўлишини қайд этишган.

Жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштиришни тадқиқ этиш орқали қайд этилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади;

Учинчидан, Шу сабабдан, олим ва мутахассислар томонидан мамлакатимизда жиноят ишларини юритиш босқичларини гуманизациялаштиришга оид турли мулоҳазалар билдирилмоқда. Жумладан, З.Иноғомжонова тергов ҳаракатларидан: мурдани эксгумация қилиш (ЖПК, 148-модда), эксперимент ўтказиш (ЖПК, 154-модда), олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш (ЖПК, 161-модда), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПК, 166-модда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПК, 170-модда) кабилар учун ҳам розиликни суд бериши керак [17, 67-бет], деб қайд этади. Бошқа олимлар томонидан ҳам шу каби фикрлар илгари сурилиб, турли даражада асослаб берилмоқда.

Туртинчидан, бугунги кунда халқаро ҳужжатлар таҳлили ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасига асосланиб ҳамда миллий манфаатларимизга таяниб, жиноят ишларини юритишнинг замонавий ҳамда самарали усул ва воситаларини миллий қонунчиликка ва амалиётга татбиқ этиш, бу соҳадаги белгиланган ЖПК нормаларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 26-27.
2. Ҳайитов О., Мелибоев Т. Уй қамоғи эҳтиёт чораси: уни қўллашнинг қонуний асослари тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси, 2015 йил, 2-сон. – Тошкент, 2015. – Б. 2.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., № 7-8.; “Судлар тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001 й., 1-2-сон, 11-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 й., 8-сон, 294-

модда.; Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги ПФ-3993-сон “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 18-сон, 144-модда.; Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 433-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. // Халқ сўзи газетаси, 2015 йил 21 август, 164 (6347)-сон.

10. Ляхов Ю.А. Новая уголовно-процессуальная политика. – Ростов, 1992. – С. 25.

11. Епифанов Б.В. Принцип социальной справедливости в уголовном праве. Дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 1993. – С. 143.

12. Уголовный процесс: Курс лекций / Под ред. В.И.Рохлина. – СПб., 2001. – С. 7.

13. Уголовный процесс Республики Узбекистан: Учебник / Б.А.Миренский, Б.Т.Акрамходжаев, Д.М.Миразов, А.Х.Рахманкулов, В.В.Кадырова, Д.Камалходжаев. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. – С. 19.

14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. / Ғ.Абдумажидов, А.Алламуратов, З.Иноғомжонова ва бошқ. – Тошкент: ТДҶОИ, 2009. – Б.13.

15. Саҳаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 7.

16. Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2014 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. – Тошкент, 2015. – Б. 1.

17. Иноғомжонова З. Жиноят процессида суд назоратининг ҳуқуқий табиати. // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси, 2006 йил, 2-сон. – Тошкент, 2006. – Б. 67.

Н.Хайриев,

ТДҶОИ катта илмий ходим-изланувчиси,
юридик фанлар номзоди

МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИК – ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ МУҲИМ ПРИНЦИПИ

Аннотация: мазкур мақолада жиноят процессида мақсадга мувофиқлик принцигига доир ғоялар ва бу борадаги олимларнинг фикрлари баён этилган. Шунингдек, унда жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи мақсадга мувофиқлик принципи ғояларига доир фикр-мулоҳазалар юритилиб, таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: жиноят-процессуал, принцип, жиноят иши, одил судлов, ғоя, процессуал ҳуқуқ, жабрланувчи, айбланувчи, жиноий таъқиб, мақсадга мувофиқлик.

Аннотация: в настоящей статье освещены идеи касательно принципа целесообразности в уголовном процессе, изложены мнения и взгляды ученых по этому вопросу. Также изложены суждения касательно взглядов, идей и мнений о принципе целесообразности, регулирующем уголовно-процессуальные отношения, даны соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: уголовно-процессуальный, принцип, уголовное дело, правосудие, процессуальное право, потерпевший, обвиняемый, уголовное преследование, целесообразность.

Annotation: in this article author had searched the ideas on the principle of the expediency in the criminal proceeding and given the opinions, positions of the scientists about this matter. Also in this article author had given his opinions about opinions and ideas on the principle of the expediency, regulated the criminal proceeding relations as well as given his suggestions and recommendations.

Key words. the criminal proceeding, the principle, the criminal case, justice, the law of procedure, complainant, accused, criminal prosecution, the expediency.

Маълумки, процессуал муддатларнинг қонунда ўрнатилганлиги, унинг ЖПКдаги бошқа принцип – қонунийликка тааллуқли эканлигига оид фикрларни вужудга келтиради. Илмий жамоатчилик орасида шундай таклифлар ҳам мавжуд. Чунончи, В. Н. Баландиннинг фикрича, барча юридик процессларнинг марказида қонунийлик принципи жой эгаллаган, шу сабабдан, унинг ғояси бевосита процессуал қонуннинг вазифаларида акс этади ҳамда қолган принципларнинг вужудга келишига асос бўлади [1, 3-бет.].

Албатта, ушбу нуқтаи назарни умумий тарзда маъқуллаш мумкин. Лекин, шу билан бирга таъкидлаш жоизки, қонунийлик мавҳум ғояни, яъни жиноят процессининг моҳитини акс эттириб, унинг мазмуни бевосита жиноят-процессуал нормаларга жойлашган процессуал қоидалар ва ҳаракатлар тартибида намоён бўлади ҳамда процессуал фаолиятлар воситасида рўёбга чиқади. Процессуал ҳаракатларнинг турлитуманлиги ва уларни жиноят-процессуал қонуннинг вазифаларига мос келувчи бошқа аниқлаштирилган устувор ғоя – қоидалар билан тартибга солиш эҳтиёжи,

юримди принциплар тизимини шакллантиришга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Россия Федерациясида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда таҳлил этилаётган масалада янада илдамроқ фикрлар илгари сурилмоқда. Жумладан, О.В. Логуновнинг фикрича, жиноят процессига умумий тарзда мақсадга мувофиқлик принципини жорий этиш зарур. Унинг яна ёзишича, мазкур принципнинг тушунчаси нафақат жиноят-процессуал қонунчиликдаги мақсадга мувофиқ муддатларни ўз ичига олади, балки у билан боғлиқ бошқа масалаларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Чунинчи, муаллиф булар қаторига: жиноий таъқибни мақсадга мувофиқ ҳолатларда бошлаш ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолатларда уни юритишни рад этиш каби масалаларни ҳам киритади [2, 377-бет.].

Жиноят процессига бундай “мақсадга мувофиқлик” принципи бегона эмас, балки у муайян тарихий асосларда шаклланган ҳамда ушбу принципини бугунги кунда айрим ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида кўриш мумкин. Масалан, ГФРнинг ЖПКда ушбу принцип унинг тизимидан ўрин эгаллаган. ГФР ЖПКнинг 153-моддасида мақсадга мувофиқлик ҳолатининг қуйидаги тушунчаси ифода этилган: агар жиноят процессининг предмети кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик ишлари ташкил қилса, прокуратура ваколатли суднинг розилигини олган ҳолда, мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабидан жиноий таъқиб юритувини қўзғатишни рад қилишга ҳақлидир [3].

Аммо, шу қонунда белгиланган қоидага кўра, прокурорнинг бундай қарорга келиши учун икки муҳим шарт мавжуд бўлиши зарур. Булар:

- ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг айби кам аҳамиятли эканлиги;
- жиноий таъқибни амалга ошириш оммавий манфаатларга етарли хизмат қилмаслиги.

Аммо қайд этилган моддада бу масалада яна бир қўшимча процессуал шарт эътироф этилган. Унга кўра, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонунда энгил жазо белгиланган бўлиши лозим.

Шунингдек, агар содир этилган шундай хатти-ҳаракат бўйича жиноят иши қўзғатилган бўлса, қайд этилган шартлар мавжуд бўлган ҳолатда, жиноят иши прокурорнинг ҳамда жиноят иши қўзғатилган шахснинг розилигини олган ҳолда, суд томонидан тугатилиши мумкин (ГФР ЖПКнинг 152-моддаси, 2-банди).

Демак, ГФР ЖПКнинг мазкур нормаси қоидаларидан қуйидаги ўзига хос жиҳатларни англаб олиш мумкин.

Биринчиси, эътироф этилган тоифадаги ишлар бўйича жиноий таъқибни амалга оширишда мақсадга мувофиқлик принципининг мавжудлиги (яъни ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг айби кам аҳамиятли эканлиги туфайли жиноий таъқибни қўзғатишни рад этиш);

Иккинчиси, содир этилган қонунга зид ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфлилик даражаси пастлиги (қонунда ушбу ҳуқуқбузарлик учун энгил жазо қўллаш белгиланган бўлиши лозим);

Учинчиси, жиноий таъқиб фаолияти уни амалга оширувчи шахснинг ихтиёрига боғлиқ эканлиги (мансабдор шахснинг жиноий таъқибни амалга ошириш оммавий манфаатларга етарли хизмат қилмайди деган тўхтамга келганда, жиноий таъқибни қўзғатишни рад этиш);

Тўртинчиси, суд муҳокамасида жиноят ишини тугатиш учун жиноят иши қўзғатилган шахснинг розилигини олиш зарурлиги.

Жиноят процессида мана шундай қоидаларнинг белгиланиши, агар бу масалага вақт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, иш бўйича аниқ якуний натижага эришишга, яъни судлов юритувини вақтини қисқартиришга хизмат қилади. Аммо бу процессуал қоида, бошқа муҳим масалани, яъни жиноят-судлов юритувини жадаллаштиришни тизимли суратда ҳал қилмайди. Балки, жиноят процессининг дастлабки босқичида муайян процессуал ҳаракатни амалга ошириш орқали процессуал-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келишини мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли тугатиш тушунчасини назарда тутати.

Мазкур қоида барча тоифадаги жиноят ишларига тааллуқли бўлмаса-да, лекин уни принцип даражасига олиб чикувчи муҳим бир жиҳат мавжуд. У ҳам бўлса, мақсадга мувофиқликнинг жиноят процесси иштирокчиларидаги “ихтиёр”ни, яъни диспозитивлик принципини вужудга келтириш билан боғлиқдир. Диспозитивлик – бу субъектнинг муайян қарор қабул қилишда ўз ихтиёрини намоён қилиш ҳуқуқидир.

Шу билан бирга, асли фуқаролик-процессуал муносабатларни тартибга солиш усули ҳисобланувчи диспозитивликни жиноят-процессуал муносабатларда мавжудлиги, унинг ҳуқуқий мақоми борасида олимлар ўртасида узоқ вақтдан бери мунозара олиб борилса-да [4], лекин у ўзи назарда тутган ғоянинг мазмунидан келиб чиқиб, яъни муайян процессуал масалани ҳал қилиш ҳақидаги қарорни – ишда иштирок этаётган шахснинг ихтиёрига боғлиқ ҳолда қабул қилиш қоидасини жиноят процессининг принципи сифатида эътироф этиш жоиз.

Бундай процессуал-ҳуқуқий ғоя асосида жиноят-судлов ишлари юритувини ташкил қилиш мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилиги тажрибасида мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-586-моддалари назарда тутган ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш шакли амалда жабрланувчи ва айбланувчи (гумон қилнувчи, судланувчи)нинг ярашиш ихтиёрига асосланади. Албатта, ЖПКнинг 585-моддаси ушбу “ихтиёрлар”ни амалга ошириш шартлари сифатида: а) айбга чин кўнгилдан пушаймон бўлиш; б) жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш; в) ярашиш учун розилик; г) содир қилинган қилмишдан оғирроқ жиноят таркиби белгиларининг мавжуд эмаслиги кабиларни белгилаб қўйган.

Шунингдек, мамлакатимизда чоп этилаётган илмий мақолаларда таъкидланаётган ва жиноят-процессуал қонунига жорий этиш мақсадга мувофиқлиги **иддао** этилаётган “келишув сулҳи” тўғрисидаги процессуал тартибда ҳам [5, 25-бет.], кўпчилик ҳолларда жиноят процесси иштирокчиларининг “ихтиёри” зарур.

Демак, жиноят процесси учун муҳим бўлган ушбу икки ғоя, яъни (а) мақсадга мувофиқлик ҳамда (б) жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари ҳақидаги тушунчалар умумий процессуал-ҳуқуқий асосга ва ўзаро алоқага эга бўлса-да, лекин уларда алоҳида процессуал муносабатларни тартибга солишга тааллуқли жиҳатлар мавжуд. Мазкур тушунчаларни ажратиб турувчи процессуал омилларга қуйидагилар:

Биринчидан, процессуал муносабатларнинг келиб чиқиш асосларига мувофиқлиги тушунчаси бўлиб, унинг мазмуни шундан иборатки, қайд этилган икки

принцип ҳам (а) ўзига хос процессуал шартлар асосида вужудга келади. Масалан, мақсадга мувофиқлик принципи – фақат ишнинг кейинги ҳаракат йўналиши учун муҳим бўлган қарорни қабул қилиш имконига эга шахснинг ихтиёрига асосланади ҳамда мана шу ихтиёрни амалга ошириш тартиб ва қоидаларини кўриқлайди. (б) Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатларини ифода этувчи ғоя эса, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва процессуал-ҳуқуқий актларни қабул қилиш шартлари асосида вужудга келади;

Иккинчидан, процессуал муносабатларни келтириб чиқарувчи асосларга мувофиқлиги бу-таҳлил этилаётган процессуал ғояларни рўйбга чиқиши туфайли у вужудга келтирадиган муносабатлар ҳам ўзига хос фарқларга эга. Чунончи, мақсадга мувофиқлик принципи моҳиятдан жиноят-процессуал муносабатларнинг енгиллаштирувчи, яъни ё тугатиш, ёхуд муносабатларнинг енгилроқ шаклига қараб ривожланиш хусусиятини ифода этса (масалан, ярашганликка оид ишларни юритиш), мақсадга мувофиқ муддатлар принципи асослари қонунда белгиланган муддатларни назарда тутиш билан бирга, жиноят ишининг ҳуқуқий ва фактик мураккаблиги, жиноят процесси иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларининг жадаллиги, суд, прокурор, терговчи, тергов органининг бошлиғи, суриштирувчи ва суриштирув органининг бошлиғи томонидан ишни ўз вақтида кўриб чиқиш, иш бўйича олиб бориладиган ҳаракатларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда процессуал қарорларни ўз вақтида қабул қилиниши каби омилларни назарда тутати;

Учинчидан, процессуал ғоянинг қамрови билан боғлиқ ўзига хослик принципи бўлиб, мазкур принципларга алоқадор бўлган процессуал муносабатларнинг ҳажмига оид тушунчани киритиш мумкин. Жумладан, агар мақсадга мувофиқлик асосан процессуал муносабатнинг муайян тартибини вужудга келишида бевосита ишнинг юритувида иштирок этаётган шахс ихтиёри билан боғлиқ ҳуқуқий ҳолатни намоён этса, мақсадга мувофиқ муддатлар эса жиноят-судлов ишларини юритиш муносабатларининг вужудга келиши, кечиши ва тугатилишига оид яхлит жиноят процесси фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган вақти тўғрисидаги тушунчадан иборатдир. Албатта, ушбу муддатлар юритилаётган ишнинг тоифаси, хусусияти, жиноят ишини юритувчи шахсларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш жиҳатлари ва бошқа процессуал белгиларга монанд бўлиши мумкин.

Шунингдек, ишда қатнашаётган шахс(лар)нинг ихтиёри уни юритиш муддатларига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи) жабрланувчи билан ярашганда, ишнинг юритуви кейинчалик соддалашган тартибда амалга оширилиб, ишни юритишга сарф этиладиган вақт кескин қисқариши мумкин. Мақсадга мувофиқ муддатлар нафақат ишни юритишни қисқартиришни, балки ишни юритиш учун зарур бўлган вақтни назарда тутиб, айрим ҳолларда процессуал фаолиятни амалга ошириш муддатларини узайтириш имкониятларини ҳам ишга солади.

Юқорида юритилган таҳлиллар юзасидан қуйидаги хулосага келиш мумкин. Яъни жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари жиноят процессида вужудга келадиган, кечадиган ва ривожланадиган муносабатларни тартибга солиш

моделининг муҳим ғояси сифатида хизмат қилади. Ушбу принципнинг аҳамияти ҳам жиноят-судлов ишларини юритишнинг жадаллигини таъминлаш воситасида шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг муҳим ва жиддий кафолати сифатида мавжуд бўлишдан иборатдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Баландин В. Н. Принципы юридического процес-са: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов: 1998. – С.3.
2. Логунов О. В. Система принципов современного российского уголовного судопроизводства. –СПб.: 2004. – С.377.
3. Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. –М.: Манускрипт, 1994.
4. Муҳамедов Р. Фуқаролик процесси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Қонун ҳимоясида” нашр., 1999.; Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. –Т.: “Адолат”, 2002; Лукьянова Е.Г. Теория процессуального права. – М.: 2003; Хатуева В.В. Реализация частного (диспозитивного) начала в уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс... д-ра. юрид. наук. –М., 2006.
5. Туляганова Г.З., Файзиев Ш.Ф., Раҳманова С.М. Перспективы внедрения упрощенных процедур в уголовное судопроизводство Республики Узбекистан // Сборник материалов международного круглого стола: «Современные проблемы криминалистики», посвященного 60-летию профессора кафедры уголовного процессуального права и криминалистики Казахского Гуманитарно-Юридического Университета Ким К.В. 23 января 2015 года. Астана: ТОО «КазГЮУ Консалтинг», 2015. – С. 25.

Х. Очилов,
ТДЮУ мустақил-изланувчиси

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎЗЛАШТИРИШ ЎКИ РАСТРАТА ҚИЛИШ ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: мазкур мақолада ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ўки растрата қилиш жинояти объектив белгилари тушунчаси ва аҳамияти масалаларига тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари, мақолада компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ва ўзганинг мулкни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш каби тушунчаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: компьютер воситаси, ўзлаштириш, ўзганинг мулкни растрата қилиш, талон-торож қилиш.

Аннотация: в данной статье рассмотрены вопросы объективных признаков и значение хищения путем присвоения или растраты чужого имущества с использованием средств компьютерной техники, подробно освещены теоретические и практические аспекты таких понятий как хищение путем присвоения и растраты чужого имущества с использованием средств компьютерной техники.

Ключевые слова: компьютерная техника, присвоение, растрата чужого имущества, хищение.

Annotation: this article describes the issues and the importance of objective evidences of theft by embezzlement of another's property with the use of computer technology. In addition, the article discussed in detail theoretical and practical aspects of such concepts as theft by misappropriation and embezzlement of another's property with the use of computer technology.

Key words: computer technology, misappropriation, embezzlement of another's property, theft.

Мулқдор бўлиш ҳуқуқи ҳар бир инсонга тегишли бўлган муҳим иқтисодий ҳуқуқлардан бири эканлиги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ҳамда уларнинг асосий қоида ва тамойилларини ўзида сингдирган Республикамиз Конституциясида мустақамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича субъектив ҳуқуқ – фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли. Шунинг учун мулккий ҳуқуқни амалга оширишга қонунга асосланмаган ҳолда ҳар қандай аралашуш ушбу ҳуқуқни жиддий бузиш деб ҳисобланади [1, 116-бет].

Афсуски, сўнгги йилларда салмоғи ошиб бораётган ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари айниқса ўзлаштириш ўки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг кўпайиб бораётганлиги шахснинг мазкур конституциявий ҳуқуқларига тажовуз қилиб, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши йўлида жиддий ғов бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига биноан, охириги икки йилликда ўзлаштириш ўки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида эътироф этилган “компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ўки растрата қилиш” ҳолати қуйидагича: 2013 йилда 79 та, 2014 йилда 71 тани ташкил қилган.

Айниқса, жамиятнинг барча жабҳалари компьютерлаштирилиши туфайли ўзгалар мулкни

компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ўки растрата йўли билан талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайётганлигини кузатишимиз мумкин.

А.П.Аллаберганов таъкидланганидек, “компьютер ёрдамидан фойдаланиб талон-торож жиноятини содир этиш жуда мураккаб жиноятлар сирасига мансубдир” [2, 70-80-бетлар]. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ўки растрата йўли билан талон-торож қилишни квалификация қилишда унинг таркиби ўзига хос эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Хусусан, мазкур жиноят тури жиноят таркибининг ўзига хослиги билан бошқа талон-торож жиноятлари ва ахборот теҳнологиялари соҳасидаги ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқланади.

Умуман олганда, жиноятнинг объектив томони жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи томонини тавсифловчи белгилар йиғиндисидир. Жиноятнинг объектив томонини таҳлил қилмай туриб, шахснинг қилмишида жиноят аломатлари бор ўки йўқлиги тўғрисидаги хулосага келишнинг имкони йўқ. Л.Д.Гаухман “аниқ жиноят таркиби объектив томони - бу ижтимоий хавфлилик ва унинг даражасини ифодаловчи муайян жиноят тури белгилари учун хос бўлган, жиноят қонунда ўки бланкетли диспозиция ҳисобланган бошқа қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган жиноятнинг ташқи объектив, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган белгилари мажмуи ҳисобланади” [3, 94-бет], деб ёзади. Ю.И.Ляпунов эса, бу ҳақда шундай ёзади: “жиноят таркиби объектив томони - ижтимоий хавфли тажовузни ташқи жиҳатдан тавсифловчи, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга зарар етказувчи етарли ва зарур белгилар мажмуидир” [4, 87-бет].

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ўки растрата қилиш аввало объектив томондан мулккий муносабатларга тажовуз қилишда ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорида қайд этилишича, Олий суд жамиятда мулк ҳуқуқини эъзозлаш вазиятини вужудга келтириши лозимлигини, унга нисбатан ҳар қандай тажовузларнинг содир этилиши муқаррар жавобгарликка ва жазога тортилиши кераклигини таъкидлайди [5, 115-бет]. Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштирганлик ўки растрата қилганлик учун амалдаги ЖКда алоҳида моддада жавобгарлик назарда тутилмаган ҳамда ушбу қилмиш учун жавобгарлик ЖК Махсус қисмининг 167-моддасида назарда тутилган жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи қисмининг банди сифатида бериб ўтилган. Бундан ташқари бугунги кунда амалдаги Олий Суд Пленуми қарорлари тушунтиришларида ўки олимларнинг илмий изланишларида ҳам компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ўки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг объектив томони ҳаракатлари ҳақида умуман тушунча мавжуд эмас.

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ўки растрата қилишнинг объектив томонининг жиноий-ҳуқуқий тавсифини мазкур жиноятнинг тугалланган вақтини аниқлашдан бошлаш тўғри бўлади. Бу масала мазкур тоифадаги жиноятларни тўғри квалификация қилинишини

таъминлаш учун жуда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Одатда талон-торож билан боғлиқ жиноятларнинг тугалланиш вақти ушбу жиноятларнинг турларига боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Хусусан, талон-торож жиноятлари жиноят таркиби объектив томон хусусиятига кўра, кесик (босқинчилик ва товламачилик) ёки моддий (талончилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата ва ўғрилиқ) таркибли бўлади. Амалдаги жиноят қонунига кўра компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган Махсус қисм моддаларида айбдор ўзганинг мулкни эгаллаган ва ушбу мулкни ўзининг хоҳишича ҳақиқий тасарруф этиш (соттиш, алмаштириш, яшириш ва ҳоказо) имконияти пайдо бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун, агар айбдор ўзганинг мол-мулкни қўлга киритган бўлса-ю, бироқ ҳали уни ўз мулкни сифатида тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаса, қилмиш талон-торож қилишга суиқасд тариқасида квалификация қилиниши лозим. Шунингдек, қасд бир бутун мулкни талон-торож қилишга қаратилган бўлиб, унинг муайян бир қисми талон-торож қилинган ҳолларда ҳам жиноят тугалланган ҳисобланмайди [6, 170-бет]. Бундай ёндашув турли юридик адабиётларда ҳам ўз аксини топган [7, 15-бет]. П.Бакунов талон-торожни тугалланган деб топишнинг объектив ва субъектив мезонлари хусусида ёзиб, “талон-торож қилишда хусусан ўғрилиқда мол-мулк ўзганинг ихтиёридан олиниб, амалда айбдорнинг ихтиёрига ўтказилганидан кейингина (объектив мезон) тугалланган жиноят деб эътироф этилиши мумкин. Бунда айбдор ўз ҳаракатларини тугалланган деб ҳисоблаши ва ўз сиймосида ўғирланган нарсанинг бирдан бир ва тўла ҳуқуқли эгасини кўриши лозимлиги (субъектив мезон)”, деб таъкидлайди. П.Бакунов ўз фикрларини давом эттириб, айбдор талон-торож қилинган мол-мулкдан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имкониятини амалда қўлга киритганлиги ёки киритмаганлиги мулкдор учун аҳамиятга эга эмас. Муҳими шундаки, бу мол-мулкни айбдор мулкдорнинг ихтиёридан чиқарган ва амалда мулкдор, мазкур мол-мулкни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлганлигидадир. Айбдор талон-торож қилинган ўзганинг мол-мулкдан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлган-бўлмагани ишнинг мазмун ва моҳиятини ўзгартирмайди. Шу сабабли айбдорда бундай имконият мавжуд эмаслиги айрим ҳолларда мол-мулкнинг дастлабки ҳолатини тикланишини таъминлай олмайди, чунки айни ҳолда мулкдорга моддий зарар етказилади. Ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг тугалланган вақтини аниқлашнинг бирдан-бир мезони, бизнингча, амалда юз берган жиноий натижанинг мавжудлиги, яъни айбдор амалда мол-мулкни ўзганинг ихтиёридан (чиқарганлигида) олганлигидадир деб таъкидлайди [8, 51-52-бетлар].

Биз ушбу фикрга қисман қўшилмаган ҳолда айбдор ғайриқонуний равишда эгаллаган мулкни тасарруф қилиш имкониятига эга бўлмасдан туриб, тўхтатилса унинг ҳаракатлари ушбу мулкни талон-торож қилишга нисбатан тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади. Ушбу фикр Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон қарорида ҳам “Ўзгалар мулкни талончилик ва ўғрилиқ

билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади” [9, 221-бет] деб айтилган.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш айбдор талон-торож қилган мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш ва тасарруф этиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади деган хулосага келишимиз мумкин.

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш ўзга шахсга мулккий зарар етказиш тарзидаги ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини ва шундай оқибат деб баҳоланиши, унинг моддий таркибли жиноят эканлигини ифодалайди. Айрим ғарб мамлакатлари қонунчилигида эса, компьютер жиноятчилигини ташкил этувчи барча қилмишларга криминалистик нуқтаи назардан ёндашиб, уларни формал таркибли жиноятлар қаторига киритган, яъни жиноятчи томонидан содир этилган ҳаракатнинг ўзи унинг мақсади ёки келиб чиққан оқибатидан қатъий назар жиноят сифатида баҳоланади [10, 114-бет]. Ушбу фикрга миллий қонунчилигимиз нуқтаи назаридан қўшилмаган ҳолда, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш умумий талон-торож жиноятларининг бир кўриниши сифатида ушбу жиноят объектив томонининг зарурий белгилари ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат ва сабабий боғланишдан иборат.

Демак, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш анъанавий ўзлаштириш ва растратанинг бир кўриниши сифатида айбдорга ишониб топширилган ёки қонуний асосларга кўра унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг нақд бўлмаган пул маблағини ўзлаштириши ёки растрата қилишида ифодаланади. Компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш одатдаги ўзлаштириш ва растрата қилишдан фарқли равишда фақатгина нақд бўлмаган пул маблағини жиноят предметини ташкил қилади ва ноқонуний эгалланади.

Ўзлаштириш ва растрата иккита алоҳида тушунча бўлиб, улар бир бирдан фарқланади. Юридик адабиётларда ўзлаштириш тушунчасига икки хил йўналишда ёндашиллади. Биринчиси, айбдорга ишониб топширилган ёки айбдорнинг қонуний ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни қайтармасликда ифодаланадиган пассив хулқ-атвор – ҳаракатсизликда ифодаланади [11] дейилса, иккинчиси, ўзганинг ишониб топширилган ёки айбдорнинг қонуний ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни эгаллашда ифодаланувчи фаол хулқ-атвор – ҳаракатда ифодаланади [12, 53-бет] деб таъкидланади.

Бизнинг фикримизча ҳам мулк ҳаракатсизлик орқали компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштирилиши мумкин эмас. Чунки ҳаракатсизлик натижасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши учун аввалло айбдорга маълум бир мажбуриятларнинг норматив ҳужжатлар асосида юклатилганлиги ва у ушбу мажбуриятларини бажаришга реал имконияти бўла туриб, бажармаслигида ва бунинг натижасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий

муносабатларга зарар етказилишида ифодаланиши лозим бўлади.

Лекин бугунги кундаги юридик адабиётларда ёки бизнинг миллий қонунчилигимизда ҳам ўзганинг мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш тушунчаси берилмаган. *Шундай бўлса-да, компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш деганда* – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг оператив ёхуд хўжалик бошқарув ҳуқуқи асосида ихтиёрида бўлган ўзганинг компьютер ахбороти кўринишидаги (нақд бўлмаган пул маблағини) қайтариб бермаслик мақсадида, ғараз ният билан, қонунга хилоф равишда, ўрнини қопламасдан ажратиб олиш, ушлаб қолиш ва мулкдорга мулккий зарар етказиш мақсадида қасддан ушбу мулк тақдирини белгилловчи компьютер тизимидаги маълумотларни модификация қилиш орқали, ушбу мулкни ўз манфаатларига қаратишига айтилади.

Ушбу ҳолатга мисол сифатида қуйидаги жиноят ишини келтиришимиз мумкин: Навоий вилояти “Миллий Банк” Зарафшон филиали пул муомаласи бўлими пластик карточкалар бўйича мутахассиси бўлган У. ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда жуда кўп миқдордаги (60 млн. сўм) пулни компьютер воситалари орқали ўзлаштирган ва растрата йўли билан талон-торож қилган. Иш ҳолатларига кўра У. ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда фуқароларга тегишли бўлган пластик карточкалардаги пул маблағларидан маълум бир фоиздаги миқдорларини олдиндан ўзи учун тайёрлаб қўйилган пластик карточканинг ҳисоб рақамига доимий равишда олти ой мобайнида кўчириб келган.

Ушбу иш бўйича суд айблов ҳулосасидаги квалификацияга қўшилган ҳолда қилмишни ЖК 167-м. 3-қ. “а ва г” бандлари ва 205, 209-моддалари билан жиноятлар мажмуи тарикасида квалификация қилган [13].

Лекин ушбу ҳолатда суд айбдорнинг ҳаракатларини растрата йўли билан талон-торож қилиш деб баҳолаши бизнингча нотўғри. Чунки айбдор ушбу талон-торож қилинган пул маблағини ҳеч бир қисмини тўғридан-тўғри сарфлаб юбормасдан, барчасини ўзининг ҳисоб рақамига ўтказиб келган. Шунинг учун айбдорнинг барча ҳаракатларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш деб баҳолаш тўғри бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб растрата қилиш эса, ўзлаштиришдан фарқ қилиб, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг қонуний ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ғайриқонуний бериб юбориши, сарфлаб юбориши, истеъмол қилиши, сотиши ёки бошқа фаол ҳаракатлар билан бегоналаштириши [14] тушунилади. Одатда компьютер ахбороти кўринишидаги мулк (нақд бўлмаган пул) растрата қилинганда ушбу пул маблағи сарфлаб юборилади. Лекин бир ҳолатга эътибор бериш лозимки, айбдор ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган нақд бўлмаган пул маблағини ўз мулкига айлантормасдан туриб тўғридан-тўғри бегоналаштирагани унинг ҳаракатлари компьютер воситаларидан фойдаланиб растрата қилиш деб баҳолаши мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, компьютер воситасидан фойдаланиб ўзганинг мулкни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш деганда – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг оператив ёхуд хўжалик бошқарув ҳуқуқи асосида ихтиёрида бўлган ўзганинг

компьютер ахбороти кўринишидаги (нақд бўлмаган пул маблағини) қайтариб бермаслик мақсадида, ғараз ният билан, қонунга хилоф равишда, ўрнини қопламасдан мулкдорга мулккий зарар етказиш мақсадида қасддан ушбу мулк тақдирини белгилловчи компьютер тизимидаги маълумотларни модификация қилиш орқали, ушбу мулкни учинчи шахслар фойдасига қаратиб, бегоналаштириши ёки сарфлаб юборишига айтилади.

Ушбу жиноят растрата йўли билан амалга оширилганда айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида турган мол-мулк бегоналаштирилган пайдан эътиборан тамом бўлган жиноят, деб ҳисобланади. Ушбу икки тушунча ўзлаштириш ва растратани бир-бирдан ажратишда талон-торож қилинган мулкнинг талон-торож факти аниқланган пайтда айбдорда эканлиги ёки унда эмаслигидан келиб чиқиб аниқлаш керак деган фикрларга қўшилиб бўлмайди [15]. Сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, айбдор ўзганинг мулкни эгаллаган ва ушбу мулкни ўзининг хоҳишича ҳақиқий тасарруф этиш (сотиб, алмаштириш, яшириш ва ҳоказо) имконияти пайдо бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991-2006). Расмий нашр. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.116.
2. Аллаберганов А.П. Фиргарлик жинояти учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 70-80.
3. Уголовное право. Учебное пособие / Под ред. Проф. Л.Д. Гаухмана и проф. С.В. Максимова. –М.: Элит, 2007. – 94 с.
4. Уголовное право. Часть общая. Часть Особенная. Учебник. / Под ред. Н.И.Ветрова, Ю.И.Ляпунова. – М.: Юриспруденция, 2007. - 87 с.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991-2006). Расмий нашр. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.115.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонуни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги 4-сонли қарори, 4-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991-2006). Расмий нашр. 2-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.170.
7. Пинаев А.А. Проблемы дальнейшего совершенствования уголовного законодательства об ответственности за хищение. Автореферат диссертации на соиск. ученой степени док. юрид. наук. – Киев, 1984. – С. 15.
8. Бакунов П. Ўзгалар мулкни темир йўл транспорти объектларида ўғрилик йўли билан талон-торож қилишнинг тугалланган вақтини аниқлаш масалалари // ТДЮИ Ахборотномаси. 2009. – №6. – Б.51-52.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 20 апрелдаги 6-сонли қарори, 5-банд // Ўзбекистон

Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991-2006). Расмий нашр. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.221.

10. Мазуров В.А. Компьютерные преступления: классификация и способы противодействия: Учебно-практическое пособие. – М.: Палеотип, Логос, 2002. – С. 114.

11. Игнатов А.Н // В кн.: Уголовное право России: Учебник в 2-х т. Т. 2. Особенная часть / Под ред. А.Н. Игнатов и Ю.И. Красикова. – М., 1998. – С. 197.; Шульга А.В. Присвоение или растрата в условиях становления рыночных отношений / под ред. Р.Р. Галиакбарова. – Краснодар: Кубанский гос. агр. ун-т, 2004. – С. 9-10.; Упоров И., Городенцев Г. Понятие присвоение и растраты вверенного имущества в уголовном праве России // Уголовное право. – Москва, 2004 – № 4 - С. 95.

12. Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дисс. ...докт. юрид. Наук. – Ташкент, 1997. – С. 135, 137; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2006. –Б. 264-265; Мирзаев У. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 53.

13. Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича суди архивидан №1-236/11-сонли жиноят иши, 2011 йил.

14. Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дисс. ...докт. юрид. Наук. – Ташкент, 1997. – С. 135, 137; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2006. –Б. 265; Севрюков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно правовые аспекты. – Экзамен, 2004 – С. 117, 119; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. А.В. Наумова. – М.: Юристъ, 1996. – С. 411; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. С.И. Никулина. – М.: Менеджер – Юрайт, 200. – С. 476.; Уголовное право. Особенная часть. Учебник для вузов / Под ред. И.Я. Козаченко и др. – М.: Инфра – М – Норма, 1998. – С. 222.

15. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. В 5-ти томах. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. Т. 4. – С. 56; Бабишов А. Ўзлаштириш ва растрата асосий таркибининг жиноят ҳуқуқий тавсифи // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2008. – № 4. – Б. 25.

Ф.А. Рамазонава,

“Жиноят-процессуал ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛИ СИФАТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини англаш, қабул қилинаётган қонунлар мазмунини баҳолаш ва уларнинг бошқа ҳуқуқий нормаларга бўлган таъсири, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан қонунчиликни қиёсий таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикасидаги жиноий иш юритишни ислоҳ қилиш жараёнини илмий тадқиқ этиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва унинг истиқболдаги ривожланиш йўллари прогноزلантириш амалга оширилади.

Калит сўзлар: суд-ҳуқуқ ислохотлари, жамоатчилик назорати, жамоатчилик иштироки.

Аннотация: в данной статье исследуются вопросы правильного понимания сущности реформ, осуществляемых в Республике Узбекистан, оценка содержания принимаемых законов и их влияние на другие правовые нормы, а также усиление общественного контроля.

Автор проводит сравнительный анализ законодательства, научное изучение процесса реформирования уголовного судопроизводства в Республике Узбекистан, выделение его основных направлений и прогнозирование путей его дальнейшего развития.

Ключевые слова: судебно-правовые реформы, общественный контроль, общественное участие.

Annotation: the article explores the issues of correct understanding of the reforms implemented in Uzbekistan, evaluation of the content of laws and their impact on other legal provisions, as well as the strengthening of social control.

The author carries out a comparative analysis of the legislation, the scientific study of the process of reforming the criminal justice system in Uzbekistan, highlighting its basic directions and ways to predict its further development.

Key words: judicial-legal reforms, social control, social participation.

Мустақиллик мамлакатимиз ҳаётида ижтимоий жабҳанинг барча соҳалари, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида қаратилган кенг кўламли ва босқичма-босқич ислохотлар бошланди. Ушбу ислохотлар самараси ўлароқ, “Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди” [1, 34-бет].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг моҳияти жамиятни демократлаштириш ва янгилашга қаратилган бўлиб, айбдорларни жазолаш эмас, балки уларни ахлоқан қайта тарбиялаш [2, 37-бет], уларни ҳал этиш йўллари фуқаролик жамиятини асосий институтлари фаолиятини ривожлантиришга

қаратилган.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида Жиноят-процессуал кодексида инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ҳуқуқий кафолатлари ўрнатилди. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатнинг барча қонунлари каби жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам доимо такомиллашиб бормоқда. Мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунларни либераллаштириш жараёни давом этмоқда. Бу жараённинг асосий йўналиши – инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кўшимча кафолатлашдан иборат [3, 3-бет].

Жиноят ишларини юритишда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш ва шу мақсадда уларни жалб қилиш жиноят процессининг вазифаларига эришишга кўмаклашувчи муҳим демократик қоида ҳисобланади. Жамоатчиликнинг иштироки демократик қоида бўлиш билан бир қаторда одил судлов манфаатларини таъминлаш учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки жамоатчилик процессуал ҳолатларнинг ҳаққоний бўлиши ва бунинг натижасида адолатнинг қарор топишида ҳолисликни таъминлайди. Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг қатнашиши объектив сабабларга кўра талаб этилади. Акс ҳолда жиноят процессининг яхлитлиги эришилмайди.

Жамоатчилик иштироки дейилганида жиноят ишини юритадиган давлат хизматчилари ёки юритишга кўмаклашадиган ва шахсий манфаатларини ҳимоя қиладиган иштирокчилардан ташқари бўлган ва муайян жамоа манфаатини кўзлайдиган иштирокчилар тушунилади. Лекин кўп ҳолларда жиноят процессида жамоатчилик иштироки тор маънода қўлланилади. Ўзбек тилидаги чоп этилаётган янги юридик адабиётларда жамоатчилик иштироки жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари институтида кўпроқ намоён бўлади, дейилади [4, 2-бет]. Аслида жамоатчилик иштироки жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари тарзида кўп ҳолларда намоён бўлса-да, жамоатчилик бошқа турлари ва шакллари ҳам аксарият жиноят ишларида мавжуд бўлади.

Жамоатчилик иштирокини фақат жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси деб талқин қилиш амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда уларнинг иштирок этиш шакллари ёки турлари хусусида алоҳида норманинг белгиланмаганлиги билан боғлиқ. Жиноят-процессуал кодексининг 4-боби “Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари” деб номланиши ва унда жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ЖПКнинг 40-моддасида назарда тутилган масалалар хусусида муружаат ва илтимослари, шунингдек жамоатчиликнинг жиноят тўғрисида хабардор қилиниши каби шаклларининг кўрсатилганлиги жамоатчиликнинг иштирокининг турлари доирасини тор талқин қилинишига олиб келади.

Жамоатчиликка хос бўлган иштирокчилар доирасини белгилашда жамоатчилик иштироки, деб номланадиган процессуал функциясини [5, 40-бет] амалга оширувчи шахслар кўрсатилади. Жамоатчилик кузатуви ва жамоатчилик манфатини амалга оширадиган ҳар қандай шахс жамоатчилик иштирокчиси бўлади. Тўғри процесснинг айрим иштирокчилари жамоатчи иштирокчи бўлиб туриб ҳам таснифланишда бошқа тоифадаги иштирокчилар

қаторига киритилган. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Жиноят процессининг бир иштирокчиси икки ундан функцияни амалга ошириши мумкинлиги [6, 100-бет] инобатга олиб айтиш мумкинки, жиноят процесси иштирокчиларини таснифлашда жамоатчилик иштирокига тааллуқли бўлган қатнашчилар бошқа тоифадаги иштирокчилар қаторидан ўрин эгаллаганлар. Чунки улар жамоатчилик хусусиятидан кўра кўпроқ бошқа мазмундаги иштирокчиларга яқинроқдир. Буларга ҳолислар, халқ маслаҳатчилари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳўш, жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштироки дейилганда қандай иштирокчилар ёки фуқароларнинг қандай иштироки тушунилади? Назарияда жамоатчилик иштироки деганда, фақат жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакили чекланмасдан бошқа қатнашчиларнинг ҳам қамраб олиниши каби кенг талқин ҳам мавжуд. Н.А.Громов томонидан жамоатчилик иштирокининг турлари ва шакллари хусусидаги фикрлари таҳсинга сазовор. Унинг нуқтаи назарига кўра, жамоат иштирокининг қуйидаги:

а) жиноят ишини биринчи инстанция судида кўрилишида халқ маслаҳатчилари ва қасам ичганлар судининг иштироки;

б) эҳтиёт чораси сифатида жамоат кафиллигини қўллаш;

в) жамоа ташкилотлар томонидан жиноят иши бўйича далиллар тақдим қилиш;

г) терговчи томонидан жиноятларни очиш, жиноят содир қилган шахсларни қидириш, шунингдек, жиноятни содир этиш сабаблари ва шароитларни аниқлаш учун жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш;

д) жиноят ишини кўзғатишга сабаб бўладиган, содир этилган ва тайёрланаётган жиноятлар тўғрисида жамоат ташкилоти томонидан хабар берилиши;

е) кўплаб тергов ҳаракатларида ҳолисларнинг иштироки;

ж) суд муҳокамасида жамоат ҳимоячилари ва жамоат айбловчиларининг иштироки каби турлари мавжудлиги кўрсатилади [7, 83-бет].

Бизнингча ҳам, жамоатчиликнинг иштирокига шундай ёндашиш тўғрироқдир. Чунки жамоат ташкилоти ёки бирлашмаси мақомида бўлмасдан, жамоатчиликка хос бўлган вазифаларни амалга оширадиган иштирокчилар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштирок этиш шакллари хусусида ўз фикримизни берадиган бўлсак, жамоатчиликнинг қуйидаги иштирок шакллари ва турлари мавжуд:

1) жамоатчиликнинг жиноят тўғрисида хабар, ариза ва илтимослар бериш шаклидаги иштироки (Жиноят-процессуал кодексининг 40-моддаси);

2) жамоат бирлашмаларининг ёки жамоаларнинг жиноятлар ҳақидаги хабардорлик қилиниши (Жиноят-процессуал кодексининг 41-моддаси);

3) жамоат ҳимоячиси ва жамоат айбловчиси (Жиноят-процессуал кодексининг 42-моддаси);

4) жиноят ишларини ишни биринчи инстанция тариқасида судларда кўришда халқ маслаҳатчиларининг иштироки (ЎзР ЖПКнинг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судидан ташқари барча қуйи судларда оғир ва ўта оғир жиноятлар биринчи инстанция тариқасида халқ

маслаҳатчилари иштирокида кўрилади. Қолган турдаги жиноят ишлари яққа тартибда кўрилиши мумкин);

5) кўплаб тергов ва процессуал ҳаракатларда ҳолисларнинг иштироки (ЎзР ЖПКнинг 352-моддасида белгиланган тергов ҳаракатларини ўтказишда, мол-мулкни хатлашда ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга тўқинлик қилган ҳолларда ҳолислар иштирок этадилар);

6) жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги (ЎзР ЖПКнинг 252-моддаси);

7) ташкилотлар томонидан жиноят иши бўйича далиллар тақдим қилиш (ЎзР ЖПКнинг 198-моддасига кўра, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун аҳамиятга молик бўлган нарсаларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидирлар);

8) терговчи томонидан жиноятларни очиш, жиноят содир қилган шахсларни қидириш, ушлаб туриш, шунингдек, жиноятни содир этиш сабаблари ва шароитларни аниқлаш учун жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш (ЎзР ЖПКнинг 224 ва 349-моддалари).

Юқоридагилар асосида жиноят-процессуал қонунга жиноят процессида жамоатчилик назоратини кўчатиришга қаратилган қуйидагича тавсияларни киритишни таклиф этамиз:

Жамоатчилик иштирокининг моҳиятига тўлароқ баҳо бериш мақсадида ЎзР ЖПКнинг 21-моддасининг биринчи қисми охирига *“Жамоатчилик жиноят ишларини юритишда жамоат назоратини ҳам амалга оширади”* деган сўзлар киритилиши керак.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жамоатчилик кўмагидан фойдаланиш фаолиятини қонунийлаштириш учун Жиноят-процессуал кодексининг 349-моддасини чиқариб ташлаб, Кодекснинг 21-моддасининг биринчи қисмидан кейин қуйидагича иккинчи ва учинчи қисмлар қўшилиши мақсадга мувофиқ: *“Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилади. Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан ҳолислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш ҳолисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ татбиқ этилади”*.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таклиф ва тавсиялар келгусида жиноят процессида жамоатчилик иштироки асосларини янада мустаҳкамлашга ҳамда самарали жамоат назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Annotation: some theoretical questions of essence of the international private law and also its development are discussed in the article. The author analyzes approaches of understanding of the international private law and discusses development and a place of norms of the international private law in the Republic of Uzbekistan. The author specifies that this sphere is very actual and that it demand studying and improvement.

Key words: collision, conflict of laws, private international law, relations complicated by a foreign element, the rights of foreigners.

Республика Узбекистан с обретением своей независимости стала частью мирового сообщества и начала широко развивать свою внешнюю политику в направлении интеграции и развития торгово-экономических отношений. В этой связи создание правовой базы и развитие законодательства, направленного на регулирование международных, в частности международных частноправовых, отношений служат важным фактором развития таких отношений и экономики страны в целом.

Как указывает Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов, «сегодня еще одним важным фактором реализации всех наших добрых устремлений, жизненных планов мы считаем интеграцию в мировое сообщество, дальнейшее развитие дружеских и взаимовыгодных связей с дальними и близкими соседями для того, чтобы занять достойное место и завоевать еще большее доверие на международной арене.

Мы неуклонно следуем принципам расширения всесторонних связей с зарубежными партнерами, вы-

развившими уверенность в потенциале нашего народа, в его завтрашнем дне» [1].

Общественные отношения частноправового характера, возникающие на международном уровне, регулируются международным частным правом (МЧП). Ныне МЧП является важной отраслью права, неотъемлемой частью правовой системы каждого государства. Правовое обеспечение и решение коллизионных проблем очень важно в регулировании отношений, осложненных иностранным элементом. С этой точки зрения весьма актуально изучение возникновения и развития международного частного права.

МЧП неразрывно связано с расширением международного торгового-экономического, научно-технического и культурного сотрудничества. Важную роль в правовом регулировании этого сотрудничества призваны играть нормы МЧП, значение которых возрастает по мере углубления международных хозяйственных связей, развития новых организационных форм в различных областях международного делового сотрудничества [4].

Значение международного частного права возрастает, прежде всего, в связи с интернационализацией хозяйственной жизни. Как отмечает Р.И.Хасбулатова, для современного мира характерна экономическая взаимозависимость государств, расширение не только традиционных форм внешнеэкономических связей, но и таких сравнительно новых форм, как лизинговые операции, франчайзинг и др. Иностранные капиталовложения активно участвуют в экономике различных стран, развивается промышленное и научно-техническое сотрудничество, возникают новые и совершенствуются старые формы участия иностранных компаний в строительстве различных объектов, освоении природных ресурсов [12].

Специфика МЧП состоит в том, что при сохранении различия в правовых системах государств именно международное частное право с помощью, так называемых коллизионных норм призвано определить, право какого государства подлежит применению в соответствующих случаях [4].

М.И.Брун, пытаясь охарактеризовать сущность и отличительные особенности международного частного права, писал: «...Это совокупность правил, определяющих, законы какого государства должны нормировать частное юридическое отношение, в котором участвуют иностранцы или которое возникло за границей. Каждое государство, в силу своего суверенитета, могло бы, по-видимому, в пределах своей территории допускать применение только своих законов, но на практике все культурные государства признают у себя, в силу юридической необходимости, действие иностранных законов. Если нельзя требовать, чтобы наши законы соблюдалась за границей людьми, которые вовсе не рассчитывали когда-либо иметь с ними дело, то уже по этой причине необходимо признавать иностранные законы. Иначе отношения, законно возникшие за границей, должны бы считаться незаконными у нас: супруги – незаконно сожительствующими, законные дети – незаконными, долги – ничтожными, договоры – не обязательными и т.д.» [5].

Поскольку международные отношения, как и регулирующее их право, подвержены постоянному изменению, возникающему исключительно как продукт диалектического развития, международное частное право, равно как и право вообще, в том числе и международное публичное право, тесно взаимосвязано с эволюцией самих отношений, образующих основу

права, в данном случае – международных отношений в рамках гражданского оборота.

В этом смысле, как показывает история, международное частное право в разные эпохи воспринималось обществом по-разному. В период своего зарождения, с этапа проецирования римского права на цивилистические отношения «с международными характеристиками», т.е. выходящие за рамки одной государственно-правовой общности, на протяжении весьма длительного времени МЧП, несомненно, квалифицировалось как материальное право. Затем, как представляется, в результате опосредствования в институте монаршей власти всех ветвей власти, особенно в эпоху абсолютизма, когда сюзерен единолично вершил и законотворчество, и правоприменение, в международном частном праве стали все более проявляться процессуальные аспекты. Такой его характер стал особенно преобладать в силу исторических и национальных характеристик черт, в странах «общего права» [2].

Сам термин «международное частное право» непосредственно появился в 1834 г. и стал широко применяться с тех пор, как член Верховного суда США Д. Стори употребил его в своем труде «Комментарии к конфликтному праву». Конфликтное, т.е. коллизионное право и по сей день рассматривается в западных странах как международное частное право (international private law). Например, в современной литературе указывается, что международное частное право не является международным, а потому правильным является название коллизионное право (conflict of laws) [16].

И.С.Перетерский писал, что «международное частное право изучает отношения гражданско-правовые. Но это не значит, что международное частное право является лишь частью гражданского права. Специфическим отличием гражданско-правовых отношений, включаемых в международное частное право, является то обстоятельство, что международное частное право изучает лишь особую группу гражданско-правовых отношений, которые имеют международный характер» [13].

М.М.Богуславский указывает, что задачей международного частного права является правовое регулирование деловых связей организаций и фирм различных стран. При этом речь идет об имущественных и личных правах иностранцев, их правах в области трудовых, семейных отношений и в ряде других областей. Предметом регулирования в международном частном праве являются отношения гражданско-правового характера, возникающие в международной жизни (или, как их иногда называют, международные гражданские отношения) [4].

Л.А.Лунц отмечал, что в случаях правоотношения с иностранным элементом всегда возникает так называемый коллизионный вопрос: необходимо решить, какой из двух «коллидирующих» («сталкивающихся») законов подлежит применению – советский закон («закон суда») или иностранный закон, т.е. Закон той страны, к которой относится иностранный элемент в рассматриваемом деле; происходит так называемый выбор между коллизирующими законами [10].

Решение коллизионного вопроса ведет к определению права, подлежащего применению в данном случае к соответствующему отношению, или, как часто говорят, применимого права. Правовые нормы, определяющие, право какой страны подлежит применению к данному отношению, называют коллизионными. История международного частного права начиналась с рождения кол-

лизионных норм, а в некоторых странах оно и поныне рассматривается как коллизионное [11].

Г.К.Дмитриева приходит к выводу, что отношения, составляющие предмет международного частного права, характеризуются двумя основными признаками: во-первых, это отношения частноправовые, во-вторых, это отношения, в которых присутствует иностранный элемент [6].

Алжирский автор М.Иссад усматривает внутригосударственную природу международного частного права в том, что нормы международного правопорядка, адресованные частным лицам, физическим или юридическим, и составляют нормы международного частного права. Поскольку все эти лица имеют определенное гражданство или государственную принадлежность, именно правовые нормы государства объединены в международное частное право, и суды этих государств налагают санкции за их неисполнение. Существуют также судебная практика и нормы алжирского, французского, американского международного частного права, которые значительно отличаются друг от друга. Здесь, в сущности речь идет уже не о международном праве, а о внутригосударственном (национальном) праве [9]. В аспекте внутригосударственной природы международного частного права, М.Иссад уточняет: «Международное частное право, таким образом, предстает как проекция с необходимыми изменениями внутреннего права на международную плоскость» [9].

В.П.Звеков, анализируя многие мнения, приходит к выводу, что международное частное право:

- регулирует частноправовые отношения (отношения гражданско-правового характера в широком смысле слова), возникающие в условиях международной жизни;

- имеет свой предмет и свой метод регулирования;

- является отраслью частного права, отраслью внутригосударственного права;

- тесно связано с гражданским правом (точнее было бы сказать: многие институты международного частного права являются как бы продолжением институтов гражданского (семейного, трудового) права, в определенной мере производны от этих институтов, но в силу своего международного «происхождения», «внутреннего» и «внешнего» своеобразия не сливаются с ними и не растворяются в них);

- тесно связано с международным правом, но не является его частью (при этом принципиально важно признание единства исходных начал международного публичного права и международного частного права, все возрастающего значения международно-правового начала для становления и совершенствования институтов международного частного права) [7].

Говоря о месте международного частного права в Республике Узбекистан и его развитии, следует отметить, что в регулировании международных частноправовых отношений в Республике Узбекистан сформирована, как нормативно-правовая, так и доктринальная основа.

С первых дней независимости основы международного частного права были отражены в Конституции страны. Конституция Республики Узбекистан восприняла комплекс принципов и норм международного права из Устава ООН, Всеобщей Декларации прав человека 1948 г. и из других международных пактов по

правам человека, из Хельсинкского Заключительного акта, Парижской и Мадридской хартий. Тем самым, Основной закон страны создал основу и первоначальную базу для развития международных частноправовых отношений.

Как отмечает Х.Исламходжаев, отношения Узбекистана с иностранными государствами строятся на основе соблюдения общепризнанных принципов и норм международного права и обязательств, вытекающих из международных договоров республики [8].

Ныне, вопросы международного частного права имеют свое место в гражданском, семейном, предпринимательском праве, гражданском и хозяйственном процессе, а также в вопросах оказания правовой помощи по гражданским и семейным делам, регулировании внешнеэкономических связей, международной торговли и разрешении международных частноправовых споров.

Республика Узбекистан в свете развития международного частного права ратифицировала большое количество международных договоров, провела унификацию своих национальных норм и создало законодательную, в частности кодифицированную основу регулирования отношений осложненных иностранным элементом.

Так, в стране осуществлена отраслевая кодификация, в виде Гражданского, Семейного, Гражданского процессуального и Хозяйственного процессуального кодексов, в которых имеются отдельные главы и нормы, регулирующие отношения осложненные иностранным элементом. Принятие данных кодексов и установление в них коллизионных норм осуществлено в период 1996-1998 годов [3]. Из указанных кодексов основополагающим является Гражданский кодекс Республики Узбекистан и его VI раздел, который именуется «Применение норм международного частного права к гражданско-правовым отношениям». Данный раздел Гражданского кодекса включает в себя основные коллизионные нормы и принципы, которые применяются ко всем частноправовым отношениям, осложненным иностранным элементом.

Но кроме кодифицированных норм в стране также действует группа отношений регулируемых некодифицированными нормами, т.е. отдельными законами. К таким законам можно отнести Законы Республики Узбекистан «Об иностранных инвестициях», «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов», «Об инвестиционной деятельности», «О концессиях», «О соглашениях о разделе продукции» и др.

Исходя из указанного, следует отметить, что в Узбекистане нет единого законодательного акта – закона или кодекса, объединяющего в себе нормы регулирующие отношения, осложненные иностранным элементом. Но в проводимых исследованиях и научных трудах, национальные ученые указывают на то, что следует принять единый законодательный акт, чаще всего таким актом показывают – Закон Республики Узбекистан «О международном частном праве», который позволил бы объединить все имеющиеся «разбросанные» нормы, регулирующие отношения, осложненные иностранным элементом [14,15]. В целом можно согласиться с данным мнением. Так как зарубежный опыт показывает на положительность такого документа в регулировании и в том числе понимании отношений, осложненных иностранным элементом. Хоть и ученые во многом соглашаются с друг-другом в вопросе злободневности принятия единого акта – закона

или кодекса, но проблема структуры и содержания такого акта остается дискуссионным и спорным.

Следует отметить, что увеличение международных частноправовых отношений с участием физических и юридических лиц Республики Узбекистан, а также возникновение и развитие информационных отношений, требуют постоянного развития норм регулирования таких отношений, а это непосредственно указывает на актуальность изучения и дальнейшего развития МЧП в целом и его институтов в отдельности.

Список литературы:

1. Каримов И.А. Выступление на торжествах, посвященных 17-летию независимости Республики Узбекистан. 31 августа 2008 года // Обеспечить поступательное и устойчивое развитие страны — важнейшая наша задача. Т.17. —Ташкент, 2009. —С.9.
2. Ануфриева Л.П. Международное частное право. —М., 2002.
3. Актуальные проблемы и перспективы развития международного частного права. Монография. Коллектив авторов. —Ташкент, 2014. (книга издана на узбекском языке).
4. Богуславский М.М. Международное частное право. —М., 2002.
5. Брун М.И. Введение в международное частное право. —Петроград, 1915; Энциклопедический словарь. Брокгауз и Ефрон. Т.36. —СПб., 1896. —С. 922—923.
6. Дмитриева Г.К. Международное частное право. — М., 2002.
7. Звекон В.П. Международное частное право: Курс лекций. —М., 2001.
8. Исламходжаев Х. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: правовые аспекты // Вестник КазНУ. —Алматы, 2009.
9. Иссад М. Международное частное право. —М., 1989. —С. 8—9.
10. Лунц Л.А. Курс международного частного права. —М., 2002.
11. Международное частное право / Ответ. ред. д.ю.н. Н.И. Марышева. —М., 2000.
12. Мировая экономика и международные экономические отношения. В 2 ч. Ч. 1. Учебник / Под ред. чл.-корр. РАН, д-ра эконом. наук, проф. Р.И. Хасбулатова. — М.: Гардарики, 2006.
13. Перетерский И.С., Крылов С.Б. 1940. —С. 5 (изд. 1959 г. С. 7). Перетерский И.С. «Система международного частного права» // Советское государство и право. —М., 1946. № 8—9).
14. Рахманкулова Н. Опыт зарубежных стран по кодификации международного частного права и вопросы совершенствования национального законодательства // Обзор законодательства Узбекистана. — Ташкент, 2014. №1—2. —С.71—78 (статья опубликована на узбекском языке).
15. Рашидов К.К. О развитии международного частного права в Узбекистане // Материалы международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства». —Ташкент, 2005. —С.214.
16. Morris J.H.C. The Conflict of Laws. — London, 2000.

Н.Рахманкулова,
ТДЮУ катта-илмий ходим изланувчиси,
юридик фанлар номзоди

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ХУҚУҚ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мазкур мақолада турли мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва кодификацион актлари батафсил таҳлил қилинган ва халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси тўғрисидаги автоном комплекс қонунларнинг қабул қилиниши “турли миллатдаги” қонунлар коллизияларини бартараф этишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти вазифаларини айтарли даражада осонлаштириши тўғрисидаги фикр илгари сурилган. Чет эл ҳуқуқ тартиботи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишига ҳуқуқий аниқликни киритган ҳолда, улар ҳуқуқ кризисини, янги-янги фойдаси кўп бўлмаган ҳуқуқий актларни қабул қилиш оқибатида вужудга келган “қонунчилик инфляциясини” бартараф этишга кўмак бериши таъкидланган.

Калит сўзлар: комплекс автоном кодификация, соҳалараро кодификация, замонавий кодификацион актлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, кодекс, қонун.

Аннотация: в данной статье проанализированы законодательные и кодификационные акты о международном частном праве разных государств и продвинуто мнение о том, что принятие автономно-комплексных законов о международном частном праве и международном гражданском процессе в значительной степени упрощает задачи практики право применения при устранении коллизий «разнонациональных» законов. Отмечено, что, внося правовую ясность в регулирование правовых отношений связанных с иностранным правом, они помогают предотвратить правовой кризис и «законодательную инфляцию», возникшую в результате применения все новых и новых, мало полезных нормативных актов.

Ключевые слова: комплексная автономная кодификация, межотраслевая кодификация, современные кодификационные акты, нормативно-правовой акт, кодекс, закон.

Annotation: this article analyzes legislative acts and codification of international private law of different countries and promotes the view that the adoption of autonomous complex legislation on private international law and international civil procedure greatly simplifies the task of practice the right to use in addressing conflicts " different-national "laws. It is noted that, bringing legal clarity in the regulation of legal relations associated with foreign law and order, they help prevent legal crisis and "legislative inflation" caused by the use of more and more, there is little useful regulations.

Key words: complex autonomous codification, codification of inter-industry, modern codification acts, legal act, codes, laws.

Бугунги кунда кодификация жараёни глобаллашув ва интернационализация йўлидан бормоқда. Учинчи минг йиллик бошида дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан, Озарбайжон, Литва,

Жанубий Корея, Монголия, Эстония, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Тунис, Туркия, Китай, Польша, Тайван ва Нидерландияда халқаро хусусий ҳуқуқнинг янги кодификациялари қабул қилинди. Шу билан бир қаторда ушбу кодификацияларнинг учтаси (Бельгия, Болгария, Туркия, Тунис) кодекс деб номланади. Олти тасида эса (Жанубий Корея, Болгария, Бельгия, Украина, Македония, Туркия) нафақат халқаро хусусий ҳуқуқ, балки халқаро фуқаролик процесси масалалари ҳам акс эттирилган.

Соҳаларо кодификация Литва (2001–2003), Монголия (2002), Россия (1996–2003), нидерландлар (2002–2012) ва Ўзбекистонда (1996–1998) амалга оширилган. Халқаро хусусий ҳуқуқ миллий кодификациялари жараёни тарихида учта босқични ажратиш мумкин:

1. XIX асрнинг 90—XX асрнинг 60-йиллари. Биринчи босқичида: а) халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги алоҳида қонунлар (Швейцария (1891), Япония (1898), Польша (1926)); фуқаролик кодекслари ёки фуқаролик ҳуқуқи кодификацион актига кириш қонунларига киритилган коллизия тартибга солиш тўғрисидаги махсус бўлимлар (Германия (1896), Италия (1942), Египет (1948), Ливия (1954)); турли махсус қонунларга киритилган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги тарқоқ нормалар (устун тенденциялардан бири) (Финляндия (1929)) қабул қилинди. АҚШдаги Америка ҳуқуқ институти томонидан биринчи “Қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунлар тўплами” (1934) шаклидаги суд прецедентларининг хусусий кодификацияси амалга оширилди. 1928 йил Эронда ва 1942 йил Бразилияда биринчи марта кодификация жараёнида халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси нормалари бирлаштирилди (1928–1936-йй. Эрон ФКга Кириш қоидалари, 1942 йилги ФКга Кириш қонуни).

2. 1960-йилнинг бошлари – 1978 йиллар. Иккинчи босқич Чехословакияда халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси тўғрисидаги биринчи махсус комплекс қонунни (1963) қабул қилиниши, ҳамда автоном (Польша (1965), ГДР (1975)) ва соҳаларо (разделы ГПК Польша ФПКнинг (1964), Португалия (1966) ва Испания ФКнинг (1974) бўлимлари) кодификацияларнинг ривожланиши билан характерланади. Айрим давлатларда халқаро фуқаролик процессининг айрим жиҳатлари тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган (Ливан (1967)). АҚШда Бирхиллаштирилган савдо кодекси (1962) ва иккинчи “Қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунлар тўплами” (1971) қабул қилинди. Кодификация жараёнига ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги Асослари (1961), ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик суд юритуви Асослари (1961), ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилиги Асосларига (1968) халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини киритган ҳолда СССР ҳам қўшилди. Иккинчи босқич энг узвий алоқа принципини халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий асоси сифатида мустаҳкамлаган Австрия халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонунининг (1978) қабул қилиниши билан якунланади.

3. 1979–1998 йиллар. Учинчи босқичда қонун чиқарувчининг қизиқиши 8 та мамлакатда амалга оширилган комплекс автоном кодификацияга нисбатан ортди: Венгрия (1979), Югославия (1982), Турция (1982), Швейцария (1987), Руминия (1992), Италия

(1995), Венесуэла (1998), Грузия (1998). Швейцариянинг 1987 йилги халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуни шу кунга қадар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг энг батафсил кодификацион акти ҳисобланади (201 та модда). Бир қатор ислом давлатлари кодексларида халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларини тартибга солишчи алоҳида бўлимлар қабул қилинди (БАЭ (1985), Буркина-Фасо (1989), Яман (1992)). 1986 йилда Германия Фуқаролик Тузукларига Кириш қонунига аҳамиятли ўзгаришлар киритилди. 1992 йилда Австралияда халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларининг бутун мажмуасига бағишланган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кодификация жараёнида фуқаролик кодексларида тегишли бўлимларни қабул қилган ҳолда Квебек ва Луизиана (1991) ҳамда “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонун (турли қоидалар)”ни қабул қилган ҳолда Буюк Британия ҳам иштирок этди. 1970 йилнинг боши 1980 йилларда СССРда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги айрим актлар қайта кўриб чиқилди, ССР Иттифоқи ва республикалар фуқаролик қонунчилиги Асосларига коллизия тартибга солиш тўғрисида бўлим киритилди (1991), Россия Федерациясида халқаро оилавий муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги VII бўлимни ўз ичига олган Оила кодекси қабул қилинди (1995), Ўзбекистон Республикасининг тегишли бўлимлардан иборат Фуқаролик кодекси (1996), Оила кодекси (1998), Фуқаролик процессуал кодекси (1997) қабул қилинди.

4. 1998/1999 йиллар – ҳозирги давр. Тўртинчи босқич халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси миллий актлари мақомининг ошиши билан характерланади. Бу ҳолат ушбу актларни “кодекс” деб номлаш тенденциясида акс этади (Тунис (1998), Бельгия (2004), Турция (2007)). Туниснинг 1998 йилда қабул қилинган ва 1999 йил кучга кирган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Кодекси янада омадлироқ европа қонунларидан қолишмайдиган, мусулмон давлатларида амалга оширилган кодификация актларининг энг мукамалларидан биридир. XXI асрнинг бошларидан халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси жараёнига 15 та (айтиб ўтилганларидан ташқари) мамлакат тортилди: Озарбайжон, Литва, Эстония, Жанубий Корея, Россия, Мўғулистон, Украина, Япония, Македония, Хитой, Тайвань, Польша, Нидерландлар, Чехия, Пуэрто-Рико. 15 та мамлакатдан 11 тасида қабул қилинган янги кодификацион актлар ўзида халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги автоном қонунларни акс эттиради (Озарбайжон, Жанубий Корея, Эстония, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Туркия, Хитой, Польша, Тайвань). Шу билан бирга, улардан 6 таси комплекс автоном кодификация натижасидир, яъни ўз ичига халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси масалаларини қамраб олади (Жанубий Корея, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Туркия). Соҳаларо кодификацион актлар Литва (2001–2003), Мўғулистон (2002), Россия (1999–2003) ва Нидерландларда (2002–2012) амалга оширилди.

Миллий халқаро хусусий ҳуқуқ замонавий кодификацион жараёнининг жадаллиги тўртинчи босқичда юқорироқ ҳамда ушбу босқичда қонун чиқарувчи соҳаларо кодификациядан воз кечди. Бу эса, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ва қонунчиликнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиққанини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, халқаро хусусий ҳуқуқнинг махсус масалаларининг алоҳида ҳуқуқий ҳужжатларда тартибга солиниши сақланиб қолган:

- Болгария халқаро хусусий ҳуқуқида денгиз сузишлари савдо Кодекси (1970), “Халқаро савдо арбитражи тўғрисида”ги Қонун (1988), ФПКнинг “ЕИ ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тўғрисида алоҳида қоидалар” номли VII қисми (2008), Оила кодекси VIII бобининг “Халқаро фарзандликка олиш бўйича алоҳида қоидалар” номли V бўлими (2009) мавжуд;

- Бельгияда Халқаро хусусий ҳуқуқ кодексини қабул қилгандан сўнг ҳам “Тижорат агентлик келишувлари тўғрисида” (1995), “Бир жинс вакилларининг никоҳ тузиши ва Фуқаролик кодексининг айрим қоидаларини ўзгартириш тўғрисида”ги (2003) қонунлар амалдадир;

- Украинада – “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонун (1991), Оила кодексининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги фарзандликка олиш хусусиятлари” номли VI бўлими (2002);

- Мўғлистонда – “Чет эл инвестициялари тўғрисида” (1993), “Ижро этиш тўғрисида” (2002), “Оила тўғрисида” (1999), Меҳнат кодекси (1999);

- Эстонияда – “Ворислик ҳуқуқи” (2009), “Инвестициявий фондлар” (2004), ФПКнинг “Чет мамлакат судлари ва бошқа органлари актларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги ишларни юритиш” деб номланган 62 боби (2005);

- Озарбайжонда – “Чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш тўғрисида” (1992), “Инвестициявий фаолият тўғрисида”ги қонунлар (1995), ФПКнинг “Чет эллик шахслар иштирокида иш юритиш” (2000);

- Туркияда – “Тўғри чет эл инвестициялари тўғрисида” (2003), “Чет эл фуқароларига тақдим этиладиган, ишлашга рухсатнома тўғрисида”ги (2003) қонунлар.

Ўзбекистон Республикасида чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишига қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бағишланган: 1) соҳалараро кодификация актлари (Фуқаролик кодексининг VI бўлими (1996), Оила кодексининг VIII бўлими (1998), Фуқаролик процессуал кодексининг V бўлими (1997)); 2) халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида масалаларини тартибга соладиган алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: “Мулкчилик тўғрисида”, “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Суғурта тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Лизинг тўғрисида”, “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”, “Ўзбекистоннинг давлат чегараси тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”, “Темир йўл транспорти тўғрисида”, “Автомобил транспорти тўғрисида”ги қонунлар ва ҳ.к.

Миллий кодификацияларнинг халқаро хусусий ҳуқуқнинг ривожланишидаги аҳамиятли роли XX асрнинг бошидаёқ кўзга ташланган. Мазкур кодификациялар миллий ҳуқуқий нормалар ҳаракат доирасини кенгайтиришни осонлаштиради, кодексларнинг ўхшаш моделларини қўлланилиши ва миллий ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашишига кўмак беради. Улар нафақат ҳуқуқнинг ички манбалари кризисини балки турли ҳуқуқ тартиботлар коллизиясини бартараф этиш имконини беради.

Замонавий кодификациялар таркибига кирувчи масалалар доирасини қиёсий таҳлил қилиш натижасида халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий ва махсус қоидалари ҳамда халқаро фуқаролик процесси масалаларининг тартибга солинишини максимал даражада деталлаштириш тенденцияси яққол кўзга ташланади.

Тузилиши нуқтаи назаридан замонавий кодификацион актлар асосан ҳуқуқий нормаларни изоҳлашнинг пандект тизимига таянади. Учта калит бўлимларни кўрсатиш мумкин: 1) умумий қоидалар (тартибга солиш предмети, асосий тамойиллар, ҳуқуқий баҳо бериш, чет эл ҳуқуқи нормаси мазмунини аниқлаш, қайта ҳавола, қонунни четлаб ўтиш, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ); 2) махсус муносабатларни коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш (ашёвий-ҳуқуқий, мажбурият, оилавий, меҳнат, ворислик, деликт); 3) халқаро фуқаролик процесси масалаларини (суд ва бошқа давлат органларининг ваколатлилиги, низо иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари, исботлаш, чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш).

Замонавий кодификацияларнинг норматив таркиби икки томонлама “эгиловчан” коллизия нормалар ҳамда кўп бўлмаган моддий-ҳуқуқий нормалар билан характерланади (масалан, Болгария кодексининг Республика ҳудудида бўлган эгасиз қолган мерос мулкни Болгария давлати томонидан олиш тўғрисидаги 92-м.).

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича қонунчилик актларини қонун эмас кодекс деб номлашнинг кўзга кўринган тенденциясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дунёдаги биринчи Халқаро хусусий ҳуқуқ Кодекси 1998 йил Тунисда қабул қилинган. Ушбу қонунчилик акти дарҳол ўзига эътибор қаратди ҳамда ҳуқуқ доктринасида ниҳоятда юқори баҳоланди: “Тунис қонун чиқарувчиси Европадаги миллий кодификацияларнинг энг яхши намуналарига асосланди... бу каби актнинг қабул қилиниши саноати ривожланган давлатларга ҳам шуҳрат олиб келарди. Кодекс нафақат қизиқарли норматив акт, балки XX асрнинг охириги ўн йиллигидаги миллий кодификацияларнинг энг яхши намуналаридан бири бўлиб ҳисобланади”. (1, 560-бет.)

XXI асрда Тунис қонун чиқарувчиси изидан Бельгия, Болгария ҳамда Туркия ҳам эргашдилар. Шу тариқа, 2000-2007 йиллар мобайнида қабул қилинган 7 та автоном кодификациялардан 3 тасига кодекс шакли берилди. Ҳозирча халқаро хусусий ҳуқуқ кодексларининг қабул қилинишини умумий тенденция деб бўлмаса-да, ушбу соҳадаги қонунчилик мақоми ошаётганлигини таъкидлаш мумкин. Кодекс – бу кодификациянинг “тожи”дир; у тармоқни ифодалайди, унинг “визит карточкаси” бўлиб хизмат қилади, нормалар ва актлар тизимининг таянчига айланади ҳамда ўтмишдаги нормалар ва актларни ўрнини босишга мўлжалланган. (2, 47-54-бетлар.)

Чухчиевнинг фикрича, барча ўзига хос хусусиятларига қарамай кодекс қонуннинг бир кўринишини ифодалайди ва ҳозирча кодексни қонуннинг бир шакли сифатида танлаш мезонлари аниқ эмас. Кодекс – бу фақатгина норматив кўрсатмаларнинг тизимли ифодаси эмас. Унинг қоидаларининг мантикий алоқаси уларнинг зич ва лўндалигини ифодалайди. Кодекснинг структуравий тугаллиги тегишли соҳада қонунчиликнинг янгиланиши фақатгина яратилган кодексга ўзгартиришлар киритиш ёки янги кодексни қабул қилиш йўли билан амалга оширилиш мумкинлигини тахмин қилади. Ушбу доирадаги муносабатларни тартибга солувчи янги қонунларнинг қабул қилиниши ортиқча ҳисобланади. (3, 37-55-бетлар.)

Бундан ташқари, ҳуқуқ тармоғининг автономлигига, ушбу тармоқнинг тизимини ташкил қилувчи асоси, яъни кодекс бор бўлган тақдирда амин бўлмоқ осонроқдир. Оддий қонун ҳуқуқ тармоғини қонуний тартибга солинишини тизимлаштиришга ярамайди. Унинг шакли тармоқли ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети бўлгани каби, ҳатто ижтимоий муносабатларнинг бундай кенг кўламдаги мажмуасини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини ҳам тизимли ва комплекс акс эттиришга мослашмаган. (3, 37-55-бетлар.)

Бельгия, Болгария ва Туркия қонун чиқарувчилари ўзларининг автоном кодификацияларини қайси мезонлар асосида кодекс деб номлаганларини аниқ айтиш қийиндир. Аммо рус олимларидан Ю.А.Тихомиров, Э.В.Талапиналарнинг фикрига кўра, ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар кодексни қонундан фарқлайдиган хусусиятларга эгадирлар: ҳар қандай доирадаги муносабатларнинг тўлиқ тартибга солиниши; тартибга солишнинг бир хиллиги; асосий юридик тамойиллар, тушунчалар ва конструкцияларнинг мустаҳкамланиши; йирик юридик назария ва концепцияларнинг акс этганлиги; бошқа қонунлар ўртасидаги юқори даражаси; барча ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқни қўллаш жараёнига бўлган ўзига хос таъсири. (4, 47-54-бетлар.)

Р.Кабриякнинг фикрича, “Бизнинг кунларда, миллий ҳуқуқий нормаларнинг кенг қўлланилишини осонлаштирган ҳолда, кодификация аввалгидай ҳуқуқий шовинизмга қарши яхши зарарсизлантирувчи чора бўлиб ҳисобланади, чунки, муайян даражада давлат чегараларини бартараф этишга йўл кўяди”. (5, 391-бет.)

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси тўғрисидаги автоном комплекс қонунларнинг қабул қилиниши “турли миллатдаги” қонунлар коллизияларини бартараф этишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти вазифаларини айтarli даражада осонлаштиради. Бундан ташқари, замонавий кодификациялар муҳим ҳуқуқ ижодкорлиги вазифасини бажаради. Чет эл ҳуқуқ тартиботи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишига ҳуқуқий аниқликни киритган ҳолда, улар ҳуқуқ кризисини, янги фойдаси кўп бўлмаган ҳуқуқий актларни қабул қилиш оқибатида вужудга келган “қонунчилик инфляциясини” бартараф этишга кўмак беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Международное частное право: Иностранное законодательство / Предисл. А.Л.Маковского; сост. и научн. ред. А.Н.Жильцов, А.И.Муранов. – М.: Статут, 2001.– 892 с.
2. Тихомиров Ю.А., Талапина Э.В. О кодификации и кодексах // Журнал российского права. 2003. N 3.– С. 47-54.
3. Чухвичев Д.В. Перспективы кодификации в современном российском законодательстве // Гражданин и право. 2009. N 3. –С.37-55.
4. Тихомиров Ю.А., Талапина Э.В. О кодификации и кодексах // Журнал российского права. 2003. N 3.– С. 47-54.
5. Кабрияк Р. Кодификации / Пер. с фр. Л. В. Головки. –М.: Статут, 2007. –С.476.

А.Эргашев,
ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ БАНКРОТЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада трансчегаравий банкротликни тартибга солиш усулларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада трансчегаравий банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг аҳамияти, афзалликлари ва камчиликларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: трансчегаравий банкротлик, қарздор, чет эл кредитори, ҳудудийлик усули, ягона иш юритиш усули, универсаллик усули, юмшатирилган универсаллик, параллел жараён.

Аннотация: в данной статье автор анализирует особенности методов регулирования трансграничного банкротства. В статье освещены значение, преимущества и недостатки методов регулирования трансграничного банкротства.

Ключевые слова: трансграничное банкротство, должник, иностранный кредитор, метод территориальности, метод единого производства, метод универсальности, смягченной универсальности, параллельная процедура.

Annotation: in this article the author analyzes the characteristics of methods of regulation of cross-border insolvency. The article highlights the importance, advantages and disadvantages of regulating cross-border bankruptcy.

Key words: cross-border bankruptcy, the debtor, foreign creditors, the method of territoriality, the method of the unity, the method of the universality, mitigated universality, parallel procedure.

Ҳозирги кунда халқаро хусусий ҳуқуқ ўзида чет эл юрисдикцияси билан боғлиқ масалаларни ўзаролик асосида ҳал қилишнинг кўплаб усулларини акс эттирсан-да, бироқ у ўзида трансчегаравий банкротлик муносабатларида барча иштирокчиларининг ҳуқуқларини бир хилда ҳимоя қилишга доир самарали механизмни назарда тутмаган. Шунга қарамасдан, трансчегаравий банкротликка оид муносабатларни тартибга солишнинг иккита асосий усули (назарияси, принциплари, модели) ишлаб чиқилган бўлиб, улар ҳудудийлик усули (ҳудудий иш юритув, бир неча иш юритув) ва ягона иш юритув усулидир (универсаллик). Мазкур иш юритувлари бир-биридан қуйидаги мезонларга кўра фарқланади:

- банкротлик билан боғлиқ жараён аниқ бир давлатнинг юрисдикциясига тегишли бўлган вазият;
- чет эл давлатида мулк мавжуд бўлган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш бошқа давлатда кўзғатилган ҳолат;
- чет элда қарздорга нисбатан кўрилган ишни тан олиш;
- ишни кўриб чиқишда қўлланиладиган ҳуқуқ манбалари (миллий қонунчилик, халқаро шартномалар, бошқа давлатлар ҳуқуқлари) [1, 54-бет.].

Давлатлар миллий қонунчилигида энг кўп тарқалган усуллар бу, кўп сонли яъни, ҳудудийлик (кўп сонли) асосида иш юритишдир (the principle of plurality or

territoriality of bankruptcy ёки бу усул "grab rule" деб аталиши ҳам кенг тарқалган). Бу қоидага мувофиқ, банкротлик жараёни фақат иш кўзғатилган мамлакатдагина олиб борилади ва кейинчалик банкротлик жараёнини қарздорга тегишли бўлган активлар жойлашган мамлакатларда ҳам кўзғатилиши талаб қилинади. Ҳар бир давлатнинг суди ўзининг мамлакат ҳуқуқини (lex fori) қўллади ва ўзининг тугатишбошқарувчисини тайинлайди. Ҳудудийлик усули қарздорнинг мол-мулки ёки таркибий бўлинмалари жойлашган барча давлатларда банкротлик иши кўзғатилишини назарда тутди [2, 311-бет.]. Шундай қилиб, банкротлик жараёни иш кўзғатилган жой юрисдикцияси билан чегараланади. Ҳудудийлик усулининг мазмунида ташкилотларнинг алоҳидалик таълимоти (separate entity doctrine) ётади. Ушбу таълимотга мувофиқ, кредитор ўзининг талаблари билан "миллий" банкротлик иш юритишда (чет эллик) қарздорнинг фақат "миллий" активларига нисбатан даъво қилиши мумкин. Агар ушбу мол-мулклар даъвони қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар қарзни қолган қисмини ундиришни сўраб, қарздорнинг мулк жойлашган бошқа давлат юрисдикциясида олиб бориладиган жараёнда, чет эл ҳуқуқи асосида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, ҳудудийлик усулининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидаги белгиларни айтиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, банкротлик жараёни фақат иш кўзғатилган давлат ҳудудида жойлашган қарздорнинг мол-мулки доирасида бўлади;

Иккинчидан, ҳудудийлик усули соф ҳолда бирон-бир чет эл иш юритиши билан ўзаро алоқа қилинишини назарда тутмайди;

Учинчидан, чет эл элементи иштирок этган банкротлик жараёни ички қонунчилик билан тартибга солинади.

Хусусан, булардан энг аҳамиятлиси кредиторларни ҳар бир давлатларда алоҳида бир неча иш кўзғатиш заруратини вужудга келтиради. Чунки, турли давлатларда олиб бориладиган банкротлик жараёнлари ўртасидаги объектив фарқлар уларни бирлаштиришга имкон бермайди, бу эса кредиторлар учун харажатларни бир неча марта ортишига сабаб бўлади. Натижада, банкрот бўлаётган қарздорни тўлов қобилиятлигини қайта тиклаш имконияти кескин пасайиб кетади. Шу боис, ҳозирги кунда трансчегаравий банкротликка оид ишларни кўриб ҳал қилинишида ҳудудийлик усули етарли эмаслиги ва талабга жавоб бермаслиги олимлар томонидан умум эътироф этилмоқда [3, 499-516-бетлар.]. Шунга қарамасдан амалиёт, ҳудудийлик усули муваффақиятсизлиги ва иш самарадорлигини камайтиришига қарамасдан, ҳар бир давлат ўзига хослигидан (тартибидан) келиб чиқиб, ҳамон ҳудудийлик усулини қўллашга ҳаракат қилиб келишаётганлигини кўрсатмоқда [4, 4-бет.]. Объектив омиллар билан бир қаторда, трансчегаравий банкротликни ҳуқуқий тартибга соладиган ўзаро шартлашилган ягона концепция ишлаб чиқишнинг мурракabлиги ва бу каби ҳаракатларни давлатлар томонидан амалга оширишни хоҳламасликларига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда: биринчидан, унификациялаш натижасида давлатларнинг ўзаро қонунчилигида мустақамланган тартиб ҳамда принципларни жиддий ўзгартириш ва тузатишларга олиб келиши мумкинлиги; иккинчидан,

бу вазиятда ўртада давлатнинг миллий ғурури ва нуфузи туриши. [5, 83-бет.]

Шунга қарамаздан, ҳудудийлик усулининг (grab rule) асосий мақсади миллий жараёнлар, миллий қонунлар ва миллий кредиторларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат [6, 514-бет.]. Банкротлик институтининг алоҳида бир давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимидаги энг аҳамиятли жиҳати, ушбу соҳанинг аксарият ҳолларда чет эл юрисдикцияси билан мураккаблашиш эҳтимолининг юқорилигида намоён бўлади.

Ҳудудийлик усулини ўз қонунларида қатъий мустаҳкамлаб, унга амал қилиб келаётган давлат сифатида Японияни мисол келтириш мумкин. Мазкур давлатнинг миллий қонунчилиги тўғридан-тўғри қуйидаги икки қонун мустаҳкамлайди: биринчидан, Япония давлатида очилган банкротлик жараёни, қарздорнинг фақат Япония давлати ҳудудида жойлашган мол-мулкига нисбатан татбиқ этилади; иккинчидан, чет эл давлати ҳудудида очилган банкротлик иши Япония давлати ҳудудида жойлашган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди [7, 1, 6-9-бетлар.].

Шу билан бир қаторда, ҳудудийлик усулини қўллашнинг айрим ижобий жиҳатлари ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, биринчи навбатда, ушбу давлат кредиторлари эътиборини юқори даражада ўзига тортади, чунки қарздорнинг банкротлик ҳолати вужудга келганда уларга берилган имтиёзлар чет эл кредиторлариники билан таққосланганда кўпроқ бўлганлиги сабабли, уларга анча паст қийматдаги кредит таклиф қилиниши мумкин [4, 19-бет.]. Ҳақиқатан ҳам, бу инвестицион муҳитдаги имкониятлар қарздорнинг чет эл кредиторларига зарар етказди, чунки мазкур вазиятда бундай қарздор ўз давлатига янги кредиторларни жалб қилгунига қадар ўзининг миллий кредиторларига эга бўлган бўлса, банкротлик вазиятида амал қилаётган ҳудудийлик усули, автоматик равишда дастлабки кредиторлар ҳуқуқларини биринчи навбатда таъминланишини назарда тутди.

Трансчегаравий банкротликка оид муносабатларни тартибга солишнинг иккинчи таянч усули (назария, принцип, модель) бу, аъъанавий равишда банкротликка доир ягона иш юритув усули (the principle of the unity of bankruptcy) деб номланиб, у қоида тариқасида қарздорни бошқа юрисдикциялар томонидан тан олинадиган талаблар асосида тижорат фаолиятини олиб бораётган жойда банкрот деб топишга доир фақатгина ягона иш юритишни амалга ошириш мумкинлигини назарда тутди [8, 575- 576-бетлар.]. Мазкур тизимда асосий бошқарув маркази чет элда жойлашган компаниянинг бўлинмаларига нисбатан банкротлик ишини алоҳида кўришни талаб қилишнинг имкони бўлмайди [2, 311-бет.]. Ягона иш юритув усули (универсаллик) банкротлик ишини кўришни ягоналик таълимотига (single entity doctrine) асосланади. Бу таълимотга кўра, қарздорга нисбатан унга тегишли бўлган барча мол-мулк қаерда жойлашганидан қатъий назар, миллий суд томонидан очилган банкротлик иши билан қамраб олиниб, барча кредиторлар қаерда жойлашганидан қатъий назар ўз талабларини мазкур иш доирасида билдирадилар [2, 311-бет.].

Ягона иш юритув усули банкротлик жараёнининг бошқа универсаллик усули (universality) билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки универсаллик усулида

ҳам агар қарздор бўйсунадиган юрисдикция аниқланган бўлса, банкротлик тўғрисидаги қарор тўловга қобилиятсиз қарздорнинг мол-мулклари ва бўлинмалари жойлашган бошқа давлатлар ҳудудида бирон-бир қўшимча (банкрот деб) тан олишларсиз кўчга эга бўлади. Шундай қилиб, бир томондан, чет эл элементи билан мураккаблашган банкротлик ишини кўриш жараёнида миллий судни ваколати сезиларли даражада ортади. Унинг ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

– банкротлик жараёнини кўришнинг барча масалалари (кредиторлар талабларини ва уларнинг қарздорлари эътирозларининг асослилигини кўриб чиқиш, тугатувчи бошқарувчини тайинлаш ва б.);

– аниқ бир банкротлик иши билан боғлиқ ҳолда вужудга келмайдиган, бироқ уни кўриб чиқиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни кўриш (жараён билан боғлиқ битимни ҳақиқий эмас деб топиш; бошқарувчининг ҳаракатларидан шикоят қилиш; қарздорни банкрот бўлишига сабабчи бўлган масъул шахсни субсидиар жавобгар сифатида ишга жалб қилиш тўғрисидаги талабни кўриш ва б.);

– жараёндан кўзланган мақсадга эришиш мақсадида вужудга келадиган, низоларни табиатида кўра алоҳидалиги [5, 48-49-бетлар.]. Бошқа томондан, банкротлик жараёнидаги универсаллик усулида қарор учинчи давлатлар томонидан (кредиторлар давлатида, қарздорнинг мол-мулки жойлашган давлатда ва банкротлик жараёнини кўришда тўзиладиган шартномаларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тегишли бўлган давлатда) тан олиниши фараз қилинади. Бундай фараз қилинишига сабаб, биринчидан, банкротлик ишини очган суднинг халқаро юрисдикцияга эга эканлиги, иккинчидан, мазкур жараён доирасида чиқарилган қарорларнинг юридик кучи, ҳар қандай бошқа юрисдикциялар томонидан тан олиниши, учинчидан, ўз ҳудудида чет эл ҳуқуқини қўллаш имконини беришидир.

Шундай қилиб, ягона иш юритув (универсаллик) усули муҳим белгиларининг соф кўринишлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, қарздорга нисбатан фақат битта банкротлик жараёнини олиб борилиши;

Иккинчидан, қарздорга нисбатан параллел ва қўшимча жараёнларни олиб борилишига йўл қўйилмаслиги;

Учинчидан, жараёнга жойлашган жойидан қатъий назар қарздорнинг барча мол-мулклари жалб қилиниши;

Тўртинчидан, чет эл элементи билан мураккаблашган банкротлик ишини тартибга солишда миллий қонунчилик билан бир қаторда халқаро манбалар ҳам тан олиниши.

Адабиётларда ягона иш юритув усулининг афзалликлари билан бир қаторда айрим камчиликлари ҳам мавжудлиги қайд этилган [9, 228-бет.]. Хусусан, ягона иш юритуви усулининг энг асосий муаммоларидан бири унинг амалиётга жорий қилишнинг ниҳоятда қийинлиги билан тавсифланади. Чунки, чет эл рақобат ҳуқуқи асосидаги чет эл банкротлик жараёни юзасидан чиқарилган чет эл суди қарорини ўз ҳудудида тан олинишига йўл қўядиган давлат, амалда ўзининг суверенитетининг бир қисмидан воз кечиб, ўз суверен ҳокимиятининг мухторлиги тамойили асосида муносабатга киришади. Шу боис, универсаллик (ягона иш юритув) усулини амалиётда қўлланилишини таъминлаш учун

давлатлар ўртасида ўзаро юқори даражадаги ишонч ва банкротлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган тизимларнинг ўзаро яқин бўлиши талаб қилинади. Бироқ, В.Степановнинг фикрига кўра, амалиётда трансчегаравий банкротликка оид ишларни кўришда универсаллик усулини тўлиқ қўллаш учун давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий ишонч даражаси етарли эмас [10, 194-бет.].

В.Кулешов бу муаммоли вазиятни бартараф этишнинг йўли деб, илгари сурилаётган ечимлар ичида энг мақбули бу, давлатлар ўртасида тегишли халқаро келишувларни тузилишига эришиш лозим деб кўрсатади [5, 48-49-бетлар.].

Ягона иш юритув усулининг асослари XX асрнинг бошлариданоқ яратила бошланган бўлиб, халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича 1902–1904 йилларда бўлиб ўтган Гаага конференциясида банкротлик тўғрисидаги конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиши режалаштирилган эди. Конвенцияни кўп томонлама шартнома сифатида қабул қилиниши назарда тутилмаган эди. У алоҳида давлатлар ўртасида тузиладиган икки томонлама битимлар ёки бир томонлама шартномалар учун намуна сифатида хизмат қилиши лозим бўлган [11, 24-бет.].

Бу соҳада халқаро келишувларни тузиш учун қилинган ҳаракатлар сони кўп бўлса-да, бироқ ўзининг таъсир доирасига кўра нисбатан кўп ҳудудни қамраб олган кўп томонлама шартномаларга Лотин Америкасининг 1933 йилдаги Банкротлик масалалари бўйича Скандинавия конвенцияси ва Монтевидео ва Бустаманте конвенцияларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин [12, 6-бет.]. Хусусан, Филип Р Вудни таъкидлашча, Банкротлик масалалари бўйича Скандинавия конвенцияси банкротликка оид қонунчилик тизимлари алоҳида бўлган давлатларни, шу тоифадаги ишларни ҳал қилиш йўлида бирлаштирувчи энг мақбул ҳужжат сифатида мисол бўла олади [9, 293-бет.].

Мазкур соҳадаги халқаро шартномаларни тузишдан кўзланган асосий мақсад бир давлат ташкилотининг иккинчи давлат ҳудудида банкрот деб топиш билан боғлиқ муносабатларда кредитор ва қарздорларни ҳуқуқларини тенг таъминлашнинг кафолатлашдан иборат. Чунки, халқаро шартномалар тузишда ҳар бир давлатнинг тенг ҳуқуқлиги ва мустақиллигини ҳурмат қилиш тамойилига амал қилинади [13, 27-бет.].

Бугунги кунда ҳудудийлик усули ва ягона иш юритув усули ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишнинг энг кўп тарқалган йўли бу, уларни ўзаро бириктириш ҳисобланади. Ягона иш юритув (универсаллик) ва ҳудудийлик усуллари соф ҳолатда, трансчегаравий банкротликни тартибга солиш зарурати вужудга келганда, айниқса давлатларда банкротлик соҳасидаги қонунчиликни шакллантиришга йўналтирилган амалиётда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашда намоён бўлади. Фласчен Эван бу масалада, “трансчегаравий банкротликни тартибга солиш механизмини яратиш учун ягона иш юритув ва параллел ҳудудий иш юритиш кўрсаткичларининг аҳамиятли элементларини бирлаштириш талаб этилиши лозимлигини”, айтиб ўтган [14, 621-бет.]. Ҳозирги кунда, ушбу тажриба амалиётда кенг қўлланиб келинмоқда. Чет эл элементи иштирок этган банкротлик муносабатларини, шу тартибда кўриб чиқишнинг тартибга солиш тизими амалиётда “юмшатирилган универсаллик” деб ном олган. Улар қоида тариқасида, (мисол учун) қарздорни бош офиси

жойлашган бир давлатда очилган банкротлик тўғрисидаги асосий иш билан бир қаторда, қарздорни чет элда жойлашган бўлинмалари ёки мол-мулкларни юзасидан алоҳида (иккинчи даражали) банкротлик ишини олиб бориш имконини беради. Шундай қилиб, маҳаллий иш юритув асосий иш юритувга нисбатан ёрдам бериш хусусиятига эга бўлади. Ҳудудийлик ва универсаллик усулини аралашуви миллий даражада қандай содир бўлса, халқаро даражада ҳам худди шундай содир бўлади. Трансчегаравий банкротликни тартибга солинишини аралаш кўриниши АҚШнинг трансчегаравий банкротликка оид қонунчилигида яққол акс этган. Яна мисол тариқасида, халқаро манбалардан ЕИнинг банкротликка оид ишларни юритиш тўғрисидаги №1346/2000 Регламентини келтириш мумкин. [15, 25-31-бет.].

Келажакда миллий қонунчилигимизнинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунчиликни ва рақобат қонунчилигини такомиллаштирилиши, шубҳасиз трансчегаравий банкротлик масалаларини тартибга солишга қаратилган нормаларни ҳам ишлаб чиқишнинг талаб қилади. Шу боис, трансчегаравий банкротликка оид ишларни кўриб ҳал қилишга доир миллий қонунчилигимизни яратиш ва такомиллаштиришда энг самарали усулни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мазкур соҳадаги Ўзбекистон Республикасининг банкротликка доир ички қонунчилигида ягона иш юритув ва ҳудудийлик усулининг аралашган кўринишини танлаш нисбатан мақбул усул бўлиши мумкин. Шунингдек, қонунчиликда алоҳида ҳолларда халқаро шартномалар мавжуд бўлган тақдирда, универсаллик усулини қўлланилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Lore Unt. International Relations and International Insolvency Cooperation: Liberalism, Institutionalism and Transnational Legal Dialogue // Law and Policy in International Business. 1997. – P. 75.
2. Devos D. Specific Cross-Border Problems Regarding Bank Insolvencies and European Harmonization Efforts // International Bank Insolvencies - A Central Bank Perspective, 1999. – P. 311.
3. Westbrook Jay Lawrence. Choice of avoidance Law in Global Insolvencies. 17 Brook. J. Int'l L. 1991. – P. 499, 516
4. Lucian AryeBebchuk, Andrew T. Guzman. An Economic Analysis of Transnational Bankruptcies. NBER Working Paper 6521. April 1998. – P. 4. <http://www.nber.org/papers/w6521>.
5. Кулешов В. В. Унификационные тенденции правового регулирования несостоятельности (банкротства) в странах Европейского союза. Дис. ... канд. наук. М., 2002. – С. 83.
6. Westbrook Jay Lawrence. Choice of avoidance Law in Global Insolvencies. 17 Brook. J. Int'l L. 1991. – P. 514.
7. ShoichiTagashira. Intraterritorial Effect of Foreign Insolvency Proceedings: An Analysis of "Ancillary" Proceedings in the United States and Japan. 29 Tex. Int'l LJ (1994). – P. 1, 6 - 9.
8. Trautman Donald T., Westbrook Jay Lawrence, and Gaillard Emmanuel. Four Models for International Bankruptcy// The American Journal of Comparative Law. 1993. Vol. 41. – P. 575 - 576.

9. Philip R Wood. Principles of International Insolvency. L., 1995. P. 228.

10. Степанов В. В. Правовые системы регулирования банкротства. Дис. ... канд. юрид. наук. М., 1998. – С. 194.

11. Ануфриева Л. П. Международное частное право. В 3-х т. Т. 3. М., 2001. – С. 24.

12. Nierop E., Stenstrom M. Cross-Border Aspects of Insolvency Proceedings for Credit Institutions - a Legal Perspective // International Seminar on Legal and Regulatory Aspects of Financial Stability. Basel. 2002. – P. 6.

13. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик//Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқ. /Ҳ.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002 йил. 27 б.

14. Flaschen D. Evan. The Role of the Examiner as Facilitator and Harmonizer in the Maxwell Communication Corporation International Insolvency. Current Developments in International and Comparative Insolvency Law. Oxford, 1994. – P. 621.

15. Кулешов В. Банкротство по нормам Европейского союза // Бизнес-адвокат. 2001. № 11. – С. 25-31.

Дж. Сафаров,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ (ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ)

Аннотация: мақолада экология соҳасида бошқарувга оид хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган, неоклассик ва неокейсиан моделлари таққосланган, хорижий мамлакатларда экология соҳасида давлат бошқаруви ҳамда назорати органларининг ҳуқуқий мақоми таҳлил қилинган ҳамда экология соҳасида бошқарувга оид хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бошқарув, назорат, давлат бошқаруви, давлат органлари, неоклассик ва неокейсиан модели, иқтисодий усуллар, вазирлик, инспекция.

Аннотация: в статье изучен опыт зарубежных стран в сфере управления экологией, сопоставлены неоклассическая и неокейсийская модели управления, анализирован правовой статус органов государственного управления и контроля в сфере экологии, а также разработаны предложения и рекомендации с учетом опыта зарубежных стран в сфере управления экологией.

Ключевые слова: управление, контроль, государственное управление, государственные органы, неоклассическая и неокейсианская модели, экономические методы, министерство, инспекция.

Annotation: in article experience of foreign countries in sphere management of ecology is studied, neoclassical and neocasual management models are compared, legal status of state bodies in this sphere is analyzed, and offers and recommendations in sphere of management are developed.

Key words: management, control, government, state structures, neoclassical and neocasual models, economic methods, ministries, inspection.

Экология соҳасида давлат бошқаруви масалалари азал-азалдан энг долзарб масала, экология ҳуқуқининг марказий институти сифатида кўриб келинади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда ғарб олимлари томонидан экологик муаммоларни ҳал қилиш учун табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг турли моделлари таклиф этилмоқда. Улар ишланмаларининг назарий асосларини икки бош – неоклассик ва неокейсиан сиёсий-иқтисодий мактаблари белгилайди. Биринчи концепцияда бозор, иқкинчисида эса, давлат томонидан тартибга солиш устувор аҳамият касб этади.

Неоклассик модели тарафдорлари экологик муаммоларни ҳал қилишнинг асосий усули сифатида нарх механизмини кўрсатадилар. Унинг асосида атроф муҳитни бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашга оид солиқ тўловлари, шунингдек, ифлослантириш ҳуқуқининг олди-сотдиси ётади. Неоклассик модель кўпчилик томонидан танқид қилинмоқда. Биринчидан, у табиатни сақлаш муаммосини ҳал қилмайди: ташкилот атроф муҳитни

ифлослантириш ҳуқуқини сотиб олиши ва уни муҳофаза қилиш учун харажат қилмаслиги мумкин. Иккинчидан, тўловларнинг солиқ шакли соф фойдани камайтиради ва шунга мувофиқ, хусусий капитал манфаатларига таъсир кўрсатади.

Неокейсиан модели эса, нафақат иқтисодий манфаатларни ифодалайди, балки кўп жиҳатдан атроф муҳитни сақлашнинг умуминсоний қадриятларига ҳам мос келади, табиатдан фойдаланишни умумлаштиришга ва табиатни ижтимоийлаштиришга ёрдам беради. Ушбу моделга кўра, экологик эҳтиёжларни қондириш бевосита ижтимоий хусусият касб этади (тоза ҳаво ва сув жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун зарурдир) [1, 61-бет].

Неокейсиан модели назарий тузилмасининг бош ғояси табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни маъмурий-тартибга солувчи усуллар (нормативлар, стандартлар, тақиқлар ва шу каби)ни табиий ресурслардан фойдаланувчиларни мажбурлаш ва рағбатлантиришнинг иқтисодий дастаклари билан мувофиқлаштирган ҳолда давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солишни кўзда тутди. Унинг замирида табиатга етказилган зарарнинг баҳоси эмас, балки атроф муҳит яхлитлигининг бузилиши даражасини камайтириш учун сарфланадиган харажатлар миқдори ётади.

Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг неокейсиан модели кўплаб ривожланган мамлакатлар экологик сиёсатининг асосида ётади. Ушбу моделга асосан, табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш механизмини очиб берувчи иқтисодий тартибга солиш усулларини куйидагича таснифлашимиз мумкин:

1. Давлат томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш аҳамиятидаги турли чора-тадбирларни бевосита амалга ошириш: а) экологик сиёсатни ахборот билан таъминлаш, шу жумладан, мониторингни ташкил қилиш тизимини, мутахассис кадрлар тайёрлашни молиялаштириш ва ташкил қилиш; б) ердан фойдаланишни тартибга солиш, ҳудудни режалаштириш ва кўкаламзорлаштириш, хўжалик объектларини ҳудудий жойлаштириш; в) экологик сиёсатнинг алоҳида объектлари бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш: ўрмонларни тиклаш, соҳил бўйи денгиз сувларини муҳофаза қилиш, сув иншоотларини қуриш, айрим турдаги қаттиқ чиқиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва йўқ қилиш, айрим тоифадаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш ва б.к.; г) халқаро ҳамкорлик дастурлари доирасида мажбуриятларни бажариш, халқаро ташкилотлар фаолиятида, халқаро келишувларни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тартиби қоида ва меъёрларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

2. Давлат томонидан хусусий секторнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий рағбатлантириш (иқтисодий усуллар): а) хусусий фирмаларга, маҳаллий ҳокимият органларига бевосита ва билвосита субсидиялар (инвестициявий ва эксплуатация харажатларини қоплаш учун); б) қуйи фоизлар бўйича заём ва кредитлар, банк ссудалари бўйича кафолатлар; в) тозалаш қурилмаси ва бошқа экотехникани тезкор амортизацияси режимини тақдим этиш; г) экотехникани сотиш бўйича билвосита солиқ ставкалари бўйича имтиёзлар ёки солиқдан озод этиш; д) хусусий ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш

дастурларидан олган даромадлари учун солиқ имтиёзлари; е) маҳаллий марказлашган сувни тозалаш қурилмаларида оқова сувларни тозалаш бўйича фирмаларга имтиёзли тарифлар.

3. Табиатдан фойдаланувчиларни атроф муҳитни муҳофаза қилишга мажбурлашга йўналтирилган давлат чоралари (норматив тартибга солиш ва жарима санкциялари): а) йирик хўжалик лойиҳаларининг атроф муҳитга таъсирини мажбурий баҳолаш (экологик экспертиза); б) экологик нормативлар, меъёрлар ва стандартлар (эмиссиявий, технологик, хомашё сифати, маҳсулотга нисбатан); в) тақиқлар, чеклашлар, рухсат берувчи тизимлар (доимий ёки вақтинчалик амал қилиш воситалари); г) давлат органлари ва ифлослантирувчилар ўртасидаги келишув, шартномалар (тармоқ, ҳудудий); ташкилотларнинг давлат томонидан текширилиши; д) ифлослантирганлик учун тўловлар (қайта тақсимловчи тўловлар), бошқа тўловлар – экологик нормативлар билан биргаликда; е) табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ва қоидаларини бузганлик учун жарималар, бошқа иқтисодий ва маъмурий санкциялар, ташкилотни ёпиш.

4. Табиатдан фойдаланувчиларни атроф муҳитни муҳофаза қилишга ундашга йўналтирилган давлат чоралари (бирлаштирилган норматив-бозор воситалари): а) ифлослантирганлик учун пул кўчириш; б) ифлослантириш ҳуқуқи (рухсатномаси) олди-сотдиси.

Шундай қилиб, табиий ресурслардан фойдаланишни экологик тартибга солиш механизмида асосий роль давлатга тегишли бўлиб, унинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ҳам монополия манфаатларини муҳофаза қилишга, ҳам атроф муҳитни сақлаб қолишдаги умуммиллий эҳтиёжларни қаноатлантиришга йўналтирилган бўлади [1, 62-63-бетлар].

Таъкидлаш лозимки, табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг кўрсатилган моделлари доирасида экология соҳасида махсус ваколатли органлар фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилади. Хусусан, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида қонунчилик талабларига риоя этиш устидан назорат қилиш ва маъмурий ҳуқуқни қўллашни амалга ошириш учун масъул турли институционал мақомга эга бўлган махсус бўлинмалар фаолият кўрсатади.

Шу ўринда экология соҳасида давлат бошқаруви бўйича хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, ўрганилган давлатлардан аксариятида (180 тадан 144 та ёки бўлмаса 80% давлатда) атроф муҳит ёки унинг алоҳида ресурсларини бошқариш бўйича махсус вазирликлар тузилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин [2]. Экология соҳасида махсус вазирликлар ташкил этган хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг маълум қисмида экология (баъзи давлатларда – атроф муҳит ёки табиат тушунчалари қўлланилган) бўйича алоҳида махсус вазирлик ташкил қилинган бўлса, яна бир гуруҳида экология бошқа ижтимоий-экологик масалалар билан шуғулланувчи вазирликлар таркибига киритилган.

Умуман олганда экология соҳасидаги махсус ваколатли вазирликлар фаолиятидан келиб чиқиб, уларни куйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

Биринчи. Экология соҳасида махсус вазирликлар ташкил этмаган давлатлар (Аргентина, Афғонистон,

Баҳрайн, Бельгия, Бутан, Бруней, Марказий Африка Республикаси, Комор ороллари Республикаси, Эфиопия, Фиджи, Габон, Ватикан, Конго, Қувайт, Қирғизистон, Лесото, Либерия, Ливия, Люксембург, Маршалл ороллари, Мавритания, Монако, Монтенегро, Мозамбик, Науру, Нигер, Покистон, Панама, Парагуай, Сент Луис, Саудия Арабистони, Сиерра Леон, Сурия, Тожикистон, Эфиопия – жами ўрганилган давлатларнинг 36 таси ёки 20%).

Иккинчи. Айнан экология (атроф муҳит, табиат) бўйича алоҳида махсус вазирлик ташкил этган давлатлар (Арманистон, Бермуда, Бразилия, Гаити, Дания, Жанубий Корея, Жанубий Судан, Индонезия, Иордания, Ироқ, Исландия, Исроил, Италия, Камбоджа, Камерун, Канада, Қатар, Қозоғистон, Лебанон, Литва, Миср, Монголия, Непал, Нигерия, Норвегия, Перу, Польша, Сенегал, Словакия, Тайван, Тунис, Туркманистон, Финляндия, Хитой Халқ Республикаси, Хорватия, Чехия, Чили, Швеция, Шри Ланка, Эквадор, Эрон, Эстония, Янги Зеландия ва Япония – жами 44 та давлат ёки барча ўрганилган давлатларнинг 24%).

Учинчи. Экология (атроф муҳит, табиат) ҳамда табиий ресурслар бўйича ёхуд фақат табиий ресурслар бўйича алоҳида вазирлик ташкил этган давлатлар (Белиз, Беларус, Венесуэлла, Венгрия, Вьетнам, Гватемала, Гондурас, Грузия, Доминикан Республикаси, Зимбабве, Лаос, Малайзия, Мексика, Молдова, Никарагуа, Озарбайжон, Палау, Россия, Самоа, Сингапур, Сомали, Таиланд, Туркия, Украина, Филиппин, Эл-Салвадор, Швейцария – жами 27 та давлат ёки барча ўрганилган давлатларнинг 15%).

Тўртинчи. Яна бир гуруҳ давлатларда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кенг ва хилма-хил масалалар билан қамраб олинган. Хусусан, ушбу гуруҳ давлатларда экология барқарор ривожланиш, ядровий хавфсизлик, иқлим, иқлим ўзгариши, ўрмон, ўрмон савдоси, сув, балиқчилик, ер, қишлоқ хўжалиги, ирригация, дренаж, консервация, аҳоли, урбанизация, озиқ-овқат, уй-жой, қурилиш, ҳудуд, маҳаллий ҳокимият, режалаштириш, алоқа, энергетика, инфратузилма, кончилик, минерал ресурслар, метреология, санитария, маданият, туризм, бошланғич таълим, илм-фан, технологиялар, экспорт каби масалалар билан шуғулланувчи вазирликлар таркибига киритилган (Австралия, Австрия, Албания, Алжир, Ангола, Антигуа ва Барбода, Багама, Бангладеш, Барбадос, Бенин, Бирлашган Араб Амирликлари, Бирма, Болгария, Боливия, Босния ва Герцоговина, Боцвана, Буркина Фасо, Бурунди, Буюк Британия, Гамбия, Гана, Гвинея, Германия, Гренада, Греция, Джибути, Доминика, Жанубий Африка, Ирландия, Испания, Капо Верде, Кения, Кипр, Кирибати, Колумбия, Конго, Косово, Коста Рика, Кот д-Ивуар, Куба, Латвия, Линхнштейн, Мадагаскар, Македония, Малави, Малдив, Мали, Мальта, Марокко, Намибия, Нидерландия, Папуа янги Гвинеяси, Португалия, Руанда, Руминия, Сан Марино, Сейшалл, Сербия, Словения, Соломон ороллари, Судан, Танзания, Уганда, Уммон, Уругвай, Франция, Ҳиндистон, Чад, Эфиопия, Ямайка ва Яман – жами 73 та давлат ёки барча ўрганилган давлатларнинг 41%).

Экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишда назорат қилувчи органлар (инспекциялар) ҳам катта ўрин тутди. Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида “яшил” (табиатни муҳофаза қилиш) ва “кулранг” (атроф муҳитни

ифлослантиришнинг олдини олиш ва назорат) соҳаларда инспекция фаолияти ва маъмурий ҳуқуқни қўллаш функцияси кўпинча бирлаштириб юборилди (Арманистон, Грузияда) ёки бир неча инспекцияларга тақсимланади (Беларусь). Қозоғистон ва Россияда эса, “яшил” ва “кулранг” соҳаларда назорат функцияси бутунлай ажратилган.

Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида экологик инспекциянинг горизонтал ташкил этилиши кенг доирадаги қарорлар соҳаси – атроф муҳитнинг у ёки бу қисмига нисбатан алоқадорликдан тортиб, мажбуриятларни функционал тақсимланиши принципи асосида қурилган моделгача бўлган йўналишлар билан тавсифланади. Мажбуриятларни функционал тақсимланиши принципи асосида қурилган модел Грузия ва Қозоғистонда ташкил этилган янги инспекцияларда амалга оширилган. Қатор мамлакатларда горизонтал тузилмалар бир неча мезонлар мажмуини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган: жумладан, Арманистон, Молдова, Украина, Қирғизистон ва Тожикистонда атроф муҳит қисмларига алоқадор модел сақланиб қолинмоқда. Айни дамда эса, экологик мақсадларга эришиш учун ресурслардан фойдаланишни барқарорлаштириш ва саноатга маъмурий босимни қисқартиришга мақсадларига қаратилган функционал принцип бўйича ажратилган турли тузилмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Функционал моделни қабул қилиш функцияларни батафсил таҳлил қилишни, имконият бўлса, уларни оптималлаштиришни, шундан кейин кластерларни шакллантириш, яъни функционал гуруҳлар сонини чеклаш талаб қилинади.

Экологик бошқарувни вертикал ташкил этиш икки томонлама бўйсунувга – ҳам марказий ҳуқуматга, ҳам маҳаллий ҳокимият органларига бўйсунувга йўл қўяди. Тожикистонда маҳаллий даражадаги экологик инспекциялар ҳам табиатни муҳофаза қилиш маъмуриятига, ҳам маҳаллий маъмуриятга бўйсунди. Украинада бош инспектор лавозимида номзодлар маҳаллий маъмурият томонидан тасдиқланади, бу эса, амалда ўзига хос икки томонлама бўйсунувга олиб келади ҳамда жавобгарликни ва бўйсунувни тақсимлашда ноаниқликка сабаб бўлади [3].

Гувоҳи бўлганимиздек, хорижий давлатларда атроф муҳит масалалари кўп ҳолларда бошқа турдош муносабатлар (алоҳида табиий ресурслар, улардан фойдаланиш), баъзида эса, бошқа гуруҳ ижтимоий муносабатлар (таълим, маданият, туризм, шаҳарсозлик, халқ хўжалиги тармоқлари ва б.қ.) билан биргаликда бошқарилади.

Умуман олганда экология соҳасида бошқарувга оид хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, фикримизча, қуйидагича учта муҳим хулоса чиқаришимиз мумкин.

Биринчидан, мамлакатимизда ҳам экология соҳасида давлат бошқарув органи (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари) фаолиятини янада кенгайтириб, унинг таркибига ҳозирги кунда дунё давлатларининг аналогик органлари шуғулланиб келаётган замонавий муаммолар – барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши, экологик туризм, экологик таълим, экологик технологиялар билан боғлиқ масалаларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Иккинчидан, табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг неокейсиан моделига асосланган ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб,

табiiй ресурслардан фойдаланишни бошқаришда иқтисодий ва ташкилий тартиб-таомилларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, айна дамда экологик ахборот, экологик мониторинг, экологик режалаштириш каби институтлар фаолиятини фаоллаштириш, хусусий секторнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий рағбатлантириш, табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ва қоидаларини бузганлик учун юридик ва иқтисодий (молиявий) жавобгарлик тизимини тубдан ислоҳ этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари тажрибасдан келиб чиқиб, шунингдек, халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам табиатни муҳофаза қилиш (“яшил”) ва атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш ва назорат (“кулранг”) соҳаларда текшириш фаолиятини бир-биридан ажратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, амалдаги маъмурий қонунчиликда давлат бошқарув органлари турлари (вазирлик, қўмита, инспекция, агентлик ва ҳ.к.) ўртасида қатъий фарқларнинг белгиланмаганлиги уларнинг фаолиятида ноаниқликлар ва такрорланишларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, вазирликлар, қўмиталар, инспекциялар ва агентликларни функционал вазифаларини ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу вазифани хусусан, “Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Основы экологии и природопользования. Учебное пособие / Дикань В.Л., Дейнека А.Г., Позднякова Л.А., Михайлов И.Д., Каграманян А.А. – Харьков: ООО «Олант», 2002. – С. 61.

2. Chiefs of State and Cabinet Members of Foreign Governments directory. – USA, NY: CIA (Central Intelligence Agency), January, 2013.

3. Практика реализации экологического законодательства: ход модернизации систем экологического регулирования и контроля в странах Восточной Европы, Кавказа и Центральной Азии // Доклад Организации экономического сотрудничества и развития, OECD, 2007.

Ҳ.Ҳайитов,
ТДЮУ мустақил изланувчиси,
юридик фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақолада сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар, сув муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича халқаро тажриба ва ушбу тажрибадан Ўзбекистон Республикаси сув қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланиш жиҳатлари, Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини ишлаб чиқишга оид тақлиф ва мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: сув ҳуқуқи, сув қонунчилиги, сув кодекси, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, сувни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, сув кадастри.

Аннотация: в статье изложены такие вопросы, как особенности права водопользования и её охрана, пробелы правового регулирования этих отношений, международный опыт по правовому регулированию водных отношений и использование этого опыта в совершенствовании водного законодательства Республики Узбекистан, внесены предложения по разработке Водного кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: водное право, водное законодательство, водный кодекс, право водопользования, правовая охрана вод, водный кадастр

Annotation: The article outlines issues as especially water rights and its protection, gaps in the legal regulation of these relations, international experience of legal regulation of water relations and use this experience for the improvement of water legislation of the Republic of Uzbekistan, made proposals for the development of the Water Code of the Republic of Uzbekistan.

Key words: Water law, water law, water code water rights legal protection of water, water cadastre.

Сувдан оқилона ва тежамли фойдаланиш бугунги кунда ер шари ҳамжамияти учун энг долзарб муаммолардан бири саналмоқда. Чунки, сув ресурслари инсоният яшаши ва фаолият кўрсатиши учун энг зарур табиий ресурс, ўрнини босиб бўлмайдиган табиат бойлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Суғориладиган ҳудудларда сув табиатнинг бебаҳо инъомидир. Бутун ҳаёт сув билан боғлиқ. Зотан, сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тугайди”[1, 513-бет].

Маълумки, сайёрамиздаги чучук сувлар захирасининг 98 % ер ости сувлари ҳиссасига тўғри келади, лекин уларнинг тенг ярми ер юзасидан 800 метрдан ортиқ чуқурликда жойлашган. Бундай чуқурликдаги сувни юқорига чиқариш кўп куч ва маблағ талаб қилади. Чучук сув захирасининг 1,47 фоизи ер усти кўлларида ва фақат 0,1 фоизигина дарё ва сойларда жамланган бўлиб, одамзод фақат шу сувларни истеъмол қилади, холос.

Кўриниб турибдики, истеъмолга яроқли сувларнинг захираси жуда кам бўлиб, бунинг устига улар инсоннинг нотўғри фойдаланиши таъсирида йил сайин камайиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотиغا кўра, ҳозирги кунда Ер шари аҳолисининг 40% жойлашган 80та мамлакатда ичимлик сувининг танқислиги сезилмоқда. Айниқса, 1млрд. аҳолини камраб олган ривожланаётган мамлакатларда кишилар тоза ичимлик суви етишмаслигидан жиддий кийналмоқда, етарлича тозаланмаган сувни истеъмоладан қилиш оқибатида ҳар йили тахминан 10 млн киши ҳаётдан кўз юммоқда. Жаҳон Банкнинг башоратига кўра, XXI асрнинг ўрталарига бориб дунё аҳолисининг 40 фоизи чучук сув етишмаслигидан азият чекиши, 20 фоиз аҳоли эса қарийб чучук сувсиз яшашга тўғри келиши тахмин қилинмоқда.

Вужудга келган ушбу ҳолатдан чиқиб кетиш йўлларида бири сифатида дунё ҳамжамияти томонидан Барқарор ривожланиш концепцияси [2] ишлаб чиқилиб, унда сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув объектларидан оқилана фойдаланиш асосий муаммолардан бири сифатида белгиланди. БМТ томонидан сув муаммосига бағишлаб ўтказилган саммитларда Бутунжаҳон барқарор ривожланишнинг асоси сифатида бешта асосий муаммо – Сув ва канализация, Энергия, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги ва Биохилмаҳиллик алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Бунда сув муаммоси бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асоси эканлиги туфайли ҳам биринчи ўринда турибди.

Сув муносабатлари соҳасида хавфсизликни таъминлаш, барқарор ривожланишни амалга оширишда жамият, табиат ва инсон ўзаро муносабати мувозанатини бугунги кун талаблари даражасида тартибга солишга қаратилган, мукамал такомилга етган сув қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади. Аммо, бугунги кунда сув қонунчилиги экологик тангликни бартараф этишга лозим даражада кўмаклашяпти деб бўлмайдиган, аксинча у декларатив характердалиги, муносабатларни тартибга солишда тегишли мурувватсизлиги билан кўзга ташланмоқда. Сув қонунчилигининг яна бир камчилигини шунда кўриш мумкинки, унда сув ресурсларини муҳофаза қилиш муносабатларига тегишли бўлган экологик талаблар, сув ресурсларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, юридик жавобгарлик қўллаш масалалари тўла ўз ифодасини топган эмас. Бундан ташқари, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг кодификациялашган мажмуага эга эмаслиги, локал норматив ҳужжатларга бўлиб ташланганлиги ҳам муаммони тўла ва етарли даражада ҳал қилинишига тўсиқ бўлмоқда.

Маълумки, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратиш ўта мураккаблиги билан характерланади. Бунинг сабабини сув ресурсларининг трансчегаравий аҳамият касб этиши, унинг кўпинча миллий чегараларни билмаслиги, табиий кучларнинг инсон куч-қудратидан устунлиги, сув бойликларининг инсон меҳнати маҳсули эмаслиги, унинг умумий қонуниятларининг жамият қонунларига бўйсунмаслиги ва шунга ўхшаш ҳолатларда кўриш мумкин.

Шуни айтиш керакки, юридик адабиётларда сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратиш

ва ишлаб чиқиш назарияси муаммолари деярли тадқиқ қилинмаган. Келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг асосини ташкил этадиган ғоялар, мақсадлар ва концепциялар ҳақидаги масалаларда аниқлик ва яқдиллик йўқ.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратиш жараёнида вужудга келадиган муҳим муаммо бу - жамиятнинг экологик ва иқтисодий манфаатлари ўртасидаги мақбул муносабатни илмий асосда белгилаш ва уни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат бўлиши лозим. Аммо, амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу масалада қонун ижодкорлиги иқтисодни экологиядан устуворлигини ўрнатиш йўлидан борди. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратишда шундай йўлни топиш лозимки, шундай воситаларни қўллаш зарурки, бир томондан хўжалик фаолияти тараққий этсин, иккинчи томондан сув бойликларини муҳофаза этиш муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берсин. Шунга кўра, сув қонунчилиги табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига устуворлик бериб, иқтисодиёт ва экология узвийлиги мезонига алоҳида аҳамият бериши керак.

Ушбу муаммога тааллуқли ечилиши лозим бўлган бошқа муҳим масала бу - сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қиладиган меъёрий ҳужжатнинг тури қандай бўлиши керак?, деган саволдир. Маълумки, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар турли туман бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлса ҳамда яхлит бирликни ташкил этса улар мажмуалашган меъёрий ҳужжат, яъни кодекс билан тартибга солиниши керак. Шунинг учун сувни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муносабатларининг умумийлиги, яъни табиат объекти эканлиги, шунингдек ҳар бир сув объектининг алоҳида автономлигини эътиборга оладиган бўлсак, бундай ҳуқуқий муносабатлар, табиийки кодекс билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда сув қонунчилиги бўйича халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунотки, Россия Федерациясида сувдан фойдаланиш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ муносабатлар Россия Федерациясининг 2006 йил 3 июндаги Сув кодекси [3] билан тартибга солинади.

Ушбу кодексда биринчи навбатда ушбу қонунлар мажмуида қўлланиладиган асосий тушунчалар ўрнатилган бўлиб, уларга акватория, сув хўжалиги, сув ресурслари, сув фонди, сув истеъмоли, сув таъминоти, дренаж сувлари, сувни ишдан чиқариш ва бошқа тушунчаларни санаб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, Россия Федерациясининг Сув кодексида умумий қоидалар, сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар, сувдан фойдаланиш шартномаси, сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув, сувдан фойдаланиш, сув объектларидан ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадлари учун фойдаланиш, оқова ва дренаж сувларини ташлаш мақсадида фойдаланиш, сув ҳавзаларидан фойдаланиш, сув объектларидан электр энергия ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланиш, устки сувлардан сув ва ҳаво транспорти

мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ёғочларни ташиш учун фойдаланиш, сув объектларидан даъволаш ва соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан рекреация мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ов мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиш, сув объектларини муҳофаза қилиш, сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик муносабатлари тартибга солинган.

Беларусь Республикасида сувдан фойдаланиш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ муносабатлар Россия Федерациясининг Сув кодексига нисбатан батафсилроқ, аниқроқ ва тўлароқ тартибга солинган. Чунки, Беларусь Республикасининг Сув кодексига Россия Федерациясининг Сув кодексидан фарқли ўлароқ сувдан фойдаланиш турлари алоҳида олинган боблар тарзида тартибга солинган.

Сув қонунчилигининг ушбу мажмуаси (Беларусь Республикасининг Сув кодекси) 1998 йил 29 июнда қабул қилинган [4] бўлиб, унда ушбу қонунлар мажмуида қўлланиладиган асосий тушунчалар берилган бўлиб, уларга акватория, сув ресурслари, сув фонди, сув истеъмоли, сув таъминоти, дренаж сувлари кабиларни кўрсатиш мумкин. Беларусь Республикасининг Сув кодексига умумий қоидалар, сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи, сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлаш, техник меъёрлаш ва стандартлаштириш, сув объектларидан ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадлари учун фойдаланиш, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш, саноат мақсадларида фойдаланиш, оқова ва дренаж сувларини ташлаш мақсадида фойдаланиш, сув хўжалиги тизимларидан фойдаланиш, сувни муҳофаза қилиш, сув объектларидан электр энергия ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланиш, устки сувлардан сув ва ҳаво транспорти мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ёғочларни ташиш учун фойдаланиш, сув объектларидан даъволаш ва соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан рекреация мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ов мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан балиқ тутиш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан қидирув ва фойдали қазилмалар қазиб олиш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиш, сувни муҳофаза қилиш зоналари, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизми, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш ва молиялаштириш, сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат, сув мониторинги, давлат сув ҳисоби ва кадастри, сув хўжалиги баланслари, сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик, сувга етказилган зарарни қоплаш, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида низоларни ҳал этиш, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро муносабатлар, чет эл юридик шахслари ва фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаганларнинг сув муносабатларидаги иштироки, халқаро шартномалар, давлатлараро низоларни ҳал этиш муносабатлари тартибга солинган.

Қозоғистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ муносабатлар Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 9 июлдаги Сув кодекси [5] билан тартибга солинган бўлиб, у умумий ва махсус қисмлардан иборат. Бу кодексда ҳам биринчи навбатда ушбу қонунлар мажмуида қўлланиладиган асосий тушунчалар ўрнатилган бўлиб, уларга акватория, сув ресурслари, сув фонди, сув истеъмоли, сув таъминоти, сув объекти бассейни, ер ости сувлари бассейни, бошқаришнинг бассейн принципи, қирғоқ чизиги, сув сервитути, дренаж сувлари, сувни ишдан чиқариш ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Қозоғистон Республикаси Сув кодексининг тузилиши ҳақида тўхталиб ўтганда ундан жой олган умумий қоидалар, сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи, сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви, сув объектларидан ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш, сув объектларидан саноат мақсадларида фойдаланиш, сув объектларидан оқова ва дренаж сувларини ташлаш мақсадида фойдаланиш, сув объектларидан энергетика мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан даъволаш ва соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан рекреация мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ов мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан балиқ тутиш мақсадлари учун фойдаланиш, сув объектларидан ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиш, сувни муҳофаза қилиш зоналари, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизми, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш, сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат, сув мониторинги, давлат сув кадастри, сувга етказилган зарарни қоплаш, кичик сув объектлари ва уларни муҳофаза қилиш, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида низоларни ҳал этиш, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро муносабатлар, сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик муносабатлари тартибга солинганлигини санаб кўрсатиш мумкин.

Ўрганиб чиқилган давлатлар сув қонунчилиги таҳлили шундан далолат берадики, ушбу мамлакатларда сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар сув ҳуқуқининг мажмуалашган меъёрий ҳужжати ҳисобланган Сув кодекси билан тартибга солинган. Айниқса, бу масалада Беларусь Республикасининг тажрибаси диққатга сазовор бўлиб, ундан Ўзбекистон Республикасида сувдан оқилони фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сув кодексини яратиш тўғрисидаги ғоя илгари сурилаётган экан, албатта, бу кодекснинг тузилиши, тизими қандай бўлиши керак деган савол туғилади. Бизнингча, Сув кодексига қуйидаги бўлим ва боблар ўз ифодасини топиши лозим: I) Умумий қоидалар; II) Сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи; III) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари; IV) Сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлаш, техник

меъёрлаш ва стандартлаштириш; V) Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, куриш ва фойдаланишга бериш; VI) Сувдан фойдаланиш; VII) Сувдан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши ёки бекор қилиниши асослари ва тартиби; VIII) Сув объектларидан ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадлари учун фойдаланиш; IX) Сув объектларидан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш; X) Сув объектларидан саноат мақсадларида фойдаланиш; XI) Сув объектларидан оқова ва дренаж сувларини ташлаш мақсадида фойдаланиш; XII) Сув хўжалиги тизимларидан фойдаланиш; XIII) Сувни муҳофаза қилиш; XIV) Сув объектларидан даъволаш ва соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиш; XV) Сув объектларидан рекреация мақсадлари учун фойдаланиш; XVI) Сув объектларидан ов ва балиқ тутиш мақсадлари учун фойдаланиш; XVII) Сувни муҳофаза қилиш зоналари; XVIII) Сувдан оқилонга фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизми; XIX) Сувдан оқилонга фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш ва молиялаштириш; XX) Сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; XXI) Сувдан оқилонга фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат, сув мониторинги, давлат сув ҳисоби ва кадастри; XXII) Сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик; XXIII) Сувга етказилган зарарни қоплаш; XXIV) Сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида низоларни ҳал этиш; XXV) Сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро муносабатлар; XXVI) Давлатлараро низоларни ҳал этиш; XXVII) Яқунловчи қоидалар.

Хулоса қилиб айтганда, Сув кодексининг қабул қилиниши сув бойликларидан оқилонга фойдаланиш ва уларни самарали муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга, сувнинг сифатини яхшилаш ва соғломлаштиришга, аҳоли учун қулай табиий иқлим муҳити яратишга, республикамиз фуқароларининг сувга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга ва кафолатлашга, барқарор ривожланишни амалга оширишга, умуман олганда ҳозирги ва келажак авлодлар учун сув бойликларини асрашга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999
2. Наше общее будущее. – М.: Прогресс, 1989.
3. Водный кодекс Российской Федерации. 3 июня 2006 года. № 74-ФЗ.
4. Водный кодекс Республики Беларусь. Одобрено Советом Республики 29 июня 1998 года.
5. Водный кодекс Республики Казахстан. Закон РК от 12 января 2007 года. –№ 222-III.